


УЙДА ҚОЛИНГ! ЎЗИНГИЗНИ КОРОНАВИРУС БАЛОСИДАН АСРАНГ!



20

**ЎҚИШТА
КИРИШ УЧУН**
имтиёزلарни
бекор қилиш
керак...(ми?!)

**ШАХС ЁКИ
ИДОРА**
қонундан устун
бўлмаслиги керак



12

[@mahalladoshuz](#)

[@mahalladosh_uz](#)

[www.mahalladosh.uz](#)

№22

(1928-1931) 2020 йил
25 июнь — 2 июл

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

Маҳалла

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

ДАРЁНИНГ

у томонида журналист,
бу томонида блогер
туриб, бир-бирига тош
отмаслиги керак

8

ДОРИ

НАРХИДАГИ

тафовут қачон
барҳам топади?

9

ОЖИЗА ВА ЖИНОЯТЧИ

орасидаги
масофа қанча?

15

МАҲКУМА АЁЛНИНГ

аризаси нега рад
этилди?

18



ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛСА ҲАМ ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАҚ ТЎЛАЙДИМИ?

16-17



АҚШ: Трамппнинг биринчи юриши

29

Хиванинг сўнгги хони САИД АБДУЛЛАХОН тақдири қандай яқун топган?

31

«БУ — БИЗНИНГ УМУМИЙ ТАРИЖИМИЗ, УМУМИЙ ҒАЛАБАМИЗ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 23-24 ИЮНЬ КУНЛАРИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА БЎЛДИ



Долзарб масалалар муҳокама қилинди

Ташрифнинг биринчи кунинда Кремлда давлатимиз раҳбарини Россия Президенти Владимир Путин кутиб олди. Сўхбат чоғида стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари қўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Президентининг Россияга давлат ташрифи билан келиши айнан шу кунларга режалаштирилган эди. Аммо коронавирус пандемияси ушбу режаларни ўзгартириб юборди. Тадбир бошқа муддатга қўчирилди.

Учрашув бошида Россия Президенти Шавкат Мирзиёевга Буюк Ғалабага бағишланган тантаналарда иштирок этиш таклифини қабул қилгани учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари вакиллари мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор Қизил майдонда бўлиб ўтадиган парадда иштирок этиши ҳақида сўз юртар экан, «бу ўзига хос иттифоқчилик муносабатларимизнинг яққол намоиши» эканини таъкидлади.

Россия Президенти, шунингдек, Ўзбекистон халқи Ғалабага улкан ҳисса қўшганини, юртдошларимиз фронт ортида фидокорона меҳнат қилганини, элимиз эвакуация қилинганларни бағрикенглик билан қабул қилганини мамнуният билан қайд этди. Тошкент шаҳрида Ғалаба боғи ташкил этилгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, ўз навбатида, Владимир Путин ва бутун Россия халқини улуғ айём билан табрикла-

ди. «Бу – бизнинг умумий тарихимиз, умумий ғалабамиз», – деди Шавкат Мирзиёев. Тошкентдаги Ғалаба боғининг Ёдгорлик мажмуаси фондини бойитиш, шунингдек, Ўзбекистон халқининг Ғалабага қўшган ҳиссаси тўғрисида янада ҳаққоний статистик маълумотларни олиш мақсадида архив материалларини тақдим этишга тайёрлик намоиш этгани учун Россия томонига миннатдорлик билдирилди.

Бўлажак учрашувлар режаси келишиб олинди

Президентлар кейинги йилларда икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар. Ўзбекистон – Россия муносабатларининг долзарб масалаларини батафсил кўриб чиқдилар.

Фаол мулоқотни давом эттириш ҳамда Ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссия ва Ҳукуматлараро комиссия фаолияти доирасида келишувларни ҳаётга татбиқ этиш муҳимлиги қайд этилди. Президентлар халқаро ва

минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак учрашувлар режасини, шу жумладан, МДХ ва ШХТнинг навбатдаги саммитларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш борасида келишиб олдилар.

Ҳарбийларимиз илк бор парадда иштирок этди

Давлатимиз раҳбари Буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

Маълумки, бу йил Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида Буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган тантанали тадбир 9 май куни ўтказилиши режалаштирилган эди. Аммо коронавирус пандемияси сабабли уни ташкиллаштириш кейинги муддатларга сурилди. Зафарли 1945 йилда Ғалабанинг биринчи марказий паради 24 июнь санасида ўтказилгани

кистон элининг шонли Ғалабага эришишдаги умумэтироф этилган буюк хизматига ҳурмат бажо келтирди. Шу билан бир қаторда, мард ва жасур халқимизнинг шафқатсиз уруш сабаб чеккан мислсиз азияти, азоб-уқубатлари яна бир бор халқаро майдонда ёдга олинди.

Бўлиб ўтган парадда Ўзбекистон Қуролли Кучлари вакиллари ҳам улуғ аждодларга муносиб тарзда иштирок этди.

Ўтганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирилди

Президентимиз Москва шаҳрининг Александр боғидаги «Номатлум аскар» ёдгорлигига гул қўйди. Умумбашарий аҳамиятга эга ушбу мажмуа Иккинчи жаҳон уруши ўчоқларида Ватан ҳимояси йўлида мардларча ҳалок бўлган турли миллатта мансуб миллионлаб



боис, жорий йил ҳам бундай тантана учун айнан шу кун танланди.

Мазкур тарихан муҳим воқеани биргаликда нишонлаш мақсадида Россия ҳукумати музаффар мамлакатлар раҳбарияти номига таклифнома юборди. Ўзбекистон ҳам, албатта, ўша ғолиб давлатлар қаторида. Халқимиз ўша машум урушда ғалаба учун ҳеч муболагасиз, улкан ҳисса қўшган.

Таъкидлаш жоиз, пандемия бутун дунёга ўз таъсирини кўрсатаётган ҳозирги оғир шароитда давлатимиз раҳбарининг бундай тадбирда иштирок этишининг ўзи аждодларга хос қаҳрамонлик ифодасидир.

Мамлакатимиз раҳбари Москванинг Қизил майдонида бўлиб ўтган тантанали тадбирда ўз иштироки билан Ўзбе-

аскарлар, жумладан, ўзбек ўғлонларининг ҳам унутилмас хотираси учун бунёд этилган. «Исминг номаълум, жасоратинг барҳаёт» ёзуви битилган мазкур ёдгорлик аждодларнинг кўрсатган қаҳрамонлиги ва жасоратининг рамзий ифодасидир.

Шавкат Мирзиёев шу куни Ўзбекистоннинг Москва шаҳридаги элчихонаси яқинида жойлашган Ислам Каримов хиёбонида ҳам ташриф буюрди. Президентимиз буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти ҳайкали пойига гулчамбар қўйди, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Давлатимиз раҳбари хиёбонга ташрифи чоғида бу ерга йиғилган ватандошларимизни кутлади.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.



Хавфсиз туризм фондида давлат бюджетидан дастлабки 20 миллиард сўм миқдоридаги бошланғич маблағ ажратилди.

МАҚСАД АНИҚ, ВАЗИФАЛАР ТАЙИН, БИРОҚ НЕГА ФАОЛЛИК СЕЗИЛМАЯПТИ?



Агар ҳар куни республикаимиз маҳаллаларидаги биттадан эҳтиёжманд оиланинг хонадони обод қилинса, бир кунда 9 мингдан ортиқ хонадан обод бўлади. Ё бўлмаса, шунча одамнинг муаммоси ҳал этилса, бандлиги таъминланса, камбағалликдан чиқарилса, тез орада катта самарага эришиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида илгари сурилган «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» тамойили айтилиб, ушбу вазифани бажариш учун масъул ташкилот — Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакилларида ташкил топган ишчи гуруҳлар жорий йилнинг 9 июнидан ҳудудларда бўлиб, хонадон ва кўчаларни обод қилиш ишларини олиб бормоқда.

Жорий йилнинг 19 июнь кунли Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлигида бўлиб ўтган навбатдаги видеоселектор йиғилишида айтиш шунингдек, жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ҳудудларни ободлаштириш борасидаги ишлар самараси ҳақида сўз юритилди.

Масъуллар ҳужжатлар мазмунидан хабардорми?

Тахлилий-танқидий руҳда ўтган видеоселекторда давлат Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 июндаги баёни билан тасдиқланган «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонлари, Ҳаракатлар режаси, чора-тадбирлар дастури ҳамда Нурунийлар жамоатчилиги кенгашларининг хонадонлар ва кўчаларни обод ҳамда кўркам қилиш бўйича аҳолига Мурожаати мазмун-моҳияти билан жойлардаги масъулларнинг қай даражада хабардорлиги таҳлил қилинди. Шунингдек,

юқоридаги тамойилнинг Тошкент, Навоий ва Наманган вилоятларида қай даражада олиб борилаётгани ўрганилди.

Очиғи, таҳлиллар натижаси йиғилганларни қувонтирмади. Чунки ҳужжатлар қабул қилинганига 10 кундан ошган бўлса-да, ҳудудларда ҳали-ҳануз бўлса-да, ҳудудлардан беҳабар масъуллар бор экан. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 9 июндаги баёни ҳанузгача Бухоро вилоятининг Бухоро, Қорақўл, Ромитан, Пешку туманлари ва Бухоро шаҳрига етиб бормаган.

Нурунийлар жамоатчилиги кенгашларининг аҳолига мурожаати Бухоро туманидаги «Шергарон», Қорақўл туманидаги «Хўжалар» ҳамда Ромитан туманидаги бирорта маҳаллага етказилмаган. Энди ўзингиз айтнинг, ҳужжатлардан беҳабар бу масканларда амалий иш қилинганини кутиш мумкинми?

Ободонлаштириш ишлари суст кетяпти. Негача?

— «Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» ташаббуси кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга кўмак бериш, уй-жойларини таъмирлаш, ёрдамчи хўжалик биноларини қуришга кўмаклашиш мақсадида амалга оширилмоқда, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Раҳмат Маматов. — Аммо жойларда бу ишлар талаб даражасида олиб борилмапти. Топшириқларга юзаки ёндашаётган ҳудудлар ҳам бор. Олинган маълумотларга кўра, шу вақтга қадар

пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида 3 та, Яққасарой туманида 5 та, Самарқанд вилояти Пайариқ туманида 1 та хонадон таъмирланган.

Бошқа ҳудудларда ҳам бу борадаги ишларни самарали олиб борилапти, деб айта олмаيمиз. Масалан, Наманган вилояти Чуст тумани бўйича 1 минг 931 та хонадон камбағал оила сифатида рўйхатга олинган бўлса-да, ҳанузгача уларни камбағалликдан чиқариш бўйича аниқ чоралар кўрилмаган. Туманда мавжуд 78 та қабристондан фақат биттаси таъмирланган. Ё бўлмаса, Сурхондарёда 64 минг 890 та таъмирталаб хонадонлар мавжуд бўлса-да, жорий йилнинг 19 июнь ҳолатига 12 минг 342 таси ёки 19 фоизи таъмирланган.

Нега аниқ маълумотлар тўпланмаган?

— Мазкур ташаббус учун, аввало, ҳудудлардаги кам таъминланган, ишсиз аҳоли ва маҳаллалардаги хароб аҳволдаги кўча ва хонадонлар ҳақида аниқ маълумотлар тайёрланиши зарур, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ўринбосари Ботир Парпиев. — Кўни кеча Тошкент вилоятида бу бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишдим. Аммо масъулларнинг Ҳаракатлар режасидаги вазифалардан тўла хабардор эмаслиги, ҳали-ҳануз аҳолининг ижтимоий аҳоли ва хонадон, кўчалар ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумоти йўқлигига гувоҳ бўлдим. Хусусан, шундай ишлаб чиқариш саноати юқори вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларнинг сустлигидан ажабландим.

Йиғилишда қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида Чиноз, Оҳангарон туманларида 2 нафардан, Нурафшон шаҳри, Тошкент, Бекобод туманларида 3 нафардан, Бўстонлиқда 5 нафар, Оққўрғонда 6 нафар ишсиз аҳоли бандлиги таъминланган бўлса, Янгийўл

шаҳрида бирорта ишсиз аҳоли бандлиги таъминланмаган. Айтиш масаласида Навоий вилоятининг Хатирчи, Қонимех, Томди туманларида амалга оширилган ишлар ҳам умуман талабга жавоб бермапти.

Мурожаатларга муносабат қандай бўляпти?

2020 йил 19 июнь ҳолатига вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан жами 72 минг 56 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг ҳар бирида халқимиз вакилининг дарди, муаммоси ўз аксини топган. Уларга панжа ортидан қарашга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Афсуски, айрим масъуллар ўз вазифаларини тўла адо этмай, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш ўрнига мурожаатчиға тегишли жавоб қайтаришни ҳам кечиктирмоқда. Масалан, Қашқадарё вилоятида 394 та, Тошкент вилоятида 250 та, Бухоро вилоятида 171 та, Хоразм вилояти мурожаатнинг кўриб чиқиши асосида 30 кундан кечиктирилган.

Статистикага кўра, энг кўп мурожаат Қашқадарёдан (12 минг 10 та), Тошкент шаҳридан (7 минг 985 та), Сурхондарёдан (7 минг 419 та) келиб тушган. Мурожаатларнинг кўпчилиги мазкур ҳудудларда тизимга оид муаммоларнинг урчиётгани ва улар ўз ечимини қутаётганидан далолат беради.

Йиғилишда аҳолини қийнаб келаётган ана шундай масалаларга алоҳида урғу берилди. Қилинган ишлар таҳлил қилиниб, аҳоли фаровонлигини ошириш, давлат ва жамиятни ривожлантириш йўлида яна қандай амалларни бажариш зарурлиги кўриб чиқилди. Таҳлиллардан чиқарилган хулосаларга кўра, бир қатор вазифа ва режалар белгилаб олинди.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»



«Яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ҳукумат қарори қабул қилинди.

ЯНГИ ҚОНУНЛАР ФУҚАРОЛАР ҲАЁТИДА ҚАЙ ДАРАЖАДА АКС ЭТАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хўш, улар нималардан иборат? Қандай аҳамиятли томонлари бор? Қонунлар одамларга нима беради?



СЕНАТ РАИСИ НИМА ДЕДИ?

Танзила НАРБАЕВА,
Олий Мажлис Сенати Раиси:

— Худудларга чиққанда кўр-япмиз: муаммо кўп, одамларда саволлар тўп-ланиб қолган. Лекин ҳамма сенаторлар ҳам уларни эшитяпти, дея олмай-миз. Биз худудларга чиққанда ижро органлари ёки бошқа тузилмалар вакилларида ишчи гуруҳ тузиб, муаммо ахтариб юрибмиз. Аслида худудлардаги сенаторларимиз, депутатларимиз бизни «муаммолар портфели» билан кутиб олиши ёки марказдан ишчи гуруҳи келишни кутиб ўтирмасдан муаммоларни Сенат ёки маҳаллий Кенгаш муҳокамасига киритиб бориши керак эмасми?! Бунинг учун ваколатлар етарли-ку!



Маҳкумларга қулайликлар яратилади

Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, вояга етмаган маҳкумларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувларида чекловлар бекор қилинмоқда. Маҳкум ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёллар учун қўшимча ҳуқуқлар киритилмоқда. Яъни маҳкум аёлларга вояга етмаган болалари билан бир йил ичида тўрт марта муддати беш суткагача бўлган узоқ муддатли учрашув, шунингдек, манзилли колонияларда сақланаётганларга эса муассаса худудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган микдорда берилаяпти.

Шу билан бирга, маҳкумларнинг шахсий ҳафсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар кенгайтирилмоқда. Уларни тинтув қилиш вақтида жисмоний куч ва махсус воситалар асоссиз қўлланилишининг олди олинмоқда. Маҳкумларнинг илтимосига кўра, учрашувлари ва телефон орқали сўзлашувларини кўпайтириш ҳамда видео-учрашувлар билан алмаштириш тизими жорий этилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.



Қонунда тор доира манфаати ҳисобга олинган... (ми?)

Сенаторлар «Фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашда иш-тирок этиши тўғрисида»ги қонунни кўриб чиқишди. Қонуннинг аксарият нормалари реал ҳаётини муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга солмаслиги, уларнинг асосий қисми тўлиқ ифодаланмагани, белгиланган тадбирларнинг амалга ошириш механизми мавжуд эмаслигини алоҳида қайд этилди. Шу билан бирга, жамоат тартибини сақлашда иш-тирок этувчи шахсларнинг реестри ва уни юритувчи органлар фаолияти билан боғлиқ масалалар назарда тутилмаган.

Айрим моддаларда фуқароларнинг бевосита ҳуқуқларига оид масалалар очиб берилмагани тор доирадаги идора манфаатлари ва қисқа муддатли мақсадларни кўзлаши мумкинлиги айтиб ўтилди. Шу жиҳатдан қонун сенаторлар томонидан рад этилди.

Ўзбекистоннинг биринчи аёл элчиси тасдиқланди



Сенаторлар Феруза Махмудовани Ўзбекистоннинг Исроил давлатидаги Фавқуллод ва Мухтор Элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Парламент юқори палатаси Раиси Т.Нарбаева шу кунга қадар мамлакатимиз 130 дан зиёд хорижий давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатган бўлса, уларда ҳали бирорта аёл элчи тайинланмаганини таъкидлади.

Ота-оналар жавобгарлиги кучайтирилади

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Жиноят кодексида кўра, таркибиде кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланиб, айбдор беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилмоқда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келса, айбдор базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг ўн бараваригача миқдорда жаримага тортилиши белгиланмоқда. Агар болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилинса, БХМнинг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима белгиланиб, жавобгарлик кучайтирилмоқда.



Шунингдек, Сенат йиғилишида «Инновацион фаолият тўғрисида»ги, «Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Энергиядан оқилон фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Геодезия ва картография тўғрисида»ги, «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликдаги ҳарбий ўқувларни ўтказиш тўғрисида»ги Битимга қўшимчалар киритиш ҳақидаги Баённомени (Бишкек, 2019 йил 29 апрель) ратификация қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Бўғувчи, захарли ёки бошқа шу каби газлар ва бактериологик воситаларнинг урушда қўлланилишини тақиқлаш тўғрисидаги Протоколга (Женева, 1925 йил 17 июнь) қўшилиши ҳақида»ги қонунлар ҳам қабул қилинди.


► Сўнгги икки йилда тез ёрдам машиналарининг ўз вақтида етиб келмаслиги оқибатида 48 мингдан ортиқ ўлим ҳолати юз берган. Охириги уч йилда ҳайдовчилар томонидан махсус автотранспорт воситаларига йўл бермаслик билан боғлиқ 700 дан зиёд ҳолат аниқланган. Аслида ҳар қандай ҳолатда ҳам уларга йўл бериш керак. Бироқ уларни ўтказиб юбораман, деб бошқа ҳайдовчиларимиз айбсиз айбдор бўлиб қолмоқда. Яъни ўтказиб юбораман деб қоида бузса ҳам жарима тўлайди, қоида бузмай деб уларга йўл бермаса ҳам жарима тўлайди. Бу каби ҳолатларга чек қўйиш учун ҳам «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун жуда муҳим.

► Қўпол эшитилгани билан аслида теран ахлоқий маънога эга бўлган «Эти сизники, суяги бизники», деган гапларга, афсуски, эскилик саркити сифатида қаралмоқда. Мактабларда эркак ўқитувчиларнинг қамийиб кетгани ҳам катта муаммо, аслида. Фарзандининг арзи-маган шикояти учун мактабга югуриб келиб ўқитувчига «ташланиш»дан кўпчилик ота-оналар уялмай қўйди. Бу эса жамиятда ўқитувчи макомининг обрўсизланишига олиб келмоқда.

Ҳурматли ота-оналарга мурожаат қилмоқчиман: фарзандим ҳаётда ўз ўрнини топишда қийналмасин, мустақил фикрли, мулохазали инсон бўлиб вояга етсин, десангиз, болангиз қалбиде ўқитувчига эҳтиром ҳиссини тарбияланг ва ўзингиз ҳам устозларни эъзозланг. Ўқитувчи ўқувчи ёки унинг ота-онаси томонидан оёқоти қилинадиган одам эмас, балки зиё тарқатувчи инсон, керак бўлса ҳаммадан бир поғона юқори турувчи шахсдир.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги мураккаб пандемия шароитида иқтисодиётни барқарор ишлашга мослаштира олган, аҳолининг яратувчанлик қobiliятини тўғри йўналтира олган мамлакатларгина катта йўқотишларга дуч келмаслиги мумкин. Бу борада Ўзбекистонда ҳам имкониятлар етарлича. Айниқса, туризмни ривожлантириш орқали салмоқли натижаларга эришиш мумкин. Бу билан нафақат соҳанинг ўзи, балки унга хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш, транспорт, чакана савдо каби йўлдош тармоқларда ҳам иш жойлари ташкил этилади.



ХАВФСИЗ САЁХАТ КАФОЛАТЛАНАДИ: Ўзбекистон буни қандай амалга оширмоқчи?

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 июндаги «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизлигининг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам юқоридаги мақсадларга хизмат қилади.

3 та аэропорт «Очиқ осмон» режимига ўтади

Қарорга мувофиқ, 2021 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабрга қадар меҳмонхонага берилган тоифа сақланган тақдирда, тегишли йил якунига кўра, улардан тоифаси учун ундирилган йўғим суммасининг 50 фоизи ўзларига қайтарилади. Ушбу имтиёз орқали 29 та тоифага эга меҳмонхонанинг 3 миллиард сўмга яқин маблағи ўз ихтиёрида қолиши кутилмоқда.

2020 йил 1 августдан бошлаб рейслар сони ва йўналишлари бўйича чекловлар бекор қилиниб, хорижий авиакомпанияларга бешинчи даражадаги ҳаво эркинлигини назарда тутувчи «Очиқ осмон» режими «Андижон», «Бухоро» ва «Ўргanch» халқаро аэропортларида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ жорий этилади. Бу эса, ўз навбатида, юртимиз аэропортларининг жозибадорлигини янада ошириб, минтақадаги «хаб» аэропортларга айланиши учун замин яратади.

Яна бир жиҳат: бугунгача халқаро парвозлар икки томонлама битим асосида амалга оширилган.

Яъни, дейлик, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» АК Туркияга иккита авиарейсни амалга оширадиган бўлса, улар ҳам шунча миқдордаги рейсни йўлга қўйиши мумкин эди. Эндиликда юқоридаги қарор билан бундай чекловлар олиб ташланиб, халқаро авиакомпаниялар «Очиқ осмон» режими жорий этилган халқаро аэропортларга доимий қатновларни амалга ошира олади.

Қарор билан инвесторлар 2023 йил 31 декабрга қадар янги дор йўллари қуриб фойдаланишга топширса, **харажатларининг бир қисми** Туризм соҳасини кўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан **қопланади**. Бунда ҳар бир 500 метр йўл учун 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилади. Худди шундай, туристик зона ва қишлоқ жойларда тадбиркорларнинг намунавий лойиҳалари асосида енгил конструкцияли **ўтовлар, контейнерлар, сендвич панелларни** қуриш харажатларининг бир қисми ҳам **Давлат бюджети ҳисобидан қопланади**. Бунда ҳар бир жой учун 5 миллион сўмгача миқдорда маблағ ажратилади.

Энди гидлар ҳам ўзини ўзи банд қилган фуқаро саналади

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда юртимизда сертификатта эга 1000 нафардан зиёд гид фаолият юритади. «Туризм тўғрисида»ги қонунда гидларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кафолатланган бўлса-да, иш билан бандлик, иш стаж ва пенсия ҳисоби масалалари очиқ қолаётган эди. Эндиликда гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчилар **ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилиши** ҳам уларга катта имкониятлар яратади. Хусусан, бу билан

соҳага қизиқувчи ёшлар сони, чет тилларини, мамлакатимиз тарихини ўрганишга бўлган талаб ортади.

Ўзбекистонда ҳам нодавлат музей ва галереялар иш бошлайдиган кунлар яқин. Чунки мазкур қарорга асосан, 2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлга қадар нодавлат (хусусий) музейлар, бадий галереялар ва ҳунармандчилик марказларининг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи, мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда айланмадан олинадиган солиқ ставкалари белгиланган миқдорга нисбатан **50 фоизга камайтирилади**. Бу, албатта, хизматлар бозорида янги турларнинг пайдо бўлиши ва соғлом рақобатга имкон яратади.

Туристларга пул туланади. Нега?

Албатта, юртимизга келаётган сайёҳларнинг саломатлигини асраш ҳам долзарб масала. Ана шу мақсадда «Ўзбекистон. **Хавфсиз саёхат КАФОЛАТЛАНГАН**» («Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED») санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими жорий этилмоқда.

Туроператорлар томонидан хорижий туристларга хизмат кўрсатиш карантин даврида фақат ушбу тизимнинг хавфсиз объектлари реестрига киритилган туризм ва ёндош инфратузилма объектларида ташкил қилинади. Туристларга хизмат кўрсатувчи объектларда тизим мажбурий тартибда жорий этилади.

Шунингдек, қарорга мувофиқ, дунёда биринчи марта Ўзбекистонда янги амалиёт жорий қилинган. Яъни Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилган саёхат давомида **хорижий туристлар** коронавирус (COVID-19) инфекциясини юқтириб олган тақдирда, уларга **3 минг АКШ доллари** миқдорида **компенсация** тўлаб берилади.

Чегараларда «Fast track» хизмати жорий этилади

«Заҳириддин Муҳаммад Бобур»

номидаги халқаро аэропортта хуш келибсиз!» Яқин келажақда Андижонга борсангиз, аэропортда сизни ана шундай калом билан кутиб олишади. Гап шундаки, юқоридаги қарор билан «Андижон» халқаро аэропортига **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** номи берилди. Мамлакатимизнинг бошқа халқаро аэропортларини номлаш учун оммавий танлов эълон қилинади.

Қарор билан сайёҳларга чегаралардан ўтиш жараёнида максимал қулайликлар жорий этилмоқда. Жумладан, 2021 йил 1 январдан бошлаб «Ғиштқўприк» ва «Хайратон» халқаро назорат-ўтказиш пунктларида мавжуд инфратузилма доирасида чегарадан тезкор ўтиш механизмлари — **«Fast track» хизмати** жорий этилади. У пуллик асосда амалга оширилади.

Бундан ташқари, Айдар-Арнасой кўллари тизими, Тўдакўл кўли ҳудудида туристик зона, Зомин туманида умуммавсумий, қишки ва ёзги дам олиш масканлари ташкил этилади. **«Пиеда туристик маршрут», «Ўзбекистон — умидли ва шифобахш замин»** («Uzbekistan — hope and healing land»), **«Clean&Eco»** лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

Умуман олганда, мазкур ҳужжатда туризмни ривожлантириш мисолида бугунгидек мураккаб шароитларда ишлаш кўникмасини шакллантириш, кам ресурс ва маблағ сарфлаб, кўпроқ натижага эришиш ва бу орқали аҳолини барқарор даромад билан таъминлаш бўйича яна кўплаб чора-тадбирлар белгиланган. Улар ижроси орқали тадбиркорларга, аҳоли кенг қатламларига янги фаолият турлари билан шугулланиш, янги сайёҳлик маршрутларини очиш, «Туризм маҳалласи», «Туризм қишлоғи», «Туризм овули» орқали янги иш ўринларини ташкил этишга шароит яратилади.

Жамшид ҚОСИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

Дарвоқе...

Коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича **чора-тадбирлар режасини 2020** йилда амалга ошириш учун Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан **камида 10 миллиард сўм** маблағ ажратилади.

Хотин-қизлар учун қўшимча грант асосида
ОТМга кириш тартиби белгиланди.

Ғалладан бўшаган майдонга такрорий экин экиш, ҳар қарич ердан самарали фойдаланиш пандемия даврида ҳар доимгидан-да муҳим аҳамият касб этади. Аммо ҳаммада ҳам, айниқса, эҳтиёжманд оилаларда имконият — деҳқончилик қилиш учун зарур маблағ етарли эмас. Биргина мисол, бугун мамлакатимизда ғалладан бўшаган бир гектар ер ўртача 1 миллион сўмга сотиляпти. Ерга ишлов бериб, уруғ экиш ва уни парвариш қилиш ҳам моддий маблағга бориб тақалади. Демак, такрорий экин экиб, оила даромадини яхшилаш учун ҳам етарлича маблағ керак бўлади.



ҒАЛЛАДАН БЎШАГАН майдондан ким қандай фойдаланяпти?

Хўш, бугун ғалладан бўшаган майдонлардан ким қандай фойдаланяпти? Камбағалликни камайтиришда ердан самарали фойдаланиш зарур экан, эҳтиёжманд оилаларга бу борада қандай ёрдам берилляпти? Ёки такрорий экинни ҳам чўнтагида уч-тўрт сўм пули бор, ўзига тўқ оилалар экяптими?

Ер кимларга берилляпти?

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидан унумли фойдаланиб, камбағалликни қисқартириш имконияти кенг, — дейди Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиғи Собитжон Рўзиев. — 3 июнь куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борада аниқ кўрсатмалар берилди. Хусусан, ғалладан бўшадиган 120 минг гектар майдонни такрорий экин учун ажратиб, 300 мингга яқин оилага даромад манбаи яратиш вазифаси қўйилди. Айни пайтда ғаллани ўриб-йиғиб олиш ишлари жадал давом этапти. Бўшаган майдонлар эса қисқа фурсат ичида такрорий экин экиш учун тайёрлаб берилмоқда.

Шунингдек, жойлардаги ҳокимлик ва маҳаллалар билан ўрнатилган ҳамкорлик асосида такрорий экин экишга мўлжалланган ерлар ўз эгаларига топшириляпти. Жумладан, 20 июнь ҳолатига кўра, республика бўйича 266 минг 306 нафар ишсиз ва кам таъминланган фуқароларга 84 минг 286 гектар ер ажратиб берилди. Айни кунларда жараён қизғин давом этапти. Яна бир жиҳат: ҳали ғалла ўрими бошланмаган ҳудудларда ҳам ерларни кимларга ажратиш, уларга қандай экин экишни тавсия этиш масалалари ўрганиб чиқилган. Шу боис ўрим тугаб, комбайнлар даладан узоқлашмасидан ерга ишлов бериш бошлаб юборилляпти.

Такрорий экин учун ҳам маҳалладан маълумотнома керакми?

— Ҳудудлардаги аҳолини, аҳолининг ижтимоий ҳолатини маҳалла раисларидан кўра яхшироқ биладиган шахс йўқ, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилшод Юсупов. — Маҳалла раислари нафақат ҳар бир оиланинг ижтимоий ҳолатини, балки уларнинг қизиқиш ва кайфиятини ҳам яхши билади. Қолаверса, ер ажратишда улар эҳтиёжманд оилалар қанча ерга, қандай ишлов бера олиши каби жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда иш олиб борапти. Ер олиш учун эҳтиёжманд оила вакиллари маҳалла раисига мурожаат этиши кифло.

Аслида ҳар битта раис ҳудуднинг эҳтиёж ва имкониятидан келиб чиқиб рўйхат шакллантирган. Яъни маҳалла фаоллари уйма-уй юриб, оилаларга ер бериш таклифини билдиради. Ўрни келганда, уларни бунга рағбатлантириб, ишончини мустаҳкамлайди. Бунинг учун уларга деҳқончилик сирларини ўргатиш мақсадида фермер хўжалигининг ишчилари, маҳаллалардаги фаол фуқаролар бириктирилади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу оилаларнинг ажратилган ердан унумли фойдалана олишига хизмат қилади.

Фақат ерни бериш билан иш битадими?

Юқорида таъкидлаганимиздек, деҳқончилик қилиш ҳам осон юмуш эмас. Айниқса, моддий жиҳатдан қийналган оилалар учун. Шу боис уларнинг айримлари текин берилган ерни сотиб, кунлик эҳтиёжига сарфлаб юбориши ҳам мумкин. Бу ҳолатда кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Қолаверса, бунда уларни айблаш ҳам ноўрин. Негаки, ерга ишлов беришнинг ўзи билан иш битмайди. Аввало, сифатли уруғ, агротехник хизматлар ва минерал ўғит учун маблағ керак. Хўш, бу каби жиҳатларга ҳам аҳамият қаратилганми?

— Ерларнинг бир қисми кам таъминланган аҳолига бўлиб берилиши билан бирга, улар тайёр ҳолга келтирилиб, уруғ ҳам бепул тарқатилмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокимлиги масъул ходими Ахрор Содиков. — Шунингдек, ерлар аҳоли яшайдиган жойга яқин, суғоришда муаммо бўлмайдиган ҳудудлардан танланяпти. Ерни тақсимлаш жараёнида масъул шахслар аҳоли билан суҳбат қилиб, уларнинг оилавий аҳоли, қандай экин экимоқчи экани, далада оиланинг қайси аъзолари ишлаши деҳқончиликдан хабардорлиги ҳам ҳисобга олинмоқда.

Ҳосил пишиб етишгач, уни муносиб баҳода сотиш ҳам керак. Шу боис вилоят ҳокимлиги келгусида улар етиштирган маҳсулотлар ҳам экспортёрлар томонидан даланинг ўзидан сотиб олинишини таъминлайди.

Мавзуга оид маълумот:

Такрорий экинларни экиш учун ер тайёрлаш ишлари экин турларига боғлиқ ҳолда ўтказилади. Масалан, мош, ловия, соя, маккажўхори, кўп ўримили жўхори, хашаки нўхат, хантал, рапс, перко, жавдар, тритикале каби экинларни экиш учун далани енгил суғориб, ер етилганидан сўнг бугдойпоя қатор ораларини культиватор ёки чизель-культиватор ёрдамида юмшатиб, сабзавот сеялкалари ёрдамида экиш ишлари амалга оширилади. Қолган барча экин турлари учун ер тайёрлашда далалар енгил суғориб олинганидан кейин омок ёрдамида 20-22 см. чуқурликда ҳайдалади ва борона қилинади.

Сув таъминоти оғир, қучсиз шўрланган, сизот сувлари ер юзасига яқин жойлашган ҳудудларда дуккакли-дон экинларидан — мош, ловия, мойли экинлардан — кунжут, зиғир, ёрма-дон экинларидан — тарикни экса бўлади. Қолган экин турларини имкон борида сув танқис бўлмаган ҳудудларда экиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун эса сифатли маҳсулот етиштириш ва харидор дала бошига келиши учун ҳосилнинг миқдори кўпроқ бўлиши керак.

Хулоса ўрнида

Ғалла ўриб олинаётган айни кунларнинг ҳар сонияси кузги хирмон салмоғини белгилаб беради. Шунинг учун вақтни бесамар ўтказмай, ерга ўз вақтида уруғ қадаган деҳқон ютади. Худди шунингдек, бугунги пандемия даврида иқтисодий қийинчиликларни енгиш учун ташланган ҳар бир қадам халқимизнинг фаровонлигини, моддий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Такрорий экин экиш орқали озиқ-овқат хавфсизлиги ҳам таъминланади. Демак, шундай муҳим фурсатни бой бермаслик шарт.

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ
«Mahalla»



Ғалладан бўшаган майдонда такрорий экин сифатида эътиборни дуккакли-дон ва мойли экинлардан — мош, ловия, соя, кунгабокар, ерғоғок, кунжут, зиғир, ёрма-дон экинларидан — тарик, маржумак, сабзавот-полиз экинлардан — қарам, сабзи, шолғом, турп, пиёз, саримсоқ, пиёз, қалампир, бодринг, помидор, бақлажон, батат, қовун, тарвуз, картошка, ем-хашак ва дон экинлардан — маккажўхори, жўхори, судан ўти, шоли, сидерат экинлардан — хашаки нўхат, хантал, рапс, перко, жавдар, тритикале ва бошқа экинларга қаратиш зарур.

Тошкент шаҳрида блокпостлар қайта тикланади, чет элдан қайтганлар карантин муддатини меҳмонхонада ўтказиши мумкин бўлади.

Самарқанд вилояти Пахтачи туманида яшовчи 22 ёшли Эътибор Жумаева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўз айбини яшириш учун 2020 йил май ойида туғилган фарзандини сотишга қарор қилди. Ҳали бир ойлик ҳам бўлмаган норасидага тезда Навоий вилоятидан харидор топилди. Навоийлик Абдулла Маҳмараимов чақалоқ учун 3 миллион сўм беришини айтди ва улар келишиб олишди. Навоий шаҳридаги «Навоий» жоме масжиди ёнида олди-сотди ишларини амалга ошираётган шахслар ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди...

ФАРЗАНДИНИ СОТГАН ОНА ГҲДАК МЕҲРИДАН ПУЛНИ АФЗАЛ БИЛДИМИ?

Фарзандини оқ юшиб, оқ тараб парваришлаган она учун бу дунёда ундан азизроқ неъмат йўқ... Шундай деймиз, аммо атрофимизда содир бўлаётган дилни хира қиладиган турли ҳолатларни кўриб, эшитиб нафасимиз ичимизга тушгандек бўлади. Айниқса, кишиларнинг ўз жигарбандини арзимаган моддий маблағ эвазига сотиб юбориши инсон ақлига сиғмайди, қалбини ларзага келтиради. Афсуски, бугун ораимизда моддий қийинчилик, содир этган хатосини яшириш, нафсини тия олмаслик каби сабаблар туфайли ўз жигаргўшасини пуллаётган жохиллар ҳам учраб турибди.

Ҳўш, уларни фарзандини сотишга нима мажбур қилмоқда? Нега чақалоқлар савдоси кўпайиб бораётир? Унинг олдини олиш учун нималар қилиш керак? Бу ҳақда **Олий Мажлис Сенати аъзоси Дилбар ОРЗИЕВА** ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Бирламчи омил — моддий эмас, маънавий қашшоқликдир

— Аслида ҳеч бир сабаб инсоннинг ўз жигаргўшасини бегона қўлларга бериб қўйишига асос бўла олмайди. — дейди **Д.Орзиева**. — Ҳаттоки, жониворлар ҳам ўз боласини ҳимоя қилишга, асраб-авайлашга тиришади, ақл-идрокка эга инсон эса баъзан бунга куч тополмайди. Боласини пуллаш сингари қабихликка қўл урган кишилар билан суҳбатлашганимизда кўпинча бунга моддий қийинчилик сабаб бўлганини айтади. Ё бўлмаса, бу фарзанд катта бир хатонинг меваси экани, элу халқ орасида қилган айби учун боши эгилиб қолмаслигини хоҳлашини билдиради. Хатони яшириш учун яна бир хатога йўл қўйиш инсон бошини омма олдида икки марта эгилишига сабаб бўлмайди, аслида?

Айтиб ўтиш жоизки, 2019 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар 2018 йилга нисбатан камайди. Аммо умумий жиноятлар орасида чақалоқ савдоси билан боғлиқ ҳолатлар юқориликча қолмоқда. 2018 йилда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг 38

фоизини чақалоқ савдоси ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 43 фоизга етган.

Бу статистика киши қалбини тирнайди. Одамни бундай қабохатга ундайдиган қандай сабаблар бор экан-а, дея мулоҳаза юритишга чорлайди. Қайд этилишича, чақалоқ савдоси жиноятлари 2019 йилда Сирдарё, Хоразм вилоятларида 5 тадан, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида 4 тадан, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Навоий вилоятларида 3 тадан содир этилган. Сабаблар ўрганилганда, 19 та ҳолатда оилавий шароитнинг оғирлиги, болани боқишга имкон йўқлиги, 3 та ҳолатда уй-жой олиш, 9 та ҳолатда ўз айбини яшириш ва 10 та ҳолатда моддий манфаат учун бунга қўл урилгани маълум бўлмоқда.

Тўғри, 19 та ҳолатда инсонларни ҳаёт машаққатлари, моддий етишмовчилик фарзандини сотишга мажбур қилган. Аммо ҳеч бир қийинчилик маънавияти юксак инсонни бундай хато қилишга мажбурлай олмайди. Улар оғир вазиятдан чиқишнинг бошқа йўллари топишади. Аммо 9 та ҳолатда ўз айбини яшириш учун бу жиноятга қўл урилганини ҳисобга олсак, бу ўғил-қизларимизнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини тўғри шакллантира олмаётганимиз, уларни оила муқаддаслиги, фарзанднинг улуг неъмат экани каби эзгу ҳис-туйғулар билан тарбиялай олмаётганимиздан дарак беради. 10 та ҳолат бўйича моддий манфаат учун нафс кутқусига учиб, фарзандидан воз кечиши бу инсонларнинг мафқуравий имунитети пастлигидан далолат беради.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: Ўзбекистонда фарзанд асраб олишнинг қийинлиги ва бу жараёндаги қоғозбозликлар ҳам

Мавзуга оид маълумот:



Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, бир йилда **1,2** млн. бола одам савдоси қурбонига айланади.

Тахминларга кўра, дунё бўйлаб ҳозиргача **27** миллион катта ёшли киши, **13** миллион бола одам савдосидан жабр кўрган.

Одам савдоси қурбонларининг **80** фоизи аёллар, **50** фоиздан кўпроғи эса вояга етмаганлар ҳисобланади.

чақалоқ савдоси жиноятлари сонининг ошишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, фарзанд кўрмаётган оилаларнинг Меҳрибонлик уйларида бола асраб олиш жуда қийинлиги, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан бериш тартиби мураккаблиги, кўп ҳужжатлар талаб қилинаётгани ва улар мавжуд бўлмаганда оилалар фарзанд сотиб олишга мажбур бўлаётгани аниқланган. Шу боис фарзанд асраб олиш тартибини қайта кўриб чиқиб, соддалаштириш вақти келди, чамамда.

Мурожаатлар нега эътиборсиз қолмоқда?

Айниқса, қизлар тарбиясига катта эътибор қаратиш, аёлларнинг маърифатини ошириш зарур. Чунки ожизалар ҳаёт си-

новларига тез таслим бўлади. 2019 йилда чақалоқ савдоси билан боғлиқ жиноятлар 72 нафар шахс томонидан содир этилган бўлиб, шундан 62 нафари, яъни 86 фоизини аёллар ташкил қилиши сўзимизни исботлайди.

Чақалоқ савдоси ҳақида сўз борганда, яна бир жиҳат кишини ўйга толдиради. Бу — норасидаларнинг дунёга келишига қўмақлашувчи тиббиёт ходимларининг ҳам бола олди-сотдисидан воситачилик қилишидир. Маълумотларга кўра, чақалоқ савдоси жиноятида иштирок этган шахслар жами воситачиларнинг 32 фоизини тиббиёт соҳаси вакиллари ташкил этади.


Яна бир жиҳат: тахилларга кўра, одам савдоси билан боғлиқ муурожаатлар ҳал этилишининг қонунийлиги ҳамда ушбу турдаги жиноятларнинг аниқланиши ва судларда кўрилиши, жазо муқаррарлиги тамойили таъминланиши механизми самарали йўлга қўйилмагани ҳам кўзга ташланмоқда. Хусусан, 2019 йилда одам савдоси жинояти билан

боғлиқ келиб тушган 710 та муурожаатдан бор-йўғи 94 таси, яъни 13 фоизи бўйича жиноят иши очилган. Демак, бу борада ҳам мутаассадилар масъулиятини оширишга зарурат бор.

Одам савдоси, айниқса, норасида гўдақларнинг пулланишини кечириб бўлмайди. Унга қарши жамоатчилик назоратини ўрнатган ҳолда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб қуралишимиз керак. Фарзандини сотган инсон ватанини, миллатини, ҳар несини сотишга тайёр бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун эса, аввало, халқимизнинг маънавияти, дунёқарабини янада юксалтиришимиз зарур.

«Mahalla» мухбири
Санжар ЭШМУРОВ
тайёрлади.

Ноширлик фаолияти учун энди лицензия талаб этилмайди.



Абдусайд КЎЧИМОВ:

Дарёнинг у томонида журналист, бу томонида блогер туриб, бир- бирига тош отмаслиги керак

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) Бош директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли публицист ва шоир Абдусайд Кўчимовга бугунги ўзбек журналистикасига оид саволлар билан юзланиб, фикр-мулоҳазаларига кулоқ тутдик.

— Қонунларимизда журналистнинг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилган бўлса-да, унга маълумот беришдан бош тортиш, ишончсизлик билан қараш, расмий хат талаб қилиш сингари ҳолатлар кўп учрайди. Сизнингча, бу ҳолат рўй бермаслиги учун нима қилиш керак?

— Халқона нақл бор: «Бўрини оёғи боқади». Журналистга эса қалам доимий ҳамроҳ. У қаламнинг, илоҳий кучига таянади. Тўғри, сиз таъкидлаган ҳолатлар учрайди. Бунга сабаб нима? Аввало, ҳамкасбларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишмайди, журъатсиз ёки нимадандир хавфсирашади. Ғарб давлатларида эшикдан ҳайдалган журналист тешикдан йўл топади. Кўпол қилиб айтганда, безбетлик «иш» беради.

Журналистларимиз амалдаги қонун ҳужжатларидан хабардор бўлса, одоб-ахлоқ мезонларига кўра иш юритса, унга нисбатан муносабат ҳам тубдан ўзгаради. Агар «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар билан танишмисиз?» дея савол берсак, кам сонли журналистдан қоникарли жавоб оламиз. Қолаверса, касб этикасига баъзан риоя қилинмайди. Дейлик, журналист ўзига юклатилган топшириқ бўйича дабдурустан қандайдир идорага боради. Тўғри, раҳбарга учраб, саволига жавоб олгиси келади. Ваҳоланки, раҳбар ҳам бекорчи эмас, режалаштирган иши бор. Журналист касб этикаси қоидаларига мувофиқ, боришидан аввал мақсад-муддаосини билдирса, менимча, ҳеч қандай кўнгилхиралликка ўрин қолмайди.

Ўзбекистон телевидениесида ишлаган кезларим япониялик тележурналистлар видеокамера сўрашди. Улар икки кун ичида афсонавий Самарқанд шаҳри

ҳақида ҳужжатли фильм олишмоқчи экан. Пунктуалликни қарангки, улар Японияда туриб Самарқандни чуқур ўрганишган, ҳатто кун давомида миноралар куёш нурида қандай товланишига ҳисобга олишган. Шу тариқа ўзимизникилар 2-3 ҳафтада амалга оширадиган юмушни японлар икки кунда қойилмақом қилиб бажаришди.

Нима демоқчиман, кўпчилигимизда мавзуни пухта ўрганмаслик, таваккалчилик қусури борки, бундан тезроқ халос бўлишимиз зарур. Шундай бўлайликки, биздаги ахборотга эғалик, дипломатик қобилиятни кўриб, соҳа мутахассислари бажонидил қабул қилсин.

— Сўнгги вақтларда интернет журналистикаси ва блогерлик пайдо бўлди. Бу замонга зайли, инкор эта олмаймиз. Ижтимоий тармоқлар тезкорлиги билан босма нашрларни ортда қолдираётгани ҳам факт. Аммо бу катта тарихий йўлни босиб ўтган, айтиш мумкин, интернет журналистикаси қодир бўлмаган хусусиятлари бор босма нашрлар нуфузига салбий таъсир кўрсатаётгани ташвишли ҳол. Бу жараёнга муносабатингиз қандай?

— Рост, блогерлик – ижтимоий ҳодиса, жамиятдаги воқеликни тезкорлик билан оммага етказишда у ўз ўрнини топмоқда. Истаъмизми-истаъмизми, тезкор, шов-шув уйғотувчи хабарни газета ходими тайёрлайман дегунча, блогер сайтга қўйиб улгуради. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда 1758та оммавий ахборот воситаси рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг маълум қисми нодавлат характерда. Улар орасида босма нашрлар ҳам, ижтимоий тармоқлар ҳам етарли. Блогер электрон ахборот тарқатади, босма нашр ходими қоғоз орқали ўз аудиториясига кириб боради.

Аслида ҳар иккиси ҳам битта



юртнинг фуқароси. Мақсад битта: Ватан равнақида хизмат қилиш! Демак, дарёнинг у томонида журналист, бу томонида блогер туриб, бир-бирига тош отмаслиги, балки ягона кучга айланиши керак. Журналист блогердан тезкорликни, мавзуга ўзига хос ракурсда ёндашишни, блогер эса ундан чуқур таҳлил, изчил матн тайёрлаш малакасини ўзлаштирсин.

Биз ЎЗА сайтида «Бугунги блогер» рукнини очиб, айнан ижтимоий тармоқда хизмат қилаётган блогерларнинг бир-бири ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини, муносабатини бериб боришни режалаштиряпмиз. Қуш тилини қуш билади, дейдилар-ку. Муаллиф мавзуга қандай ёндашган? Моҳияти очиб берилганми? Иккинчи блогер шунга фикр билдиради, камчилик-нуқсонларини айтади, танқид қилади, эътироф этади ва ҳоказо. Бинобарин, блогернинг маҳорат мактаби пайдо бўлиши керак.

— Оммавий ахборот воситаларида ишлаб келаётган ходимларнинг маълум қисми ўртамиёна, наридан-бери ёки аросатда қолган тоифага мансуб. Сизнингча, журналистикани танлайдиган бўлгуси кадр учун нима муҳим?

— Ўз ихтисослигини «адашиб» танлаган кадр нафақат ўзига, балки жамиятга ҳам катта зарар келтириши оддий ҳақиқат. Боланинг касбга мойиллигини аниқлашда, аввало, ота-она тўғри қарор қабул қилса, яхши бўларди. «Бўламан» деган бола мактаб йилларида биров турткиламаса ҳам нимадир ёзади, интилади, тўғаракларга қатнашади. Ўз олдига қатъий мақсад қўя олган, воқеликни зийраклик билан қўзғатувчи, мавзунини тўғри танлаб, бунга муаллифлик позициясини

билдира оладиган журналист ОАВлари учун ҳамиша сув ва ҳаводек зарур.

— Журналистика соҳаси бўйича тайёрланаётган ёш кадрлар салоҳияти, малакаси анча жиддий масала. Оммавий ахборот воситаларининг қайси тармоғида ишламасин, ижодкор ўз устида ишламаса, ўзини ўзи шакллантирмаса, «қотиб» қолади. Шундай эмасми?

— Ижоднинг қайси тури бўлмасин, аввало, Аллоҳ ҳар бир ижодкорга «юқтирсин», истеъдод ато қилсин. Чингиз Айтматов зоотехник эди, Худо берган иқтидори бўлгани учун ҳам машҳур ёзувчилик мартабасига эришди. Олий ўқув юрти, хорижий давлатларга стажировка, семинар-тренинг, маҳорат дарслари билан журналист истеъдодли бўлиб қолмайди. Агарки, унда ўз касбига нисбатан фидойилик бўлмаса, ички бир интуиция, идрок, тафаккур, яъни Яратган инъом этган қобилият бўлмаса, университет берган таълим ҳам ўзини оқламаслиги мумкин.

Айнан шу сифат қалам аҳлига аслида, минглаб мухлисларни тортиқ этиб, ёзганларини элга манзур қилади. Халқимиз таниган, билган, тан олган ва хизматлари давлат миқёсида эътироф этилган қанчадан-қанча ҳамкасбларимиз тўлиб-тошиб ёзади, ҳаққоний ёзади, сўз қудратини ҳис қилиб ёзади. Унинг аҳамиятини, таъсир кучини чуқур англайди. Ижодкор худди шундай бўлиши керак.

— Фикр-мулоҳазаларингиз учун ташаккур!


«Mahalla» мухбири
Хулқар КУЗМЕТОВА
ёзиб олди.

16 ёшга тўлмаган битирувчиларга паспорт олишда енгиллик берилади.



Бизнесда рақобатчилар қанчалик кўп бўлса, юқори сифатли маҳсулотни арзон нархда сотиб олиш имконияти шунчалик кенгайди. Бунинг барча иқтисодчилар «ўзгармас олтин қоида» деб билади. Аммо мана шу ўзгармас мезон негадир дори воситалари савдосига келганда сира таъсирини кўрсата олмапти. Яъни юртимизда дорихоналар сони кўпайгани сари дорилар нархи ҳам ошиб борапти.

ДОРИ НАРХИДАГИ тафовут қачон БАРҲАМ ТОПАДИ?



Қизиғи, дорихоналардаги нарх-наволарда ҳам турли тафовутни кўриш мумкин. Яъни бир турдаги дори битта маҳалладаги иккита дорихонада турлича нархда сотилади. Хўш, бундай ҳолат қачонгача давом этади? Дорихоначилар ўз билганича нарх қўйишда давом этаверадими? Кимдир бунинг назорат қиладими? Айни саволларга жавоб топиш мақсадида **Фармацевтика тармоғининг ривожлантириш агентлиги бошқарма бошлиги Мухаббат ИБРАГИМОВА**га юзландик.

— Тан олиш керак, дори воситалари нархидаги тафовутни доимий равишда мониторинг қилиб бориш мураккаблиги боис бир турдаги дори турли қийматда сотилиш ҳолатлари кузатиламоқда, — дейди **М.Ибрагимова**. — Шунинг учун 1 июлдан бошлаб соҳада «Сирли харидор» институти жорий этилмоқда. Бу институт нарх-навоини назорат қилиш, фармацевтика хизматини холис баҳолаш учун хизмат қилади. Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ҳукумат томонидан «Референт нарх шакллантириш тизими доирасида дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Мазкур тизим дори воситаларига референт нархни белгилашни назарда тутди. Унга асосан, дори воситалари белгиланган нархлардан юқори бўлмаган қийматда мамлакатга олиб кирилади ва ёки реализация қилинади. Яъни очик платформа шаклидаги электрон тизимга маълумотлар киритилган бўлади. Бу маълумотлар барчага очик бўлиб, ҳар бир шахс ундаги дори воситаларининг нархини кузатиши мумкин.

Референт нарх нима? У қандай белгиланади?

Нархлар инсон омили иштирок этмайдиган автоматик режимда белгиланади. Яъни ишлаб чиқарувчи тизимда рўйхатдан ўтгач, ўзи ишлаб чиқармоқчи бўлган дори воситаси ҳақидаги маълумотларни — дори шакли, қадокдаги дорилар сони, дозаси, концентрацияси, ҳажми ва қадоклаш хусусиятларини унга киритади.

Импорт дори воситаси учун тизимга уч хил нарх — олиб келинаётган мамлакатдаги баҳо-си, унинг референт давлатларга қанчадан берилиши ва ушбу дори воситасининг мамлакатимиздаги нархи киритилади. Тизим автоматик равишда нархни таҳлил қилади ва битта дори учун икки хил қиймат, яъни унинг хориждаги ва ўзимиздаги ўртача баҳосини чи-

рок этувчи воситачилар сонидан қатъий назар, ортиқча устама қўйилмаслиги дори воситаларининг барча дорихоналарда бирдек баҳода сотилишини таъминлайди.

Янги тизим барча муаммога ечим бўладими?

Айтиш керакки, ушбу тизим жорий этилгач ҳам маълум вақтларда нархлардаги тафовут кўриниши мумкин. Яъни Низомга кўра, белгиланган нарх уч ой давомида ўз кучини сақлаб туради. Уч ойдан сўнг иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб, нархлар қайта кўриб чиқилади. Ана шундай вазиятда эски ва янги нархда сотиб олинган дори воситаларини сотишда фарқ кузатилиши мумкин.

Қолаверса, ишлаб чиқарувчи уч ойгача бўлган вақтда бозордаги кескин ўзгаришлар, жумладан, давлат томонидан форс-мажор тақдим этилган ёки валютанинг сўмга нисбатан кескин ошиб кетиши каби ҳолатларда нархни қайта белгилаш ҳуқуқига эга бўлади. Платформанинг очиклиги ана шундай вазиятларда соҳада ноқонуний йўл тутилмаслигига хизмат қилади. Шунингдек, тизим тўла ишга тушгач, дори воситалари референт нархда сотилиши таъминланади. Бунда эса жамоатчилик назоратининг ўрни жуда муҳим.

Яна бир жиҳатни таъкидлаш керак. Референт нархларнинг белгиланиши дори воситаларининг бозорини, демакки, унинг келгуси тақдирини белгилаб берадиган муҳим жиҳат ҳисобланади. Хусусан, маълум бир дори воситасига арзон референт нарх белгиланса, бу шу турдаги дорини ишлаб чиқаришнинг камайишига сабаб бўлиши мумкин. Бу оддий бозор

қонуният, яъни ишлаб чиқарувчи фойда келтирмайдиган маҳсулотдан воз кечади. Оқибатда қайсидир турдаги дориларга кучли эҳтиёж пайдо бўлиши эҳтимоли бор.

Ақсинча референт нарх қиммат баҳода белгиланса ҳам истеъмолчи, ҳам давлат бюджетига зарар келтириши мумкин. Шунинг учун бу жараёнда бирон хато қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Мана шундай хатарнинг олдини олиш учун юздан зиёд хорижий ва ўзимиздаги дори воситаларини ишлаб чиқарувчи ассоциациялар ҳамда фармацевтика корхоналари билан ҳамкорликда юқоридаги Низомни муҳокама қилдик. Бу эса ҳужжатнинг пухта бўлишига хизмат қилди. Ўйлайманки, ушбу тизим амалиётга тўла жорий этилгач, дори воситаларининг нарх-навоси билан боғлиқ салбий жиҳатлар барҳам топади. Дори воситаларини юртимизда ҳам ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилаётгани ушбу ишончимизни мустаҳкамлайди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда фармацевтика соҳасида ислохотлар олиб бориламоқда. Аммо аксарият юртдошларимиз бу ўзгаришларни ўз ҳаётларида хис этмаганини таъкидлашади. Бунинг сабаби — муаммонинг ечими осон эмаслигини кўрсатади. Умид қиламизки, соҳадаги ислохотлар изчил давом этиб, муаммолар бирма-бир бартараф этилади.



**«Mahalla» мухбири
Боборован ҲОЗИДДИНОВ
ёзиб олди.**

Фармацевтика соҳасидаги коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва унга қарши куралиш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилувчи махсус @Stop_corruptionbot фаолияти йўлга қўйилган. Унга кўра, соҳадаги қонунбузарлик ва коррупция ҳолатларига дуч келган фуқаро ушбу бот ёки (71) 234-06-04 «Ишонч телефони» орқали агентликка бевосита мурожаат қилиши мумкин.

қариб беради. Ушбу баҳонинг энг арзони олиниб, ишлаб чиқарувчига тақдим этилади. Агар ишлаб чиқарувчи ушбу нархга рози бўлса, реестрга киритилади.

Бир дори воситасининг нархини белгилаш учун унинг 10 та референт мамлакатдаги сотиш нархи аҳоли жон бошига нисбатан даромадлар даражасидан юқори, ўртачаароқ юқори ва ўртачадан пастлиги ҳисобга олинади. Ушбу тизимда нархларнинг барча учун очиклиги ва юқорида таъкидланганидек, етказиб беришда ишти-

Тошкент вилоятида «Қорадори—2020» тадбирлари натижасида 343 млн. сўмга тенг ноқонуний дори воситалари муомаладан олинди.



Дунё давлатларида ижтимоий ва ҳуқуқий низоларни судгача ва суддан ташқари бўлган тартибда воситачилик усуллари орқали ҳал қилишни англатувчи «ҳуқуқий низоларни альтернатив ҳал қилиш» термини кенг қўлланилади. Бу тизим айрим низолаarning адолат тамойиллари асосида, оператив тарзда ортиқча овозгарчиликларсиз судгача ҳал қилинишида қўл келади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитраж каби низоларни судгача ҳал этишнинг турли институтлари фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда.

ЭНДИ СУДМА-СУД ОВОРА БЎЛИШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ЁКИ МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) ЁХУД ҲАРАКАТСИЗЛИГИ НАТИЖАСИДА ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ БУЗИЛГАН ТАҚДИРДА, БУ МАСАЛА АЛОҲИДА КЕНГАШ ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 17 июндаги «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳани янада такомиллаштириш, ҳуқуқий ислохотлар самардорлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Соҳада қоғозбозликка барҳам бериладими?

Қарор билан жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида ҳуқуқ ва эркинликлари бузилгани ҳақидаги мурожаатлари Апелляция кенгаши томонидан кўриб чиқиши тартиби йўлга қўйилмоқда.

— Апелляция кенгаши жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органи ўртасида юзага келадиган низоларни судгача кўриб чиқиш ва ҳулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал этиш чораларини кўришни таъминлайди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мухтабар Хусанова. — Шу билан бирга, мурожаатни кўриб чиқишда қонун ҳужжатида турлича талқин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, уларни белгиланган тартибда расмий шарҳлашни ташкиллаштириш бўйича чораларни кўради. Табиийки, мурожаатни кўриб чиқишда Апелляция кенгаши томонидан қонун ҳужжатларида-



ги бўшлиқлар аниқланиши мумкин. Уларни бартараф этиш бўйича тегишли давлат органларига таклифлар киритилади. Шунингдек, бундай кенгашлар суд фаолиятини оптималлаштириш, фуқароларнинг ортиқча вақт ва маблағ сарфлашининг олдини олиш, қоғозбозлик каби овозгарчиликларга барҳам бериши кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоиз, мазкур тартиб жисмоний ва юридик шахсларнинг бундай ишлар юзасидан тўғридан-тўғри бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно этмайди.

Мурожаат қисқа фурсатда ечим топади

Айрим ҳолларда фуқаролар биргина ташкилот, давлат идораси билан келишиш орқали ҳал бўлиши мумкин бўлган масалалар юзасидан судга мурожаат қилади. Бу, ўз навбатида, ортиқча вақт ва овозгарчиликларга сабаб бўлади. Баъзида эса суд қарори чиқунга қадар масаланинг аҳамият-

лилик даражаси камаяди.

Эндиликда давлат идоралари ҳузурида ташкил этилаётган Апелляция кенгашлари фуқароларнинг мурожаатига асосан, тавсиявий тусга эга бўлган ҳулосани уч кун муддатда давлат органи раҳбарига кўриб чиқиш учун, бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборади. Апелляция кенгашининг ҳулосасини қабул қилиб олган давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари уни инобатта олиши ёки ёзма асослантирилган тарзда рад этиши мумкин. Бунда қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда Апелляция кенгаши ва

Давлат божхона қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида фаолият юритади, — дейди Адлия вазирлиги мутахассиси Дилмурод Ражабов. — Таъкидлаш жоиз, Апелляция кенгаши ташкил этилаётган давлат органларининг бу борадаги фаолиятини доимий равишда мониторинг қилиб бориш ҳамда тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида уларга амалий ва услубий жиҳатдан қўмаклашиш Адлия вазирлигига юклатилиб, эксперимент натижаларини кенг қамровли таҳлил қилган ҳолда, уни кейинчалик бошқа давлат органларида ҳам жорий этиш юзасидан асослантирилган таклифлар киритади. Экспериментнинг ижобий натижалари асосида 2021 йил 1 апрелга қадар ушбу амалиёт барча Давлат хизматлари марказлари биноларида татбиқ этилади.

Медиация, ҳакамлик ва халқаро арбитраж судлари фаолиятини эркин амалга ошириш, уларнинг фаолиятига бошқа ташкилотларнинг аралашмаслигини таъминлаш мақсадида Медиация ҳамда Низоларни муқобил усулда ҳал этиш марказлари фаолияти йўлга қўйилади. Ушбу марказлар соҳага доир мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш вазифасини ҳам бажаради.

Бир сўз билан айтганда, қарор ижроси ҳамда унинг асосида ташкил этилаётган янги ташкилотлар низола-рини судгача ҳал қилиш соҳасини ривожлантиради. Бу эса муаммоларнинг ўз вақтида бартараф этилиши, одамларимизнинг демократик тамойиллар асосида турмуш кечиришини таъминлайди.

Моҳигул ҚУДРАТОВА



Пандемия даврида Ўзбекистонда ишсизлар сони 1,4 миллиондан 2 миллионга ошди.

ЎЗБЕКИСТОН ЎРИК ЭКСПОРТИДА ЕТАКЧИ.

пандемия даврида қарийб 11 миллион долларлик маҳсулот четга сотилди

Юртимизда пишиқчилик, боғу роғлар болга тўлиб, аллақачон полиз экинлари ҳам бозорга чикди. Сўнгги хушхабар! Дунё мамлакатларининг мева-сабзавот экспорт қилиш жараёнини кузатиб борувчи халқаро ташкилотлар маълумотига кўра, Ўзбекистон ўрик етиштириш бўйича жаҳон етакчисига айланган ва ҳозирги кунгача Туркия билан бу борада рақобатлашиб келмоқда.



Қайд этиш керак, юртимиз 2001 йилдан бошлаб ўрик етиштирувчи давлатлар кучли ўнталигидан тушмай келмоқда. 2004-2007 йиллар оралиғида мамлакатимиз 300 000 тонна ўрик етиштирган ҳолда кучли учликдан ўрин олган.

Бунга эришиш осон бўлмапти

— 11,2 минг тонна, умумий қиймати 10,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ўрик меваси 9 та хорижий мамлакат бозорига кириб борди, — дейди «Ўзбекозиқовкатхолдинги» компанияси мутахассиси Сардорбек Умаров. — Бунга эришиш осон бўлгани йўқ. Дунё бўйлаб коронавирус тарқалиши давом этаётган бўлса-да, бу экспортёрларимиз фаолиятига таъсир кўрсатмаётганини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўрик савдоси 1,3 минг тоннага ошганидан ҳам билиш қийин эмас.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 майдаги «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, четга маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарга 2020 йил 1 апрелдан бошлаб автомобиль, ҳаво ва темирйўл транспортида товар ташиш харажатларини қисман компенсация қилишга субсидия ажратилмоқда. Бу эса яқин йилларгача мева экспортини четга чиқаришда катта харажатга тушаётган тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш омили бўлаётди.

Мева ҳосилдорлиги нималарга боғлиқ?

Ўрик — Ўзбекистонда энг кўп экиладиган мева дарахти ҳисобланиб, у, асосан, Фарғона ва Зарафшон водийсида кенг тарқалган. Умумий мевазорнинг 90 фоизи ана шу мева турига тўғри келади. Хўш, ўрик етиштириш технологиясида қандай муаммолар мавжуд? Унинг ҳосилдорлигини оширишга нималар тўсқинлик қилади?

— Республикаимизда ўрикнинг 8 тури етиштирилади, — дейди академик Маҳмуд Мирзаев —

ЎРИК ҲАҚИДА ФАКТЛАР

► Узоқ йиллар ўрикнинг ватани сифатида Арманистон тилга олинган. Аммо олимлар кейинчалик ўрикнинг асл ватани Фарбий Хитой эканини аниқлашди;

► Византияда қачонлардир

ўриқдан терини ёшартирувчи малҳам сифатида фойдаланишган;

► Фойдали хусусиятлари кўп бўлишига қарамай, соғлом одам кунига 250-300 граммдан ортиқ бўлмаган миқдорда ўрик истеъмол қилиши тавсия этилади;

► Ўрик данаги мағзида амигдалин моддаси бўлиб, уни оз миқдорда истеъмол қилиш ҳам хавфли бўлиши мумкин.

мидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи Алишер Қаршиев. — Халқ селекцияси, табиий танланиш йўли билан пайдо бўладиган ўрик навлари одатда уч гуруҳга — хўраки, қуритиладиган ҳамда консервабоп турга ажратилади. Ўрик ҳосилдорлигига

мева куртакларининг эрта баҳорда гуллаб, ҳаво ҳарорати кескин пасайиши, дўл, қор ёгиши салбий таъсир кўрсатади. Клястероспориоз ва монилиоз касалликлари ҳам ҳосилдорлиқни пасайтиради.

Ҳозирда мева навлари генофондини бойитиш учун институтимизга қарашли илмий тажриба станцияларида маҳаллий ва интродукция қилинган мевани танлаш, турли усулларда шакл беришнинг ҳосилдорлиққа таъсири ўрганилмоқда. Коллекциямиздаги ўриклар ҳосилдорлиги ўрганилганда, «Моника Бланка» нави 11,7 кгдан 36,2 кггача, «Шалах» нави 8,1 кгдан 34,5 кггача, «Калони қандак» нави 11,2 кгдан 30,3 кггача тош босди. Бу навлар интенсив боғда тез ва сифатли етиштирилади, хушхўр.

Агар деҳқон ёки тadbиркор навининг биологик хусусияти иқлимга қай даражада мослигини билса, агротехник талабларни ўз вақтида уддаласа, дарахт шохларига қуёш нури тўғри тақсимланиб, фотосинтез жараёни, ҳаво циркуляцияси бир маромда кечади.

Фарғонанинг аввалги довруғи тикланмоқда

Азал-азалдан фарғоналиклар зироатчилик билан шуғулланишда бой тажриба тўплаб келади. Катта авлод вакиллари қандак ўриги, ширин анори, луччак шафтолиси ва кейинги йилларда хушхўр олчаси билан Швейцария бозорида тан олинган Фарғона вилоятининг аввалги довруғига маълум муддат пугур етганини айтиб, эндиликда интенсив боғлар кўпаяётганини айтишади.

— Ҳақиқатан ҳам, бундан 15-20 йил муқаддам пахта, ғалла майдонларини кенгайтириш эвазига боғ-роғлар майдони кескин қисқартирилган,

— дейди Фарғона вилояти ҳокимлиги масъул ходими Достонбек Иномов. — Айни пайтда 16 минг 932 гектар майдон ўрикзор мавжуд. Жорий йилда мева-сабзавотчилик бўйича 27 та лойиҳани амалга ошириш учун 233 млрд сўм маблағ йўналтирилиб, 8,8 мингта иш ўрни яратилаётди.

Мавзуга оид маълумот:

Сархил ўрик таркибининг 10,5 фоизи шакардан иборат. Бундан ташқари, мева таркибида инулин, олма, лимон ва узум кислотаси, организмдан ортиқча холестерин ва захарли моддаларни чиқариб ташловчи крахмал ва пектин ҳам мавжуд.

Чет давлатларга қишлоқ хўжалик маҳсулотини экспорт қилиш билан шуғулланаётган тadbиркорлар сони 230 кишига етди. Тўғри, аввалги йилларда улар маҳсулотни саралаш, сақлаш, қуритиш, ташиш ва хорижга экспорт қилиш билан боғлиқ ҳолатларда кўплаб муаммоларга дуч келишарди. Уларга маҳсулотни сифатли сақлаш, қуритиш ва четга экспорт қилишда асқададиган замонавий технологияларни харид қилишлари учун имтиёзли кредит маблағлари ажратилмоқда.


Битта оғриқли муаммо — экспортёрларнинг барчаси ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш (Global.C.A.P) дастури сертификатига эга эмас. Бу ҳужжатни қўлга киритиш учун эса четга жўнатиладиган ҳар бир маҳсулот дунё миқёсида қабул қилинган стандартларга жавоб бериши керак. Саъй-ҳаракатларимиз натижасида вилоятимиз 68 та давлат билан ташқи савдо алоқаларини ўрнатди. 2019 йил якунига келиб, экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар сони 635 тага етди. Экспорт ҳажмининг 75,5 млн. доллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобланади.

Ҳар қандай ютуқ замирида катта меҳнат ётади. Юртимиз боғ-роғларида тер тўкаётган қадоқ кўлли бобо деҳқон ҳосилига ҳаққоний баҳони истеъмолчи беради. Дунёнинг кўплаб давлатларида Ўзбекистон мева-сабзавотлари «жон-жон» деб харид қилиниши бежиз эмас: мазали, сархил, витаминга бой ва сифатли. Демак, бугунги саъй-ҳаракатларнинг барчасидан Ўзбекистонга катта иқтисодий манфаат келиши қувонарлидир.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

Ўзбекистонда пахта хомашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолияти ташкил этилади.

Шахс ёки идора ҚОНУНДАН устун бўлмаслиги керак



Қонунда жамоат жойида тамаки маҳсулотлари истеъмол қилиш тақиқланган. Жаримаси ҳам бор. Энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисми. Аммо шу пайтгача амалиётда бирор кишининг тамаки чекканлиги учун жаримага тортилганини эшитганмисиз? Йўқ. Бўлса ҳам бу миқдор низоҳатда кам. Аммо йўл ҳаракати хавфсизлигининг «чизиқни босиб ўтганлик», «хавфсизлик камари тақмаслик», «пиёдага йўл бермаслик» каби кичик-кичик қоидабузарликларига жарима қўлланилган ҳолатларига мунтазам дуч келамиз.

Наҳотки, кишилар жамоат жойида чекмаслик қоидаларига қатъий амал қилишмоқда? У ҳолда нега доимий равишда кўчада ёки бирор бозор, савдо гузарларида, баъзи ҳолларда ошхона, кафеларда бемалол тамаки бурқситган кишиларни учратамиз?

Балки жамоат жойларидаги чекишнинг атрофга хавфи у қадар юқори бўлмагани боис қонун посбонлари ушбу ҳолатда истиснога боришар? Фикримизча, чекишнинг зарари ўша «чизиқни босиш», «хавфсизлик камари тақмаслик» ҳолатидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас.

Ёхуд яна бир мисол. Бирор овлоқ жойда экилган қорадори тезда фош этилади. Бу ҳақда ҳуқуқ посбонларига ҳеч ким хабар бермаса-да, махсус воситалар орқали зудлик билан жойи аниқланади. Ушбу турдаги махсулотлар олди-сотдисиди ҳам ана шундай ҳолат. Аммо қизиқ парадокс шундаки, катта бир маҳаллада ҳаммининг кўз ўнгидида уйда фоҳишахона эмин-эркин фаолият юритади бунга ҳамма терс қараб ўтиб кетаверади. ОАВда ахён-ахён эълон қилиб қолинадиган ушбу мавзудаги хабарлар эса аслида мавжуд ҳолатнинг ўн ёки йигирмадан бирини ҳам ташкил этмайди. Нега? Фоҳишахоналарнинг ўша атрофда истиқомат қилувчи ёшлар онгига етказадиган зарари, оилалар ажралиши, турли касалликларни ташвишдаги ўрни оғу савдосиникидан камми? Ҳўш, унда нега умумий номи жиноят бўлгани билан уларнинг ҳар қайсисига нисбатан ёндашув, эътибор турлича бўлмоқда?

Сабаби оддий. Нисбатан чора кўп қўлланилаётган ҳолатлар ҳуқуқ идоралари учун қулай. Масалан, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳодими ўзига тегишли барча бандларни сувдек ичиб олган. Наркотик савдоси билан ҳам алоҳида махсус бўлим шугулланганлиги боис улар ўз ишларининг ҳадисини олишган. Мисол сифатида келтирган бошқа

ҳолатларимиз эса жамоат тартиби билан боғлиқ. Ушбу йўналишда шугулланган аксарият профилактика инспекторлари, ички ишлар бўлимлари ходимлари эса вазифалар қамрови кенглиги боис ўз соҳаларидаги ҳар бир жиноят белгилари, иш юритиш асосларини чуқур ўзлаштира олишмаган. Натижада мазкур йўналишдаги жиноятлар фақатгина алоҳида топшириқ бўлган тақдирдагина юзга қалқиб чиқмоқда. Бунинг натижасида эса жамиятда жиноятлар ўртасида табақаланиш ҳолатлари учрамоқда. Бу тоифадаги кемтикларни бартараф этиш учун эса, аввало, ходимларнинг касб малакаси ва саводхонлигини ошириш талаб этилади.



Ички ишлар вакиллари ҳақиқатда ҳам имиж, соҳа мавқеини ўйлайдиган бўлса, кўрсатилган кичик камчиликларни бартараф этиш устида изланганлари маъқул. Зеро, юзга қўнган чангни артиб олишни маслаҳат берган кишининг ёқасига ёпишган билан юз ўз-ўзидан тоза бўлиб қолмайди.

Милициядан кўрқкиш керакми ёки қонундан?

– Шу сиз журналистлар, «ҳуқуқ-ҳуқуқ» деб мелисани ҳурматсиз қилдингизлар, – деди ёши катта-роқ бир танишганим. – Видеоларга ҳали қарасам, шофир «ГАИ»дан ошқора қочяпти, ҳали қарасам, бозорда ёш бола мелисага бўйсунмай қочиб кетяпти... Энди мелисадан кўрқмагани учун ҳам одамлар бевош бўляпти-да. Ҳар куни жиноят...

Бир томондан, амаки ҳақдек. Тартиб ўрнатишда ички ишлар ходимларининг ҳиссаси катта. Аммо у бундай куч ва ваколатга

ўз-ўзидан эга бўлган эмас. Ходим қонунни ҳимоя қилгани, жамоат орасида қонун талаблари барқарорлигини таъминлашда саъй-ҳаракат кўрсатганлиги сабабли қонун ҳам унга қонун доирасида тегишли ваколат бериб, ҳимоя қилмоқда.

Ҳўш, шу ўринда савол туғилади: биз қонундан кўрқишимиз керакми ёки унинг ҳимоячисидан?

Кўп ҳолларда ходим ортидаги қонунни илғамай, барча куч-қудратни ўша ходимга нисбат бериб юборамиз. Афсуски, баъзи вазиятларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларнинг ўзи ҳам ўзлари суянган қонунни пайқамай, мутлақ ҳукмдорлик даъвосида бўлишади.

– Карантин талаблари қатъий ўрнатилган кезлар, машина қатнови тўхтатилгани сабабли ишга велосипедда бораётгандим, – дейди исмини ошқор этмаган танишимиз. – Ногоҳ йўлдан ички ишлар тизими ходими чиқиб, велосипедни топширишимни буюрди. Ҳолбуки, ўша воқеадан икки кун илгари вазирлик ахборот хизмати раҳбари онлайн брифингда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, хизмат гувоҳномаси ва ишхонанинг ходими карантин вақтида ишга жалб этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат бўлган тақдирда велоси-

Бунинг учун қонуннинг инсонга тобе бўлмаган янги усуллари(кузатув камералари ва бошқа технологиялар)ни кенг жорий этиш, аҳолининг ҳам ҳуқуқий саводхонлигини ошириш керак.

Имиж ички ишлар тизими учун муҳимми?

«Қалпоқ» кўрсатуви ижодкорларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларини ҳажв этиб чиққанлари учун кечирим сўраши жамоатчилик орасида турли баҳсларни келтириб чиқарди.

Эътибор берилса, бундан сал илгарироқ бошқа бир санъаткор билан кечган мусохабаларда аҳоли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонида бўлганди. Яна шундай қўллаб-қувватлашни кутган соҳа ходимлари бу гал муваффақиятсизликка дуч келди. Сабаби оддий. Аҳоли ҳар бир мунозарада адолатли ечим тарафдоридир. Дастлабки мунозарада пандемия ва кетма-кет келган табиий офатлар шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари фидокорона ёндашувини ўз кўзи билан кўрган ҳалқ уларни қўллаб-қувватлади. Иккинчисида эса айрим таъмагир соҳа вакиллари қилиши сабабли ҳажвчилар ёқлаб чиқилди.

Агар ички ишлар вакиллари ҳақиқатда ҳам имиж, соҳа мавқеини ўйлайдиган бўлса, кўрсатилган кичик камчиликларни бартараф этиш устида изланганлари маъқул. Зеро, юзга қўнган чангни артиб олишни маслаҳат берган кишининг ёқасига ёпишган билан юз ўз-ўзидан тоза бўлиб қолмайди. Бунинг учун кўрсатган кишига раҳмат айтиб, дастрўмол билан чангни сидириб ташлаш жоиз.

Демак, ҳар бир ташкилот, шу жумладан, ички ишлар соҳаси ҳам аҳоли орасида ўз мавқеини сақлаши учун, аввало, қилган хизматлари, ижобий жиҳатларини кўрсатиш баробарида, оммага маълум камчиликларини яшириш эмас, балки бартараф этиш борасида тизимли тадбирларни амалга ошириши зарур. Қолаверса, ҳар қандай шароит, вазиятда шахс, мартаба ҚОНУНДАН, МАЖБУРИЯТДАН устун эмаслигини унутмаслик жоиз.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

Самарқандда кейинги уч йилда нодавлат
МТМ 8 тадан 2 мингтагача кўпайди.

Пандемия даврида уйимиз, маҳалламиз, иш жойимиз, хуллас, ён-атрофнинг тоза-озодлиги янада муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай инфекция санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаган жойда хуруж қилади. Шу боис аҳоли гавжум жойлар, серкатнов масканлар, йўллар ва маҳаллалар ҳудудларини дезинфекциялаш ишлари йўлга қўйилган. Бироқ айрим ҳудудларда ана шундай тозалик қоидаларига риоя қилинмаяпти.

МАҲАЛЛАНИНГ ободлиги фақат МАСЪУЛЛАРГА БОҒЛИҚМИ?



Навоий вилояти Кармана туманидаги «Кўҳна кўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини Зарафшон дарёси қирғоқларига яқин ҳудудда жойлашган. Маҳалла фаолларининг сазой-ҳаракати билан ҳудуддаги қарийб 90 фоиз хонадон эгалари «Тоза ҳудуд» ташкилоти билан шартнома имзолаган ва чиқиндилар ҳафтада бир марта махсус транспортларда ташиб кетилади. Аммо айрим фуқаролар чиқинди учун тўловдан бош торттиб, уларни белгиланмаган жойларга, хусусан, дарё қирғоғига тўкиб кетиши ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

— Дарёга яқин жойда ховли қураётганимизда жазирама кунларда сув салқинида роҳатланамиз, деб ўйлагандик. — **дейди шу маҳаллада яшовчи Файзулла Нарзиев.**

— Аммо бу жойлар кимлар учундир чиқиндихона эканини кейин билдик. Одамлар ташлаб кетган чиқиндиларнинг қўланса хиди туфайли ёзда ҳам уйда ўтираемиз. Дарё қирғоғи улкан чиқиндихонага айланган.

— Инсоннинг хатти-ҳаракати унинг хулқ-атворини кўрсатади. — **дейди «Кўҳна кўрғон» маҳалласи раиси Ҳикматилло Қўлдошев.** — Ҳудудимизни тоза-озода сақлаш мақсадида доимий назорат олиб бораётишимиз. Аммо дарё бўйини эртаю кеч кўриқлаб туrolмаймиз. Қолаверса, бу жойга қўшни маҳаллалардан ҳам чиқинди тўкиб кетишаётганига гувоҳ бўлганмиз. Тегишли идораларга бу ҳақда хабар берганимизда қонуний чора кўришган. Аммо ҳолатга батамом чек қўйиб бўлмаяпти.

Ойлик маош нега тўлаб берилмади?

Пандемия шароитида ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида «Кўҳна кўрғон» маҳалласидан 11 нафар хотин-қиз туман ободонлаштириш бошқармаси то-

монидан ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб қилинган эди. Улар бир ой давомида нафақат ўз маҳалласи, балки тумандаги тўртинчи секторга қарашли барча ҳудудда ободонлаштириш юмушларини бажаришди. Аммо уларга иш ҳақи ўз вақтида тўлаб берилмади. Ҳали маҳаллага, ҳали ободонлаштириш

жалб қилинган 11 нафар фуқарога ойлик маоши нима сабабдан ўз вақтида тўлаб берилмаганини аниқлаштирди ва муаммони қисқа фурсатда бартараф этиш кераклигини билдирди. Хуллас, мақолаимиз тайёрланаётган жараёнда Гулмира Бахронова ва дугоналарининг муаммоси ҳал бўлди.

БИЗ АРИҚНИ ОЙДА БИР ЭМАС, ИККИ МАРТА ТОЗАЛАШНИ СЎРАБ КОРХОНА МАЪМУРИЯТИГА МУРОЖААТ ҚИЛДИК. АММО УЛАР ТАРТИБ БЎЙИЧА БУ ИШ ЎТТИЗ КУНДА БИР МАРТА БАЖАРИЛИШНИ АЙТИШМОҚДА.

Чиқинди учун фақат маҳалла айбдор эмас...

Буюк Ипак йўли ўтган Кармана туманидан Бухоро томонга кетувчи катта трасса ёқасидаги бетон ариқда йиғилган чиқинди уюмларини кўриб, таъбингиз хира тортади. Туман марказий оилавий поликлиникаси рўпарасидаги бу кўнгилсиз ҳолат учун ким айбдор? Чиқиндиларни ким, қачон олади?

— Бу жой бизнинг маҳалла ҳудуди ҳисобланади, — **дейди Мирсаид Баҳром номли йиғин раиси Шокир Каримов.** — Чиқиндиларни ташиб кетиш «Навоий йўл қуриш-таъмирлаш» унитар корхонасининг вазифаси ҳисобланади. Уларни ойда бир марта олиб кетилади. Лекин бу ўзини оқламайди, бир ой давомида улар яна уюлиб кетади. Афсуски, айрим фуқаролар ҳам чиқинди учун тўловдан қочиб, кераксиз буюмларини ана шу лотоклар ичига ташлайди. Биз ариқни ойда бир эмас, икки марта тозалашни сўраб корхона маъмуриятига мурожаат қилдик. Аммо улар тартиб бўйича бу иш ўттиз кунда бир марта бажарилишини айтишмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, қаердадир чиқинди уюми қўланса ҳид таратаётган, белгиланмаган жой чиқиндихонага айлантирилган бўлса, бунинг учун биргина идора ёки ташкилот, шунингдек, маҳаллагина айбдор эмас. Бундай нохуш ҳолатларга дуч келмаслик учун, энг аввало, ҳар бир фуқаро, сизу биз поклик — имоннинг ярми, тозалик — саломатлик гарови эканини чуқур англаб етмоғимиз, қут-бараканинг боши ҳисобланган озодалик масаласига панжа ортидан қарамаслигимиз лозим.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

МЕНДА САВОЛ БОР...

Чиқинди учун жарима миқдори қанча?

— Белгиланмаган жойга чиқиндиларни ташлаш учун қонунчиликда қандай жавобгарлик белгиланган?

Роҳила ИСМАТОВА.
Навоий вилояти.

Зулайхо ДУШАНОВА,
Навоий вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси масъул ходими:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 91-моддаси айтиш масаласига бағишланган. Унга кўра, белгиланмаган жойларга қаттиқ майший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек, суюқ майший чиқиндиларни тўкиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилган кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса — фуқароларга БҲМнинг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

2019 йилда турли идораларнинг раҳбарларига юборилган 175 та депутатлик сўровига уларнинг ўринбосарлари жавоб қайтаргани айтилди.

Бугун Қорақалпоғистон Республикасининг олис ҳудудлари ҳам ободликка юз тутган. Бунда «Обод қишлоқ» дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этаётир. Афсуски, бу жараёнда ҳам хайрли ишларни охирига етказмаслик ҳолатлари, дастур ижросига жавобгар бўлган шахсларнинг ўз вазифасига панжа орасидан қараши кузатилмоқда. Ҳўш, қишлоқлар қачонгача қўштирноқ ичида обод бўлади? Кимдир охирини сўрайдими?

ДАСТУР ДОИРАСИДАГИ ишлар нега ҳўжакўрсинга БАЖАРИЛМОҚДА?



Жумладан, дастур доирасида 2018-2019 йилларда Нукус шаҳрининг бешта — «Хаво йўллари», «Бес тобе», «Каттагар», «Кок озек» ва «Йўлчилар» маҳаллаларида кенг қўлдан курилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Аҳолини анча йиллардан буён қийнаб келаётган коммунал хизматлар соҳасидаги муаммолар бартараф этилди. Аммо уларнинг барчасида ҳам ишлар бирдек амалга оширилмаган.

— 2018 йилги дастур доирасида аҳолининг газ, сув, электр тармоғидаги муаммолари бартараф этилиб, қайта таъмирлаш ишлари бажарилди, — дейди «Хаво йўллари» йиғини раиси Уснатдин Холмуратов. — Янги трансформатор, йўл четларига чиқоқлар ўрнатилди. Ички йўллар, йўлаклар, кўп қаватли уйларнинг фасад-



лари, битта мактаб ва иккита болалар боғчаси замонавий услубда таъмирланди. Олтига болалар майдончаси қуриб берилди. Ана шундай хайрли амаллар, афсуски, охирига етказилмади. Хусусан, ҳудудимизда 26 та кўп қаватли уй бор. Режа бўйича улардан бештасининг томи шиферланиши керак эди. Лекин 3 тасига шифер қокилди. Улар ҳам яқинда бўлган довулга дош бера олмади.

Маҳалламиз ўз биносига эга эмас. Анча йиллардан буён ҳудуддаги 3-академик лицейнинг ўқув биносида ажратилган иккита кичик хонада фаолият юритиб келятимиз.

Шу боис режа бўйича маҳалла гузари ҳам бунёд этилиши, моддий-техник базамиз янги-ланиши керак эди. Афсуски, ҳамон маҳалла ўз идорасига эга бўлмади. Эскирган бир донна компьютердан 4 нафар ходим навбат билан фойдаланишга мажбурмиз.


Ваъда ҳамон ваъдалигича қоляпти

Бу борадаги ишлар «Бес тобе» йиғинида ҳам қувонарли эмас. Ҳудуд Нукус шаҳри марказидан 23 км. узоқликда жойлашган. Шу боис аҳолининг шаҳарга қатнаши учун йўл ва транспорт масаласи муҳим ҳисобланади. Ҳудудга олиб борадиган йўл ҳар қандай пахлавон келбатли йўловчининг ҳам силасини қурилади. Йўлнинг икки четидида кўм уюмлари, бу ҳам етмагандек, биронта дарахтнинг йўқлиги боражак манзилнинг ҳолатидан шаҳодат бераётгандек бўлади.

— Маҳалламизнинг дастурга киритилганидан барчамиз чексиз қувонгандик, — дейди йиғин фаоли Айжан Қошбаева. — Газ, электр таъминоти, ичимлик суви

бўйича муаммоларнинг барчаси бартараф этилди. Бунинг учун раҳмат айтамыз. Лекин кўтлаб ишлар чала ҳолида ташлаб кетилгани ҳам кишини хафа қилади. Оқова сувга эҳтиёжimiz бор. Сув йўқлиги томорқадан фойдаланишга монелик қилмоқда. Ичимлик суви кунига 5-6 соатгина келади. Айримлар ҳовлисидаги дарахтларни ҳам ўзи ичадиган сув билан сугоришга мажбур бўляпти. Дарахтлар камлигидан озгина шамол турса, чанг, тузун, қўм уйимизга ёғилади.

Дарҳақиқат, ҳудудда истиқомат қилувчи 180 та хонадоннинг ҳар бирида энг камиди 14 сотихдан



томорқа бор. Уларнинг ҳар бири ҳовли ва кўча четларига яхши ният билан мевали дарахтлар ўстириб, томорқага экин экишни, атрофини гулзорга айлантиргиси келади. Лекин бунга имконият, шароит йўқ. «Обод маҳалла» дастури доирасида кўтлаб ишлар қаторида 3 км.га яқин оралиқда ирригация тармоқларини яхшилаш ҳам белгиланган бўлса-да, бу ишлар чала қолиб кетган. Бу борадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳокимлик томонидан берилмаётган ваъдалар эса ҳамон ваъдалигича қолиб кетмоқда.

Умуман олганда, ҳудудда дастур доирасидаги ишларнинг деярли ярми тўлиқ тугалланмаган. Жумладан, болалар боғчаси, оилавий поликлиника иморатини таъмирлаш ишлари охирига етказилмаган. Аҳолининг ҳеч бўлмаса, кундузги даволаниш учун 4-5 ўринли махсус хона ва шароит яратиб бериш бўйича қилган муносабат ҳам шу кунгача ечилмаган. Маҳалланинг қоқ ўртасида жойлашган бекат режага киритилган бўлса-да, таъмирланмаган. Оқибатда у чиқиндиҳонага айланган. Яна иккита бекатнинг эса томи ёпилмай, қурилиш ишлари чала қолган.

Бундай манзарани «Ой овул» маҳалласида ҳам кўриш мумкин. Масалан, йўлни яхшилаш мақсадида шағал ётқириш режалаштирилган эди. Лекин ишлар тескарисига айланиб, шағал ўрнига тупроқ тўкилган ва йўл аввалгидан-да баттар аҳволга келиб қолган. Йўлнинг талабга жавоб бермаслиги боис автобуслар бу маҳаллага бормади. Шунингдек, ҳудудга ичимлик суви тармоғи ҳам тортилган эди. Аммо босим пастлиги боис сув манзилгача етиб бормапти.

Масъуллар нима дейди?

— Айни пайтда чала қолган ишларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар олиб борил-япти, — дейди «Қорақалпоқ-сувтаъминоти» МЧЖ Нукус шаҳар бўлими бош инженери Жандулла Досназаров. — «Бес тобе» ва шу атрофдаги аҳоли пунктларига ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида янгидан диаметри 400 мм. бўлган сув қувурлари 1 км.дан зиёд масофага тортилмоқда. Бу ишлар тез кунда ниҳоясига етади. Ҳозирча қўшимча сув ташлидиган машиналар ажратилиб, аҳолига сув етказиб берилмоқда.

— Мавжуд муаммолардан ҳабаримиз бор, — дейди Нукус шаҳар ҳокимлиги қурилиш бўлими мутахассиси Бахтберган Шарипов. — Дастур доирасида ажратилган харажатлар тўлиқ сарфлаб бўлинган. Бироқ бу билан қурилишлар ҳеч бир ҳудудда тўхтаб қолгани йўқ. Аҳоли билан учрашиб, уларнинг муносабатларини ўрганиб, яна қайтадан ҳисоб-китоб қилаямиз. Чунки келгусида ишлар маҳаллий бюджет ҳисобидан бажарилади. Ҳозирда маблағ ажратиш, шунингдек, ҳомийларни жалб қилган ҳолда мазкур муаммоларни бартараф этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Қизиқ, дастурга киритилган ишлар аввал бошидан пухта ҳисоб-китоб билан амалга оширилмайдими? Агар шундай бўлса, нега ишлар ниҳоясига етмасдан маблағ тугаб қолади? Маҳалла гузария оқова сув, йўл муаммоларини кўя турайлик, оддий бекат қурилиши охирига етмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Балки режа бўйича бекатнинг томини ёпиш келгуси беш йилликдан ўрин олгандир?

Халқимизда «Қолган ишга — қор ёғар», деган нақл бор. Юқорида номи зикр этилган ҳудудлардаги чала ишлар ҳам аллақачон қишнинг совуғиго ёзнинг жазирамасини кўришга улгурган. Масъуллар эса ҳамон ваъда бериш, ишлар яхши бўлишига ишонттириш билан банд. Мавзуга яна қайтамыз.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

Чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришда иқтисодий усуллардан фойдаланилади.

ОЖИЗА ВА ЖИНОЯТЧИ орасидаги масофа қанча?

Аёл нозик хилқат вакиласи, ҳамиша меҳр-муҳаббат, эътибор ва ғамхўрликка муҳтож. Бироқ баъзида уларни ижтимоий муҳит ўзгартириб юборади: бола-сини пуллаш, чет элга чиқиб ишлаш, жиноятга қўл уришу кимнингдир қотилига айланишга мажбур қилади. Тўғри, айбни ўзгача қидириш ва топиш ҳамиша осон бўлган. Бироқ сабабсиз ҳеч қандай оқибат содир бўлмайди.

Ҳақли савол туғилади, ўзи ожиза ва жиноятчи орасидаги масофа қанча? Нима учун жазоланувчи жазоланувчи ҳам, айбдор айбдор ҳам, зўровонларга нишон ва муаллиф ҳам у? Сўнгги пайтларда гендер тенглиги ҳақида ҳўп ва кўп гапирилмоқда. У қилинапти, бу қилинапти дегувчи чиқишлар дунёни олади. Аслида-чи, янги Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолати амалда ўзини кўрсатяптими?

Сўнгги бир йилда чиндан ҳам хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида талай ишлар қилинди. Ички ишлар органларида хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор лавозимининг жорий этилишию аёлларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимининг такомиллаштирилиши шулар сирасидан.

Бу ислохотлар амалда ўзини нечоғли оқламоқда? Ташаббуслар самара беряптими? Хотин-қизлар жиноятчилиги қанчага камайди ёки кўпайди? Профилактика рўйхатидаги аёллар тақдири нима бўлмоқда? Зўравонликка учраганларга чиндан ҳам ёрдам қўли чўзилаптими?



Шу каби саволларимизга **Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича инспектори Назокат ТОЖИЕВА**дан жавоб олдик.

Нималар қилинапти?

— Ҳеч ким жиноятчи бўлишни, оиласи, фарзандлари, яқинлари юзини ерга қаратишни хоҳламайди, — дейди Н.Тожиёва. — Жиноят содир этган, жазони ўташ муассаларидадан қайтган хотин-қизларнинг соғлом ҳаётга мослашиши эса ўзига хос жараён. Уларнинг ички кечинмалари, руҳияти, ҳаётга бўлган муносабати доим ҳам позитив бўлмайди. Ижтимоий тур-



мушга мослашиши учун кўмак керак. Янги иш бошлаган хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар айна шу масала билан ҳам шуғулланади. Хотин-қизлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, ишсиз, нотинч оилада тарбия топаётган қизлар тақдири билан қизиқиш, улар билан манзилли ишлашни таъминлаш учун ҳам тизимда бу лавозим жорий этилди. Айна пайтда инспекторлар маҳаллаларда уйма-уй юриб, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Муаммо аниқ: ечим қандай?

— Ўрганишлар натижасида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, жиноят содир этишга мойил 582 минг 348 нафар хотин-қизнинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Жиноят содир этган хотин-қизларнинг ҳар бирига фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалари бўйича ўринбосарлари бириктирилди. Уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши, уй-жой, кредит олиши, бандлигини таъминлашга кўмаклашилди.

Натижа

— Касални даволагандан кўра, олдини олган яхши, дейишади. Айна ақидани ҳақиқатга айлантириш, хотин-қизлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини



биркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашилди, 432 нафар қиз эса таълим муассасаларига жалб этилди.

Натижада 423 нафар вояга етмаган қиз, 1881 нафар ёш (18-30 ёш), 515 нафар илгари судланган аёллар ички ишлар органлари ҳисобидан чиқарилди.

Ҳамкорликда амалга оширилган профилактик оғоҳлантирув тадбирлари сабаб жорий йилнинг 5 ойида хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар 0,4 фоизга камайди.

Ҳимоя ордери ўз кучига эгами?

— Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик факти ёки уларни содир этиш хавфи аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида ҳимоя ордерини ўттиз кун муддатга бериш ишлари ҳам тизимли олиб борил-япти. Жорий йилнинг 5 ойида республикаимизда 1451 та тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизга ҳимоя ордерлари берилди.

Биргина мисол, Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳрида яшовчи Сабинога(исми ўзгартирилган) таниши Темура тазйиқ ўтказётгани аниқланди. Мазкур ҳолат ўрганилиб, вояга етмаган Сабинанинг онасига ҳимоя ордери расмийлаштириб берилди.

Замон шиддатли, у бир зум бўлсин, тин олмайди. Қилинаётган ишларнинг самарасига эришмоқ учун биргина чора, бу — ислохотларни унга мос равишда олиб боришдир. Бугун муаммони аниқлаш, ўрганиш билан бир қаторда унга натижадор ечимни топиш ва тезда амалиётга жорий этиш талаби кўйилмоқда. Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида қилинаётган ишларда айна мотивлар намоён. Бироқ бу ҳали етарли эмас. Боиси битта ҳуқуқбузарликнинг нафақат бир оила, бир маҳаллага, балки жамиятга ҳам нуқси уради. Айниқса, унга аёл киши қўл урса.

«Mahalla» мухбири
Садоҳат МАХСУМОВА
ёзиб олди.



Карантин даврида кичик бизнес корхоналари тўлаши керак бўлган 4,6 млрд. сўм пеня ва жарималардан воз кечилди.


ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛСА ҲАМ

Бугун янгиликларни ушлаб қолишнинг имкони йўқ, англашга келганда ақл шошади. Ҳар кун бир ўзгариш. Мана улардан бири: МИБнинг баъзи ваколатлари туман газ ва электр энергияси таъминоти корхоналарига ўтказилади. Ўзини гап? Гап шундаки, жорий йилнинг 18 июнь куни давлатимиз раҳбарининг «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, шу йилнинг 1 августидан электр энергияси ва табиий газ истеъмолини назорат қилиш вазифаси Энергетика вазирлигига юклатилди.



Шу пайтга қадар МИБ бошқош бўлган электр энергияси ва табиий газ учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтириш, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний улаиш, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга доир ваколатлар эса «Худудий электр тармоқлари» ва «Худуд-газтаъминоти» АЖнинг худудий ташкилотларига ўтказилди.

Нега МИБ бу вазифалардан озод қилинди? У ердаги ходимларнинг тақдири нима бўлади, бандлиги таъминланадими? Маскур тизим қачондан ишга тушади? Аслида, бундай қарорга келишга қандай омиллар сабаб бўлди?



Шу каби саволларга **Энергетика вазирининг ўринбосари Шерзод Хўжаевдан** жавоб олдик.

МИБ нега керак эди?

— 2017 йил электр энергияси ва табиий газ учун тўловларда 2 та тизимли муаммо бор эди, — **дейди вазир ўринбосари.** — Биринчиси, истеъмолчилар табиий газ ва электр энергияси учун белгиланган меъёрларга амал қилмасди. Ўша вақтда айримларнинг имконияти бўлса-да, бепасандлик

билан тўловни амалга оширмасди.

Иккинчидан, электр ва табиий газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланган, ҳисоблагичларни узиб қўйган, қарздорлик учун тармоқдан узилган тақдирда қайта улаиш олган фойдаланувчига нисбатан қонунчиликда маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланганди. Бироқ жавобгарликка тортадиган органнинг ўзи мавжуд эмасди.

Яъни худудий электр ва газ таъминоти корхоналари қоида-бузарлик бўйича расмийлаштирилган далолатномалар фуқаро ёки юридик шахсни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмасди.

Ўрнатилган қоидалар, белгиланган талабларни менсимаган истеъмолчиларга қандай чора кўриш мумкин? Юридик жиҳатдан 2 хил ёндашув бор эди. Айрим тоифадаги ҳуқуқшунослар худудий газ ва электр таъминоти корхоналарига шундай ваколат берайликки, улар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишга асос бўладиган баённомаларни расмийлаштирсин, деган таклифни берди. Таҳлилчилар эса ўша вақтда «Ўзтрансгаз» ва «Ўзбекэнерго» энергия ва табиий газни сотишдан ташқари давлат бошқарув функциясини амалга ошириши, уларга назоратни бериш нотиғри эканини айтишди. Тўғри, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексида керакли нормалар асосида жавобгарлик белгиланган. Бироқ жазо чоралари бошқа турдаги маҳсулотлар ўғирланганда қўлланадиган чорадан тубдан фарқ қиларди. Масалан, сиз бир миллион сўмга бир маҳсулотни ва шунча миқдордаги электрни ўғирласангиз, жазо бир хил қўлланилмайди. Электр энергияси товар сифатида тан

олинишига қарамай, уни ўғирлаш товар сифатида баҳоланмасди. Шу каби омиллар инobatта олиниб, прокуратура қошида янги структура тузиладиган, унга керакли ваколатлар бериладиган бўлди. Чунки ўша вақтда худудий газ ва электр тармоқлари корхоналарининг истеъмолчилар билан тил бириктириш ҳолатлари кўп эди. Бу вазиятда ташкилотларга жазолаш ваколатини берганимиз билан самарага эриша олмасдик.

БИЗ МИБДАН БАЪЗИ ВАКОЛАТЛАРНИ ОЛГАНИМИЗ БИЛАН, СТРУКТУРА ТУГАТИЛАЁТГАНИ ЙЎҚ. АСОСИЙСИ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ ТАРМОҚЛАРИДА ИСЛОХОТЛАРНИ БОШЛАДИК.

МИБ тузилгандан кейин биринчи қилинган иш электр энергияси ва табиий газни ўғирлаганлик учун жазо муқаррарлиги таъминланди. Биз тузилма 2-3 йил фаолият юритишини билардик. Мақсад барча тоифадаги электр энергияси ва табиий газ истеъмолчилари қонун олдида тенг бўлишини таъминлаш эди. Аслида қонун олдида ҳамма тенг, лекин унга риоя этишда ҳамма тенг эмасди. Кимдир риоя қиларди, кимдир қилмасди, риоя этмаганга тегишли жазо қўлланилмасди. Ҳозир ҳамманинг қонун олдида тенглиги таъминланди. МИБ иш бошлаганида кўплаб эътирозларга сабаб бўлди. Нимага ҳисоб рақамларига банд солади, нимага даромадимни текширади, нимага ҳаётимга аралашади, деган

шикоятлар билдирилди. Эътиборлиси, тўловларни ўз вақтида амалга оширган, қоида бузмаган, ноқонуний хатти-ҳаракатни амалга оширмаган одамлар ҳаётига ҳеч қим аралашмади.

Ваколатлар нега қайтариб олинди?

— Жазо муқаррарлиги таъминланди. Ҳозир бу функцияни бажарувчи орган ҳам бор. Биз МИБдан баъзи ваколатларни олганимиз билан, структура тугатилаётгани йўқ. Асосийси, электр энергияси ва табиий газ тармоқларида ислохотларни бошладик. Ислохотлар нималардан иборат? Биринчиси, инвестициялар ҳажми ўта юқорилиги инobatта олиниб, хусусий капитални соҳага жалб этишга ҳаракат қилияптиз. Хусусий капитал қачон келади? Қачонки, инвестор соҳага қиритган бир сўми кафолатлангани ва эртага даромад олиш имкони борлигига ишонса. 2023 йилга келиб электр энергиясининг улгуржи бозорини шакллантиришимиз керак. Яъни ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини бозорда рақобатли нархларда сота бошлайди. Ўртача электр станциясига тикилган сармояни қайтариб олиш муддати энг камида 10-15 йил. 16 йилдан фойда олишни бошлайди. Бунинг учун инвестор давлатга ишониши керак. Барча инвесторларни эса бир савол қизиқтиради: соҳа қачон либераллашади? Қачон давлат аралашуви камаяди? Чунки бизда давлат электр станциялари бор. Ҳозирда табиий газ, электр энергиясини якуний истеъмолчиларга сотиш бўйича тарифлар давлат томонидан белгиланади.

Бу давлат электр ва табиий газни ишлаб чиқаришдан сотишга бўлган жараёнда мумкин қадар камроқ иштирок этиши кераклигини англатади. Давлат қонун-қоидаи белгилаб бериши, уёғини бозор тартибга солиши керак.

2017-2020 — 3 йилда нима ўзгарди?

— Ўтган 3 йилда фақат ислохотларнинг кейинги босқичларини белгилаш билан овора бўлмадик. Электр энергияси ва табиий газни ҳисобла олишнинг автоматлаштирилган тизимнинг методологиясини ишлаб чиқдик. Бу тизим нимага керак? 2006 йилдан ушбу тизим Ўзбекистонда жорий этиш ҳаракатлари бошланганди. Турли ишлаб чиқарувчиларнинг электр ҳисоблагичлари ўрнатилди. Корхоналар бизга функцияларни таклиф қилишди. Уларнинг таклифини қабул қилишимизга керакми ёки ишлаб чиқарувчига талаб қўйганимиз яхшими?

Саволларга асосли жавоб

Жорий йилда 6901 нафар мактаб битирувчисига олтин ва қумуш медаллар топширилади.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАҚ ТЎЛАЙДИМИ?

топиш учун жаҳон тажрибасини ўргандик. Халқаро мутахассислар билан унинг ягона концепциясини ишлаб чиқдик. Ҳозир концепцияни босқичма-босқич амалга оширяпмиз. Республикаимиздаги 7 миллион истеъмолчининг қарийб ярми бундай тоифадаги ҳисоблагичлардан фойдаланмоқда. Ҳисоблагичлар бизга қарздор истеъмолчиларни ўчириб-ёқишдан ташқари, қайси ҳудудда ноқонуний улашишлар борлигини кўрсатиб беради. Бу даромадни кафолатловчи механизм сифатида барча инвесторлар томонидан тан олинган.

Мазкур тизим таҳлилий маълумотларни олишда ҳам қўл келади. Биз қандай таърифларни жорий қилсак халққа кўпроқ манзур бўлади? Масалан, тунда ёки шанба-яшанба кунлари арзонроқ қилинса, кўпроқ фойдаланишадими? Иккинчидан, электр таъминотидаги узилишларнинг олди олинади. Мана бу ерда қўлчанлиги ёки узилиш бор, бугун-эртага чора кўрилмаса, маҳалла ёки қишлоқ электр энергиясиз қолади, деган огоҳлантирув беради.

МИБ ходимларининг кейинги тақдири

Фармон чиқиши ҳамонроқ қўлчилликда ҳақли савол туғилди: МИБ ходимлари ишсиз қоладими? Уларнинг кейинги тақдири нима бўлади? Ҳужжатда «Худудий электр тармоқлари» ва «Худудга таъминот» АЖнинг тузилмалари фаолиятига қўшимча жалб қилинадиган ходимлар, биринчи навбатда, қисқартирилган Бюро(МИБ) ходимлари ҳисобидан тўлдирилиши белгиланган.

— Худудий электр ва газ таъминоти корхоналарига ишга қабул қилиш ўз-ўзидан бўлмайди, — дейди Ш.Ҳўжаев. — Белгиланган талабларга жавоб берган, кўникмаси борлар ишга қабул қилинади. Аслида МИБда 3 йил давомида ходимлар сараланди, у ерда соҳага адашиб келиб қолганлар йўқ. Жавобгарлик кучайтирилгани боис ноқонуний улашишлар, тўловларни тўламайман дегувчилар камайди. Аслида чекка ҳудудларда электр энергияси ёки табиий газ таъминотидаги узилиш одатий бўлиб қолмаслиги шарт. Тўғри, бир кунда барча тармоқларни янгилаб бўлмайди. Баъзи жойларда ҳашар йўли билан одамларнинг ўзи қўрган минглаб километрли тармоқлар бор. Маҳаллалар пул йиғиб газ ва электр тармоқларини қуришган. Уларни ҳам босқичма-босқич тартибга келтиришимиз керак. Бизда кўпроқ товар маҳсулотини сотиш эмас, балки тармоқларга хизмат кўрсатиш функцияни бажарувчи ходимларга эҳтиёж бўлади.

Call-center — қисқа рақамла-



ри ишга туширилди. Айрим янги ходимларни шу ерга жалб қиламиз. Баъзида мижозлар муаммони тўғри тушунтириб бера олмайди. Ходим соҳанинг ҳақиқий эгаси бўлса, мижозни қандай муаммо қийнаётганини аниқлайди. Зудлик билан ечимига киришади, бу маҳалла ёки кўп қаватли уйда бундай муаммо бор, дея бригадани хабардор қилади, керак бўлса, ечим бўйича ўз тавсиясини беради. Баъзилар соҳани яхши тушунади, бироқ одамлар билан муомала маданиятига эга эмас. Уйма-уй юриб аҳоли билан мулоқот қилган МИБ ходимларида эса муомала маданияти шаклланиб бўлган.

Иш ҳақи масаласи

— Меҳнатга ҳақ тўлаш маълум кўрсаткичларга қараб белгиланади. Истеъмолчиларнинг розилиги, шикоятнинг камлиги, қарздор истеъмолчилар сонига эътибор қаратилади. Мажбурлаб даромад олишнинг умри қисқа, қўшимча хизматлар, таклифлар бериш, мижозларнинг муаммоларини эшитиб, ечимлари бўйича таклифлар киритиш — замонавий ходимнинг сифатлари. Бундай ходимлар яхши мукофот олишга ҳақли.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. МИБ ходимларига чуқур ўйлаган ҳолда иш таклиф қилишимиз керак. Тизим автоматлаштириляпти, бу ҳали яна ходимлар сонини қисқартириш лозимлигини кўрсатади. Автоматлаштирилладиган туманга 50 нафар ходимни ишга олиб, икки ёки уч

ойдан кейин огоҳлантириш хатини бериб, кечирасиз, штатингиз қисқаряпти, деб ишдан бўшатолмаймиз. Биз уларга тизимдаги бошқа тармоқдан иш таклиф қиламиз. Ҳозир қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўлами кенгаймоқда. Энергия сервис компанияларига бўлган эҳтиёжимиз ортапти. Ҳеч ким бозордан куёш панелини ўзи олиб, ўзи ўрнатишни хоҳламайди. Истеъмолчи олиб келиб, ўрнатиб, ишлаш жараёни билан таништириб беришни талаб қилади. Кўп ёшларимиз шу соҳада ўз ўрнини топиши мумкин. Шунингдек барча инвесторларга талаб қўйганмиз: Ўзбекистонда электр станцияси қурсангиз, қурилиш жараёнида камида 80, эксплуатация жараёнига ўтгач 90 фоиз ишчи ўзимизнинг ёшлар бўлиши керак.

«Тўловни тўлаб қўйинг!» — ўзини оқлайдими?

— Электр ва газ таъминотидаги энг яхши тарғибот, бу — истеъмолчиларга нимандир тушунтириш ёки нимадир талаб қилиш эмас, уларга ўрнатилган бўлиши: «Мен барча хизматларни кўрсатяпман, электр ва газ таъминотидан рози бўлинглар». Истеъмолчи кўрсатилган хизматдан қанчалик рози бўлса, шунчалик тўловчанлик даражаси юқори бўлади. Кўп йиллар давомида биз ўзимизни-ўзимиз алдаб келдик. Нимага шаҳарларда истеъмолчиларнинг тўлов даражаси яхши, қишлоқларда яхши эмас?



Чунки шаҳарда даромади кўпроқ, қишлоқда камроқ, дедик. Йўқ, шаҳар ва қишлоқда кўрсатилган хизматнинг ер билан осмончалик фарқи бор. Кунига 8 соат энергия бергандан кўра, узлуксиз электр энергияси билан таъминланса, одамларнинг ҳам муносабати ўзгаради. Ахир, сиз ҳам рисоладагидек хизмат кўрсатилмаса, тўловни тўлашга оғинасиз. Лекин хизмат сифатли бўлса, албатта, тўловни ўз вақтида амалга оширасиз. Тарғибот тўлаб қўйинг шаклида эмас, қандай қилсак сиз оворагарчиликсиз тўлайсиз, сизни ҳар бир тўлаган пулингиздан шунча фоизи уйингизга қайтиб келаётган электр энергиясини яхшилашга сарфланади, қабилида бўлиши лозим.

Яна бир йўли — соғлом солиштириш муҳитини яратишимиз керак. Тўловчанлик қобилияти яхши бўлгани учун бу туманда хизмат кўрсатиш сифати ошяпти, бу ерда пастрок, чунки тўловлар вақтида тўланмаган. Ҳар ойнинг бу санасигача тўлаб қўй дейилаверса, одамлар эътиборсиз бўлиб қолади. Далили, исботи ва қўлайлиги билан кўрсатиб берсангиз, муаммо бўлмайди. Яна бир қўлайлик, бу — 2021 йилда республикамизнинг барча аҳолиси электр ва табиий газ учун тўловларни уйдан туриб тўлаши мумкин бўлади.

Хулоса ўрнида

Аслида янги тузилмаларнинг тузилиши ёки тугатилиши, ваколати қисқариши ёхуд бошқасига ўтказилиши унчалик шов-шув қиладиган, хавотирга тушадиган масала эмас. Муҳими аҳоли эҳтиёжи қондирилса, хизмат сифатли кўрсатилса, бас. Бунинг учун сиздан угина биздан бугина, деганларидек таъминотчи ва истеъмолчи ҳуқуқи билан бирга масъулиятини ҳам ҳис қилиши лозим. Шундагина бугунги ислохотларнинг эртанги натижаси кафолатланади. Янги-дан-янги тузилмаларга эҳтиёж қолмайди.

«Mahalla» мухбири
Садоқат МАХСУМОВА
ёзиб олди.



2020 йил январь-май ойларида экспорт таркибида олтиннинг улуши 31,9 фоизга тенг бўлди.

МАҲКУМА АЁЛНИНГ

аризаси нега рад этилди?

Фарзанд туғилганда оиламиз қувончу шодликка тўлади. Ён-атрофимиздагилар шерик бўлиб, кутлашади, совғалар улашади. Давлат ҳам ўз ҳиссасини қўшиш ниятида маълум миқдорда маблағ беради. Бу маблағ халқ орасида суюнчи пули, қонун бўйича бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа дейилади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилга маҳкума Алия Мусталиева (исм-фамилияси ўзгартирилган) мурожаат қилиб, у ўз мурожаатида суд ҳукмига асосан, жазо муддатини ўташ даврида, яъни 2019 йил 25 июль куни фарзандлик бўлгани, бола туғилганда бериладиган нафақани олиш учун сентябрь ойида ҳужжатларини колония маъмуриятига тақдим қилгани, лекин колония маъмурияти унга озодликка чиққандан сўнг бола туғилганда бериладиган нафақани доимий яшаш жойи бўйича олиши мумкинлигини тушунтириб аризасини рад этганини баён қилади.

Маҳкумага суюнчи пули олиб берилди

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил маҳкуманинг мурожаатини Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда кўриб чиқиб, мурожаат этувчининг ҳақ-ҳуқуқлари тикланди. Маҳкума А.Мусталиевага бир марталик давлат ижтимоий суғуртаси олиб берилди.

Ўрганиш натижаси қандай?

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил қамоқда сақланаётган болали маҳкумаларнинг яшаш шароитлари, улар билан муомалада бўлиш тартиби, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва овқатлантиришнинг ташкил этилишини ўрганди. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнатини ташкил қилиш, улар билан тарбиявий, маънавий-маърифий ишларни олиб бориш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўтказилган мониторинг ҳамда Вакил номига келиб тушган мурожаатлар таҳлили натижасида жазони ижро этиш

муассасаси ҳамда тергов ҳибсхоналарида бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа пули берилиши тизимли тартибда ишлаб чиқилмагани маълум бўлди.

Ҳужжатлардаги бўшлиқ

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 287-моддасига кўра, бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа тўланиши, ҳар бир туғилган бола учун бериладиган нафақа миқдори ва уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилиши кўрсатилган.

Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 6-параграфига кўра, ушбу нафақа ишламайдиган ва ўқийдиган ота-оналарга бола туғилганда ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланиши ва тўланиши, ишлаётган ёки ўқийдиган аёлларга иш ёки ўқиш жойидан тўланиши белгиланган. Лекин фарзандли бўлган маҳкумаларга бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа қайси тартибда тўланиши кўрсатилмаган.

Қонунга ўзгартириш киритиш зарур

Юқоридаги бу каби ҳолатларни бартараф этиш юзасидан Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан тегишли тартибда қонунчиликка қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмоқда ва тегишли тартибда ҳукуматта тақдим этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида оналик ва болалик давлат ҳимоясидадир. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

65-моддаси ҳамда Оила Кодексининг 4-моддаси билан мустаҳкамлаб қўйилган. Мурожаатдаги ҳолатда она ўз жиной қилмиши учун фақатгина ўзи жавоб бериши ва туғилган боланинг ҳуқуқларини таъминланишига бу ҳолат таъсир қилмаслиги зарур. Чунки бола бошқа барча болалар каби тенг ҳуқуқлидир, унинг ҳуқуқларини чеклашга қонунчилик йўл қўймайди.

Шу боис «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга «Жазо ўтаётган маҳкума ва эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланаётган аёлларга бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тегишлича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланиши» тартибини алоҳида банд сифатида киритиш таклиф этилмоқда.

Дарҳақиқат, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг доимий эътиборида. Шу боис фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларга амалий ёрдам бериш, мавжуд муаммоларни келтириб чиқараётган бўшлиқларни бартараф этиш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Шоҳжаҳон ҚУЛТЎРАЕВ,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) Котибияти Бола ҳуқуқларини таъминлаш сектори етакчи маслаҳатчиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Мажбуриятни бажармаслик жавобгарликка олиб келадими?



– Ота-оналар болаларга таълим-тарбия бериш бўйича мажбуриятни бажармаса жавобгарликка тортилар экан. Бундай вазиятда қандай жавобгарлик белгиланган?

Адиба ЖЎРАЕВА,
Андижон вилояти.

Зафар РАҲМОНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

– Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши 111 минг 500 сўмдан 669 минг сўмгача жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилган бўлса, 669 минг сўмдан 1 млн. 115 минг сўмгача миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлади.

Болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунари таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар жавобгарлик қилса, уларга 1 млн. 115 минг сўмдан 2 млн. 230 минг сўмгача миқдорда жарима солинади. Мазкур ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилса, 2 млн. 230 минг сўмдан 4 млн. 460 минг сўмгача миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача муддатта маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Иш стажы электрон тизимдаги маълумотлар асосида ҳам тасдиқланадиган бўлди.

Янги қарор КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДАГИ лифт муаммосига ечим бўладими?!

Мамлакатимиздаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг лифтлар ишламаётганидан ёки тез-тез бузилиб туришидан норози бўлаётганини кўп эшитганмиз. Ҳатто, кўп қаватли хонадонларда яшовчи аксарият аҳоли учун лифт ишламаслиги аллақачон оддий ҳолга айланиб улгурган. Аслида эса бу мутлақо кўникиб бўлмайдиган ҳолат, юқори қаватдагилар учун эса чинакам муаммодир.

Одамлар носоз лифтдан фойдаланмоқда

Белгиланган қоидаларга кўра, лифтлар кўп квартиралли уйларда жой мулкдорларининг умумий мулки ҳисобланиб, уларга хизмат кўрсатиш тўлови умумий мол-мулкни сақлашга қаратилган мажбурий бадал таркибида назарда тутилган. Бироқ биламизки, кўпинча юқори қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли кўшимча маблағ сарфлаб, носоз лифтни тузатишга мажбур бўлади. Айрим ҳолларда эса бу уринишлар ҳам самара бермайди.

Афсуски, бутун кўп қаватли уйларнинг лифтлари шунчаки ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Айрим жойларда эса қурилма кўпориб ташланиб, шахтадан бутунлай бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, айни пайтда мамлакатимиздаги жами 2 минг 483 та кўп қаватли уйда 5 минг 922 та лифт ускунаси бўлиб, уларнинг аксарияти ўз хизмат вазифасини аллақачон ўтаб бўлган. Биргина Тошкент шаҳрини олсак, 25 йиллик эксплуатация муддати тугаган 65 фоиз лифтларни бутунлай янгилаш талаб этилади.

Хабарингиз бўлса, жорий йил 12 июнь санасида Вазирлар Маҳкамасининг «2021-2027 йилларда республикадаги кўп квартиралли уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат билан 2021-2027 йилларда кўп квартиралли уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш дастури тасдиқланди. Шунингдек, ушбу қарор орқали соҳадаги қатор муаммоларга ижобий ечим топилиб, бир қанча ташкилотлар зиммасига муҳим вазифалар юкланмоқда. Жумладан, Уй-жой хизмат кўрсатиш вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ҳамда ҳокимликлар Дастурнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилди.

Диспетчерлик хизмати йўлга қўйиладими?

— Бугунги кунда кўп қаватли

уйларда аҳолига хизмат қилаётган лифт ускуналарининг аксарияти эксплуатация муддатини ўтаб бўлган, — дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Алипаша Аҳмедов. — Шу боис янги қарорда кўп квартиралли уйлардаги лифтларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг замонавий услубларини жорий этиш ус-тувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Унга кўра, ускунанинг техник ва авария ҳолатларини реал вақт режимида қайд этувчи замонавий рақамли электрон дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, кўп квартиралли уйларда жой мулкдорларининг қулай ва хавфсиз яшашини, фавқулодда вазиятларнинг олди олинишини ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш вазирлик зиммасига юклатилмоқда. Шунингдек, эндиликда кўп квартиралли уй-жой фондидаги лифт ускуналарини мониторинг қилиш ва бу қурилмаларнинг доимо соз ҳолда ишлашини таъминлаш мақсадида замонавий диспетчерлик хизмати йўлга қўйилади. Бу вазифани сифатли амалга оширилишига эса Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва ҳудудий бошқармалар ҳузуридаги «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» давлат унитар корхоналари масъул этиб белгиланмоқда.

Нечта лифт янгисига алмаштирилади?

Яна бир гап. Қарор бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Молия вазирлиги билан бирга-ликда тегишли лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун 2020 йил 1 ноябрга қадар маблағлар ажратилишини таъминлайди. 2021 йилдан бошлаб эса кўп қаватли уйлардаги лифт ускуналари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъмирланади, янгилаш тадбирлари амалга оширилади. Бунинг учун республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан дастур



ДАРВОҚЕ...

Эндиликда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси лифтлар хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентта риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади.

асосида талаб қилинадиган маблағлар ажратилади.

Режага кўра, 2021-2027 йилларда республика бўйича жами 2 102 та кўп квартиралли уйларда 84 та лифтни таъмирлаш, 3 478 тасини янгисига алмаштириш кўзланмоқда. Шундан энг кўп — 3162 та лифт Тошкент шаҳрида таъмирланади ва эскиси янгисига алмаштирилади.

Мутахассис йўқ. Муаммо қандай ҳал бўлади?

Биламизки, лифт деганлари, профессионал ёндашувни талаб этадиган мураккаб ускуна ҳисобланади. Аммо, бугун жойларда бу қурилмани сифатли таъмирловчи мутахассислар етишмайди. Қарорда бу муаммони ҳал этишга ҳам эътибор қаратилган.

— Юртимизда лифтларни соз ишлашини таъминловчи мута-

хассисларнинг етишмаслиги бор гап, — дейди Алипаша Аҳмедов. — Айни пайтда жойларда бу иш билан, асосан, бошқа соҳа вакиллари шуғулланиб келмоқда. Ваҳоланки, лифт қурилмасини таъмирлашни тасодифий одамларга ишониб бўлмайди. Чунки гап одамлар саломатлиги ва хавфсизлиги ҳақида кетмоқда. Озгина эҳтиёсизлик эса турли кўнгилсизликлар, ҳатто, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, республикадаги соҳага оид мавжуд ўрта-махсус таълим бўғинида фаолият юритувчи касб-хунар коллежларида лифт ускуналарига хизмат кўрсатувчи малакали мутахассислар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Бундан ташқари, «Таъмирлаш-тиклаш хизмати» давлат унитар корхоналарининг лифт ускуналарига хизмат кўрсатишга мўлжалланган моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чоралари кўрилиб, уларни тегишли малакага эга мутахассислар билан тўлдириш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш ишлари олиб борилади. Уйлайманки, бу орқали соҳадаги жуда кўп муаммоларга ечим топилади.

Бир сўз билан айтганда, Вазирлар Маҳкамасининг янги қарори кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш, одамлар учун қулай ва хавфсиз шароит яратиш, лифтларнинг техник ҳолатини тубдан яхшилаш, авария ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

Президент фармони билан айрим солиқ
имтиёзлари бекор қилинади.



Маълумки, юртимизда республика ва халқаро фан олимпиадаларида совриндор бўлган, давлат мукофотларини қўлга киритган ҳамда ногиронлиги бўлган ёшлар, шунингдек, айрим касб эгаларининг фарзандлари учун олийгоҳга киришда бир қанча имтиёзлар берилган. Айтиш лозимки, сўнгги кунларда бу масала кенг жамоатчилик томонидан яна қайта муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Депутат имтиёзлардан нега норози?

Баъзилар мазкур имтиёзлар ўқувчиларни таълим олишга бўлган қизиқишларининг сўнишига сабаб бўлади, деса, айримлар бу жиҳат абитуриентлар ўртасидаги соғлом рақобатта пугур етказиши, бошқа бировлар эса коррупцияга кенг йўл очади, дея фикр билдирмоқда. Айниқса, Олий Маҳлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуда Ворисованинг мавзуга доир билдирган фикрлари кўпчилик эътиборини тортди.

— Бош Қомусимизда барча фуқаролар тенг ҳуқуққа эга экани белгиланган, — дейди М.Ворисова. — Демак, ота-онаси қаерда хизмат қилиши ёки фуқаронинг қандай ютуққа эга бўлиши Конституцияда белгиланган меъёрдан устун қўйилиши керак эмас. Нима учундир мактабни олтин медалга тамомлаган абитуриентга ҳеч қандай имтиёз йўқ, лекин республика фан олимпиадалари ғолибларига бундай имконият берилган. Ёки бўлмаса, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларига белгиланган имтиёз. Агар шу танловда олий таълимга имтиҳонсиз кириш имтиёзи бекор қилинса, қатнашувчи қизлар таркиби қандай ўзгарар экан?! Шунингдек, мудофаа ва ҳуқуқ-тартибот идоралари тизимидаги ходимлар фарзандлари учун белгиланган имтиёзни ҳам тушуниш қийин. Шундоғам бу соҳа эгалари катта имкониятларга эга. Энди уларнинг фарзандларига ҳам имтиёз берилиши ижтимоий

адолат тамойилига қанчалик тўғри келади? Айтилик, оддий деҳқон ёки боғбоннинг фарзанди кимларгадир имтиёз берилгани учунгина «йиқилса», жамият, сиз билан биз унга адолатсизлик қилган бўлмай-мизми? Менимча, ҳарбий хизматни намунали ўтаганлик учун тавсия асосидаги имтиёзни ҳам фақат ҳарбий соҳадаги таълимни давом эттиришга татбиқ этиш лозим.

Хўш, депутат томонидан билдирилган бу фикрлар қанчалик асосли? Чиндан ҳам, олий ўқув юртига кириш учун бериладиган имтиёзларни бекор қилиш керакми?

Нопок йўл билан мукофот олишга интиланлар кўп бўлди


— 1999 йил Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши мамлакатимиз ёшлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бошқармаси бошлиғи Дилшода Мирзажоновна. — Тўғри, охириги йилларда жойларда нафақат ёш қизлар, балки уларнинг ота-оналари ўртасида ҳам бу нуфузли мукофотга интилувчилар кўпайди. Бунга эса фақат олий ўқув юртига бериладиган имтиёз учунгина дейиш адолатдан бўлмайди. Чунки бу мукофот туфайли кўплаб қобилиятли қизлар кашф этилган. Тан олиш лозим, ўтган вақт мобайнида ўз танлаган йўналиши бўйича етук мутахассис бўлиб етишишни мақсад қилиш ўрнига турли нопок йўллар билан мукофот эгасига айланишга интиланлар кўп бўлди. Фикримизча, бунинг олдини олиш учун имтиёзни эмас, балки танловнинг ҳудудий босқичларида истеъдодли қизларни аниқлаш борасидаги ишларни адолатли ташкил қилиш, комиссиялар фаолиятини энг қўйи босқичдан тўғри йўлга қўйилишига эришиш зарур.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июнда қабул қилинган «Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш

учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига кўра, кам таъминланган оиладан чиққан, тўлиқсиз оилада тарбияланаётган, яъни ота ёки онаси вафот этган хотин-қизлар, 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ фарзандларни тарбиялаётган, бошқа қариндошларидан алоҳида яшаётган ёлғиз аёл(эркак)ларнинг қизлари, шахсий уй-жойга эга бўлмаган, ижарада яшаётган оилалар, ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш қидирувчи шахс сифатида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида ҳисобда турганлар, ногиронлиги бўлган фарзанди бор оилалардан чиққан хотин-қизларга ҳам имтиёзлар берилмоқда. Бу нафақат аёлларимизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, балки оддий оила фарзандларига ҳам имтиёзлар бериш, бу орқали юртимизда ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳарбийнинг фарзанди шунчаки ўқишга қирмайди

Биламизки, ҳарбий хизматчиларнинг янги хизматни ўташ жойларига, шу жумладан, иқлим шароити оғир бўлган узоқ гарнизонларга қўчиб ўтиши натижасида, уларнинг фарзандлари таълим муассасаларини доимий ўзгатиришади. Бу ҳолат эса улар томонидан олинаётган билим сифати таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу боис ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига олийгоҳга кириш



ЎҚИШГА КИРИШ УЧУН имтиёзларни бекор қилиш керак...(ми?!)

ДАРВОҚЕ...

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июндаги қарорига кўра, Ишчи гуруҳ томонидан саралаб олиниб, қўшимча қабул кўрсаткичлари учун танловда иштирок этишга тавсия этилган хотин-қизларнинг рўйхати ҳар йили 15 июнга қадар Давлат тест марказига тақдим этилади.

учун имтиёз берилган. Бироқ Президентимизнинг тегишли қарори бўйича ҳарбийларнинг фарзандлари белгиланган давлат грантларига эмас, улардан ташқари ажратилган ўринларга қиради. Бундан ташқари, улар шунчаки ўқишга қабул қилинавермайди — танлов асосида сараланади. Яъни улар ҳам эл қатори тест топшириб, ана ундан сўнг олийгоҳга ўқишга қиради. Шундай экан, ажратилган ўринга 10 та, 20 та, ҳатто 50 та ариза топширилиши мумкин.

Бироқ юқорида депутат Мақсуда Ворисованинг ҳарбий хизматни намунали ўтаганлик учун тавсия асосидаги имтиёзни фақат ҳарбий соҳадаги таълимни давом эттиришга жорий этиш кераклиги ҳақидаги фикри тўғри. Чунки бу жиҳат соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини яхшилаш, Миллий армиямизга етук ҳарбий хизматчиларни етказиб беришга хизмат қилади. Шунингдек, депутатнинг имтиёзлар соҳада коррупциянинг илдиз отишига сабаб бўлиши тўғрисидаги фикрида ҳам жон бор. Бунинг учун жойларда бевосита бу ишга масъул мутасаддилар, махсус комиссиялар фаолиятида шаффофликни таъминлаш, жараёнга замонавий коммуникация воситаларини татбиқ этиш зарур. Ана шунда бу каби салбий ҳолатларнинг олди олинган бўлади.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

Республиканинг 8 та туманида абитуриентларни рўйхатдан ўтказиш ДХМларда амалга оширилади.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари иш фаолияти самарадорлигини ошириш учун уларга муносиб шароит яратиш, тизим моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ва оширилаётган ишлар хусусида жуда кўп ва ҳўп гапирилмоқда. Аммо ҳануз эътибордан четда қолаётган бошпанасиз йиғинлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди.



БИНОСИ ЙЎҚ маҳаллалар кимга

хизмат қилади?

Маълумот учун айтиш лозимки, бугунги кунда Фарғона вилоятидаги мавжуд 1041 та маҳалла фуқаролар йиғинининг 139 таси ўз биносига эга эмас. 80 та маҳалла фуқаролар йиғини эса турли ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар балансида бўлган биноларда, 40 таси таълим ва тиббиёт муассасаларида, 7 таси ҳокимият балансида бўлган биноларда, 12 таси эса қўшни маҳалла фуқаролар йиғинларида бир амаллаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу кўрсаткич Фарғона шаҳрида 17 тани ташкил қилса, Фарғона туманида хизмат биноларига эга бўлмаган маҳаллалар сони 20 тани ташкил этади. Таъмирталаб, каталакдек хонада, оддий шароитларга эга бўлмаган йиғинлар остана ҳатлаб келган кишини ўтказгани жой тополмай сарсон.

Маҳалла биноси учун «жанг» тугадими?

Фарғона шаҳридаги «Ифтихор» маҳалла фуқаролар йиғини биносига эгалик қилиш борасида бошланган «жанг» мана беш йилдирки, ўз интиҳосини топгани йўқ. Маҳалла масъуллари судмасуд юриб, силласи қуриди. Икки ўртадаги тортишув, қозғозбозлик ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Мустақиллик кўчаси, 81-уйда жойлашган хонадон 1990 йилда Фарғона шаҳар ижроия кўмитаси махсус қарори билан маҳалла фуқаролар йиғини учун сотиб олинган эди. Аммо фуқаролар йиғини собиқ раиси оила аъзолари бу бинога эгалик қилиш ҳуқуқи борлигини тасдиқловчи олди-соти шартномаси борлигини даъво қилиб, фуқаролик судига мурожаат қилишган. Суд дам у томоннинг, дам бу томоннинг ҳақ-ҳуқуқла-

рини ҳимоя қилиб, қарор чиқараётганига ҳам беш йил бўлди.

Умумий майдони 3,5 сотих бўлган йиғин биносининг деворлари нураб, таъмирталаб бўлиб қолган. Ходимлар учун иш хоналари етишмайди. Сув ва бошқа зарур коммуникация тармоқларининг абгор аҳволи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Маҳалла биносининг бу ҳолга келиб қолишининг асосий сабаби эгасизлик, эътиборсизликдан бошқа нарсаси эмас.

— Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг ҳал қилувчи қарори билан маҳалла биноси маҳалла ихтиёрида қоладиган бўлди. — дейди фуқаролар йиғини раиси Маъмуржон Сўфиев. — Шу кунга қадар можароли жойга эгалик қилиш, таъмирлаш, ходимлар учун шароитлар яратиш, қайта қуриш билан боғлиқ ишларни амалга оширишга жазм қила олмаётгандик. Йиллар давомида муаммога айланган масалага қонуний ечим топилгани биз учун катта имконият бўлди. Энди ҳаммасини бошидан бошлаймиз.

Катта шаҳарда бундай можароли ҳовли-жойни макон тутган бошқа маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам бор. «Баҳор», «Сой бўйи», «Ўзбекистон», «Шодлик», «Маърифат», Нодирабегим сингари маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз жойларига эга чиқолмай сарсон. Маҳалла бинолари қурилиши учун жой, маблағ масаласи ҳануз оғриқли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Қурай деса қуриб бўлмайди, бузай деса...

— Фуқарога тегишли бўлган ҳовли жойда ишлаб келаётганимизга ҳам ўттиз йил бўляпти. — дейди «Сой бўйи» маҳалла фуқаролар



йиғини раиси Назира Мирзаева. — Маҳалла учун жой йўқ. Икки хонали уйга бир амаллаб жойлашиб олганмиз. Профилатика нозир учун эса хона йўқ. Шу боис у қўшни маҳалла фуқаролар йиғинида ўтиради. Уй-жой эгасининг руҳсатсиз бинони бузиб, қайта қуриш мумкин эмаслигини айтишяпти. Нима қилишни билмаймиз. На қуриб бўлади, на бузиб. Ҳолбуки, маҳалламизда бу борадаги ишларга хайрихоҳ бўлган ташаббускор кишилар кўп. Фақат бино қурилиши учун ҳуқуқий ваколат берилса бас.

— Шу пайтга қадар маҳалла бинолари учун ер майдони ажратиш, қуриш учун маблағ йўналтириш, балансдан-балансга ўтказиш билан боғлиқ ишлар маҳаллий ҳокимият кўрсатмаси асосида амалга ошириб келинган, — дейди Фарғона шаҳар ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Фарҳод Жўраев. — Шу боис бу масала авваллари ҳам кўтарилган, кун тартибига қўйилган. Лекин унинг ижросига келганда маблағ етишмовчилиги, захира ерларнинг йўқлиги, давлат дастурига киритиш каби масалалар туфайли иш пайсалга солиб келинган. Президентимизнинг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тад-

ДАРВОҚЕ...

— Жорий йил Фарғона шаҳридаги «Баҳор», «1-Бешбола» ва Ойбек маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари таъмирдан чиқарилди. «Фарғона», «Симтепа» «Тўқимачилар» ва «Машғал» йиғинларида давлат-хусусий шерикчилик асосида янги бино қуришга киришилди.

бирлари тўғрисида»ги фармони ва унда кўрсатилган вазифалар бу борадаги мавжуд муаммолар ечимида қўл келди. Жорий йилнинг ўзида турли ташкилот ҳисобидаги биноларда фаолият олиб бораётган 16 та маҳалла фуқаролар йиғини шаҳар ҳокимининг қарори билан ўз ҳисобларига ўтказиб берилади. Бу ишлар яна давом этади.

15 та маҳалла интернет тармоғига уланган, холос

Шу кунга қадар вилоят, шаҳар ва туманларда 22 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси давлат-хусусий шерикчилик асосида қурилди. Гарчи бироз кеч бўлса-да, бошпанасиз маҳалла фуқаролар йиғинлари учун бино қурилиши борасида бошланган амалий сазй-ҳаракатлар муаммолар ечимида қўл келаётгани кўпчиликини хурсанд қилмоқда бироқ, бу — мавжуд муаммолар ечими учун етарли эмас. Жумладан, бугунги кунда фуқаролар йиғинларининг фақат 15 тасигина интернет тармоғига уланган, холос. 258 та маҳалла ўз биносига эга, аммо кадастр ҳужжати йўқ. Ёки кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган, бироқ ҳужжатни олишга молиявий имконияти бўлмаган яна шунча маҳалла фуқаролар йиғини бор.

Бундан кўринадики, йиллар давомида эътибордан четда қолган маҳалла ҳаётидаги бу долзарб масалалар ўз ечимини кутиб турибди. Шундай экан, биз бу мавзуга яна қайтамыз.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»

Сирдарёда ғалла режаси
тўлиқ бажарилди.

ДАВЛАТ МЕҲНАТ ИНСПЕКЦИЯСИ: МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ БУЗИЛГАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДА?

Яқинда бир фуқаро тахририятимизга кўнғироқ қилиб, меҳнат ҳуқуқи бузилаётгани ва ойлик маоши 2 ойдан буён кечиктирилаётганини айтиб, нима қилиши юзасидан маслаҳат сўради. Унга Давлат меҳнат инспекциясига мурожаат қилишини айтдим. Бироқ у мурожаатдан фойда бўлмаслигини ишончсизлик билан таъкидлади. Негаки, олдинроқ бир неча нафар ҳамкасблари қайсидир ташкилотга арз қилган экан, раҳбари ишдан бўшатиб юборибди...



Ҳўш, бундай вазиятда ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қим ҳимоя қилади? Биз тавсия берган Давлат меҳнат инспекцияси ростдан ҳам меҳнат ҳуқуқи бузилган ишчи-ходимларнинг ҳуқуқини ҳимоя қила оладими? Меҳнат ҳуқуқи бузилган фуқаролар қаерга, қай тартибда мурожаат қилиши керак? Аслида инспекциянинг фаолияти нималардан иборат? Фуқаролардан келаётган ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи Қудратулло ОДИНАЕВга мурожаат қилдик.

– Аввало, Давлат меҳнат инспекцияси фаолияти нималардан иборат деган саволга жавоб берсак, – дейди Қудратулло Одинаев. – Инспекциянинг фаолият ва ваколатлари Меҳнат кодексининг 9-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги «Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги Низомда белгиланган. Ушбу қонун ҳужжатларига кўра, Давлат меҳнат инспекцияси фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этишни ва уларни ҳимоя қилишни, шунингдек, хавфсиз шарт-шароитлар ва меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, ташкилотлар томонидан риоя этилишини давлат томонидан назорат қилади. Шунингдек, республикадаги меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларига чалиниш сабабларини таҳлил қилиб, бартараф

этиш йўллари ишлаб чиқади.

Бундан ташқари, меҳнат тўғрисидаги битимлар ва локал ҳужжатларнинг, иш берувчиларнинг меҳнат муносабатлари соҳасидаги буйруқлари қонун ҳужжатларида мос келишини тизимли ўрганиб боради. Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам инспекция назоратида. Ҳар бир иш берувчи ногиронлиги бор шахсларга барча меҳнат шарт-шароитларини яратиб бериши зарур.

Инспекциянинг асосий вазифаларидан яна бири – мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва уни тўлиқ бартараф этиш, шу жумладан, айбдор мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишдир. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида жароҳат олиш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга доир профилактика ишларини олиб боради.

Қаерга, қай тартибда мурожаат қилиш керак?

– Меҳнат ҳуқуқи бузилган фуқаролар ҳар бир туман ва шаҳарлардаги Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларига, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар Бандлик бош бошқармалари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишлари мумкин. Фуқаролар оғзаки мурожаат қилиши учун вазирлиқнинг 71-200-06-00 ва қисқа рақамли 1176 ишонч телефонлари мавжуд. Бундан ташқари, электрон шаклда мурожаат қилиши учун ижтимоий тармоқдаги «dmi.mehnat.uz» сайти, mehnatuqubot телеграм канали мавжуд.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қила оладими?

– Давлат меҳнат инспекцияси меҳнат ҳуқуқи бузилган фуқароларнинг ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя

қила олади. Бунинг учун қонун ҳужжатлари билан ваколатлар берилган. «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги Низомга асосан, Давлат меҳнат инспекторлар фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини бузган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш, бузилган меҳнат ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш, тақдимномалар киритиш ҳамда фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб судларга даъво аризалари киритиш ваколати мавжуд.

Бугунги кунда ҳар бир туман ва шаҳарлардаги Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказларида, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Бандлик бош бошқармаларида ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида 400 га яқин Давлат меҳнат инспекторлари фаолият олиб бормоқда.

Меҳнат ҳуқуқини тиклаш жараёни қандай амалга оширилади?

– Меҳнат ҳуқуқи бузилганлиги ҳақидаги мурожаат ёки хабарни ўрганишда дастлаб ўрганиш ёки текшириш ўтказилади. Қонун бузилишлар натижасида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги тасдиқланса, айбдор шахсларга нисбатан маъмурий жарима қўллалинилади ва бузилган ҳуқуқни тиклаш, қонун бузилишини бартараф этиш тўғрисида ваколатли шахсга бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатма берилади.

Ёзма кўрсатма ижроси таъминланмаган тақдирда Меҳнат кодексининг 268-моддасига асосан, фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб судга даъво аризаси киритилади ҳамда қонун талабларини бузган мансабдор шахснинг юқори турувчи органига ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдимномалар киритилади.

Инспекция хорижий ёки қўшма корхоналарда ишлаётган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқини ҳимоя қила оладими?

– Давлат меҳнат инспекцияси «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси тўғрисида»ги Низомга асосан, ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, республикадаги барча ташкилотларда, шу жумладан, хорижий ёки қўшма корхоналарда меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳам меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича қандай амалий ишлар қилинмоқда?

– Давлат меҳнат инспекцияси томонидан жорий йилнинг 5 ойи давомида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 7249 та текшириш ва ўрганишлар ўтказилди. Ўрганишлар давомида 18582 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, айбдор бўлган 3463 нафар мансабдор шахслар маъмурий жаримага тортилган. Ушбу қонун бузилишларни бартараф этиш бўйича 2717 та ёзма кўрсатмалар ва 64 та тақдимномалар киритилиб, 3523 нафар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Инспекция фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мутахассислари ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси билан ҳамкорликда ҳудудларда доимий мониторинглар ва тарғибот тадбирлари ўтказиб келмоқда.

«Mahalla» мухбири
Рустам Юсупов
ёзиб олди.

Халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятларни бажаришга масъул ташкилотлар белгиланди.

АЙБСИЗ АЙБДОР СУД ҲУКМИ билан оқланди, бироқ...

Оқлов нима ўзи? Оқлов бу — оқланмоқ, покланмоқ демак, ғараз ва чиркин мақсадларда елкангга қўйилган тухмат тошларидан халос бўлиш, қонун тили билан айтганда, айбсизликнинг суд қарори билан исботланиши дегани!

Биргина жумладан иборат бу сўзининг ортида нафақат бир инсоннинг, балки у орқали бир оила, бир авлоднинг тухмат ва маломатдан эгилган бошлари кўтарилиши ётади.

8 йил ўтиб оқланди...

— Ҳақлигини билсангу, тухмат қилишиб жиноятчиға айлантиришса бундан ёмони йўқ. «Судланган» деган тамға билан яшаш эса унданда оғир, — дейди «Халқ банки»нинг Миришкор туман филиалига қарашли «Помуқ» минибанкининг собиқ мудири Раҳимжон Рўзимуродов оғир тин олиб. — Ушанда 2012 йилнинг август ойи эди. Соғлигим панд бера бошлагач, шифокорга мурожаат қилдим. Мутахассислар бир жойда ўтириб ишлашим мумкин эмаслиги, кўпроқ очиқ ҳавода бўлишим кераклиги ҳақида айтди. Акс ҳолда касаллик янада авж олиб кетишидан огохлантиришди.

Ноилжон қолган Раҳимжон нақ бир йилга ўз ҳисобидан таътил олиб, уйда даволана бошлади. Лекин эндигина қирқдан ошган, неча йиллардан бери эртадан кечгача ишда ўтириб, ҳисоб-китоб, таҳлиллар билан банд бўлган одамнинг дабдурустан ҳеч иш қилмай уйда ўтириши осон эмас экан.

Шу боис ҳар замонда ишхонасига келиб, кимгадир маслаҳат, кимгадир йўл-йўриқ бериб турди. Аммо у эртага айнан «мехнат таътилида бўлишга қарамасдан» деган айбловлар учун йиллаб тергов, суд идораларига қатнаши мумкинлигини ҳали билмасди.

— Бу орада унинг йўқлигидан фойдаланибми ёки аввалдан мазахўрак бўлиб келишганими, минибанкининг ўша пайтдаги бош ҳисобчиси, ғазначиси ва бошқалар турли тоифадаги нафақа олувчиларнинг 81 миллион сўмдан ошiq пулини ўзлаштириб юборгани аён бўлади, —

дейди Раҳимжон Рўзимуродовнинг ҳозирги адвокати Сафар Каттабоев. — Табиийки, ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов бошланади. Бу орада минибанк шохобчаларидан бирининг ғазначисидан «нафақа пулидан мудири Раҳимжон Рўзимуродовга ҳам ҳар замонда 400-500 минг сўм «ўзатиб» турганман» қабилда кўрсатма ҳам олинади. Қарабсизки, таътилдаги мудири ҳам терговга жалб этилади.

Раҳимжон Рўзимуродов 2013 йил 18 июнь куни қамоққа олинади ва жиноят ишлари бўйича Косон тумани судининг 2013 йил 25 декабрдаги ҳукми билан бир гуруҳ бўлиб, давлатнинг жуда кўп миқдордаги мулкани талон-торож қилиш, пора олиш, мансаб сохтакорлиги каби жиноятларни содир қилганликда айбдор деб топилиб, 7 йилга озодликдан маҳрум қилинади.

Ўзгалар гапи билан апелляция шикоятидан воз кечди

Турган гапки, Раҳимжон Рўзимуродов ҳукмдан норози бўлиб жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судига апелляция шикояти ёзди. Аммо у билан бирга «ўтирганлар» ва аввалги адвокатлари «шикоят ёзишдан ҳеч қандай наф йўқ, уларни биров ўқимай-диям, «ҳукм тўғри, шикоятингиз асоссиз», деган бир парча қоғоз оласиз, холос. Яхшиси, шикоятингизни қайтариб олинг, ҳали замонлар ўзгарса, кейин ёзарсиз», дея маслаҳат беришади. Раҳимжон шу каби гап-сўзларни эшитган, иккиланиб қолади. Шунинг учун «шикоятимни кўрмасдан қолдиришнингизни сўрайман» деб вилоят судига қайта ариза ёзди.

Қамоқдан эса роппа-роса 1 йил 6 ойу 4 кун деганда чиқади. Жазо муддатининг ўталмай қолган қисми иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш жазосига алмаштирилди...

Сафар Каттабоев ҳикояси

— Мени ҳайрон қолдирган нарса — асосий процессуал ҳужжатлар ҳисобланган терговчининг айблов ва қамоққа олиш тўғрисидаги қарорлари, айбланувчи тариқасида Раҳимжон Рўзимуродовни сўроқ қилиш баённомалари ва бошқа ҳужжатларда ушбу жиноят иши бўйича дастлаб тергов олиб борган Миришкор тумани прокуратураси катта терговчисининг имзоси йўқ-

лиги, саналар ҳам кўрсатилмаган эди.

Кейинчалик суд мажлисига чақирилган собиқ терговчи унинг номидан қўйилган имзоларни тан олмади. Табиийки, гумон кейинги терговчиға тушади, чунки жиноят иши дастлабки терговда фақат терговчи ёки туман прокурорининг қўлида бўлади.

Ундан кейин терговни давом эттирган ушбу туман прокуратурасининг катта терговчиси ҳам «Мен бу имзони сохталаштирган эмасман, ким сохталаштирганини ҳам билмайман», деди.

Унда имзоларни ким қалбакилаштирган?..

— Суд-хатшунослик экспертизаси аввал вилоят ички ишлар бошқармаси, кейин Адлия вазирлиги ҳузурдаги Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертизаси марказига тайинланади, — дейди С.Каттабоев. — Афсуски, экспертларнинг ҳулосасига ҳам тушуниш қийин кечди, уч марта экспертиза тайинласак-да, аниқ жавоб олмадик. Охири «собиқ терговчилар ўша қалбаки имзоларга ўхшатиб имзо қилишсин, шунга қараб жавоб берамиз», дейишди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди кассация инстанциясига ушбу ишни кўриб, мазмунан ҳал қилиш учун 1 йилу 3 ой керак бўлди. Суд мажлисига жиноят ишлари бўйича вилоят суди раиси Абдуқаюм Маҳмамовнинг шахсан ўзи раислик қилди. Ахир, яна гувоҳлар, тафтишчиларни чақириш, юзлаштириш, ҳужжатларни таҳлил қилиш, қайта текшириш, синчиқлаб ўрганиш зарур эди. Ниҳоят, 2019 йил 12 ноябрь куни оқлов ажрими эълон қилинди: унга кўра, Раҳимжон Рўзимуродов тўлиқ оқланиб, айбсиз, деб топилди.

— Оқлов ҳукми чиқарилган жиноят ишларининг аксарият қисми 2017 йилга қадар юритилган ишлардир, — дейди Абдуқаюм Маҳмамов. — Шу билан бирга, айрим оқлов ҳукми чиқарилган жиноят ишлари 2018-2019 йилларда қўзғатилгани, тергов қилингани ва айблов ҳукми чиқарилганини кўриш мумкин. Бу эса мазкур жиноят ишлари юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борган терговчи ва ишни судда кўришда раислик қилган судьянинг ўз устида доимий ишлаб, қонунларни ўрганиб бормаётгани сабабли жиноят иши шошмашошарлик билан тергов қилинганидан далолат беради.

«Ўзингизга бошқа иш топинг, дея «паттаси»ни тутқазишди

2020 йил 17 февралда фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро суди даъвои қаноатлантириб, минибанк мудири лавозимига тенг бошқа иш билан таъминлансин мазмунини ҳал қилув қарорини чиқаради.

Буни қарангки, банкнинг вилоятдаги раҳбарлари Раҳимжон Рўзимуродовга «Ҳозирча қўшни Муборак туманидаги филиалимизда кичик-роқ лавозимда ишлаб туринг, кейин аввалги лавозимингизга тенг бошқа иш берамиз», деб ваъда қилишадди. Янги вазифада бир ой ишлагач эса «Сиз ишлаб турган лавозим шта қисқариши билан тутатилди, ўзингизга бошқа иш топинг», деб қўлига «паттаси»ни тутқазишади. Натижада собиқ минибанк мудири ишсиз қолади.

Атиги 20 миллион сўм маънавий зарар

— Биз маънавий зарарни 200 миллион сўмга баҳолаб, шунча тоvon пули тўлаб беришни сўраган эдик. Фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро суди 20 миллион сўм ундиришга рози бўлди. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига арз қилган эдик, улар ҳам туманлараро суд тўғри қарор қабул қилган, деган ҳулосага келди, — дейди адвокат. — Иш ҳақи сифатида олиниши керак бўлган, лекин олинмай қолган 39 миллион сўмдан зиёд пулни ҳам жиноят ишлари бўйича Косон тумани суди қисқартириб, 6 миллион сўмини солиқ учун ушланиши керак, дея олиб ташлади.

Одатда бундай зарар туман молия бўлиmlаридан ундирилади. Чунки суд, прокуратура, ички ишлар давлат органлари ҳисоблангани учун улар етказган зарарни тўлаб беришни қонунга кўра давлат ўз зиммасига олади.

Ушбу пуллар ўз эгасига етиб бордимки, деб қизикаётган бўлсангиз керак. Адвокатнинг айтишича, уч ой бўлаппти ҳамки, ҳаммаси ҳозирча қозғода экан. Маҳаллий бюджетга қачон пул тулса, кейин тўлаб бериларкан. Хуллас, на ишдан дарак бор, на пулдан. Раҳимжон Рўзимуродов эса уйда, ишсиз ўтирибди.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

Пойтахтда Махтумқули кўчасидан Паркент кўчасига ўтиш йўли вақтинча ёпилади.

Аёл фақат уй БЕКАСИМИ?

Ўзбекистонда ишга киришда гендер стереотиплар муаммоси мавжудми? Бу савол кўпчилик аёллар учун долзарб ҳисобланади. Зеро, хотин-қизларни ишга олган раҳбар муқаррар равишда қонунчиликда улар учун белгиланган имтиёзлар билан тўқнашиши, бу иш сифати ва самарадорлигига салбий таъсир ўтказиши, туғуруқ, бола парвариши таътили сингари қўшимча моддий чиқимларга сабаб бўлиши мумкинлигини яхши билади.

Аммо замонавий дунё иқтисодиёти аёлларнинг меҳнат ва интеллектual кучларидан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Чунки жамиятнинг ярмига фақат истеъмолчи сифатида муносабатда бўлиш ҳар қандай иқтисодиётни ҳам жар ёқасига олиб келиб қўйиши муқаррар. Бундан ташқари, айниқса, эркеклар орасида меҳнат миграцияси юқори бўлган мамлакатлар ўз-ўзидан ички ишлаб чиқариш ва бошқарувда хотин-қизлар имкониятларидан самарали фойдаланишга уриниши табиий ҳолат. Мавзу юзасидан, гендер стереотипларининг аёллар ҳаёти ва фаолиятига таъсири, хусусан, уларга нисбатан ишга киришда, касб танлашда ва меҳнат фаолияти давомида кузатиладиган дискриминация ҳолатларини таҳлил қилган тадқиқотчи, Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси Камола Алиеванинг фикрлари билан қизиқдик.

Хорижда ҳам шу муаммо мавжудми?

— Бутун дунёда хали-ҳануз гендер нотенгликнинг мавжудлиги эркекларнинг хотин-қизлар устидан ҳукмронлигини тасдиқловчи патриархат тизимининг таъсири билан изоҳланади, — дейди Камо-

ла Алиева. — Тадқиқотлар ҳатто аёллар ҳуқуқлари юқори даражада ҳимоя қилиниши иддао этиладиган Америка Қўшма Штатларида ҳам сўнгги йилларда иш жойларида аёлларнинг вақилигини яхшилашда деярли ҳеч қандай ютуқларга эришилмаганлигини кўрсатмоқда. Бу мамлакатда иш берувчилар малака бир хил бўлишига қарамасдан эркек номзодларни қабул қилишни афзал кўришяпти. Ишга ёлланганларнинг маошига оид ҳисоботга кўра, эркекларнинг 60 фоизи бир хил лавозимдаги аёлларга нисбатан кўпроқ маош олишади.

Тадқиқотлар қандай натижа берди?

Жамиятда аёлларга, одатда, асосий вазифа сифатида оилавий роллар — она, уй бекаси, турмуш ўртоғи каби, эркекларга эса — профессионал роллар белгиланади. Замонавий жамиятда аксарият ҳолларда эркекларга ўз касб-коридида эришган ютуқларига қараб, аёлларга эса — оиласи ва болалари мавжудлигига қараб баҳо беришади. Бизнинг жамиятимизда ҳам аёллар ва эркекларга нисбатан айнан шу қараш мустаҳкам ўрин олган. Мамлакатимизда Тошкент давлат юридик университети тад-

қиқотчилари томонидан аёлларга нисбатан ишга киришда ва уларнинг меҳнат фаолияти давомида камситиш даражасини аниқлаш мақсадида, аноним сўров ўтказилди. Тадқиқотда 16 ёшдан 63 ёшгача бўлган 271 аёл ва 63 нафар эркек қатнашди. Сўровнома иш-тирокчиларининг 103 таси ишга кириш жараёнида жинси туфайли қийинчиликларга учраганини таъкидлаган.

Нотенгликка нималар таъсир ўтказмоқда?

Юртимизда аёлларнинг оила ва ишдаги ролига, асосан, маданий омиллар таъсир кўрсатмоқда. Уй юмушлари, норасмий секторда кам ҳақ тўланадиган деярли барча ишларга аёлларнинг иши сифатида қаралади. Табиатида кўра, бу турдаги анъанавий уй-рўзгор ишлари ўқши ва ўрганишга озгина вақт ажратадиган аёлларни иқтисодий зарбаларга ҳимоясиз қилиб қўяди. Аёлларнинг турмуш қуриш факти уларни меҳнат муносабатларида камситилишига олиб келади. Бу дегани турмуш қуриш ёшидаги аёлларни ишга қабул қилаётган иш берувчи уларга меҳнат шароитларини таъминлаш чоғида келгусида оналик билан боғлиқ қонунчилик назарда тутган қилади. Ҳозир мамлакатимизда хусусий сектор ривожланаётган


ва тадбиркорликка кенг шароитлар яратилаётган даврда янги иш бошлаган тадбиркорни бундай қафолатлар маълум маънода «чўчитмоқда». Шу боис аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларни ишга қабул қилишда иш берувчиларга солиқ қонунчилиги бўйича имтиёз ёки преференциялар белгиланса, назаримда, мақсадга мувофиқ бўларди.

Раҳбар аёлга икки баробар қийин

Юқориди келтирилган сўровнома натижалари жамиятимизда аёлларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқларини чеклаб, уларнинг профессионал ўсишида муайян тўсиқлар сақланиб қолинаётганидан далolat беради. Бу ўринда, айниқса, давлат органлари идораларида ишлайдиган аёл ходимларга анча қийин. Сабаби, раҳбар ходимларнинг аксарият қисми — эркеклар. Бу, ўз навбатида, кўп тўсиқларга сабаб бўлади. Масалан, хорижий давлатларга юбориладиган делегацияларда аёллар кам қатнашиши, эркек раҳбарнинг танловига кўра, унинг қўл остида асосан эркек ходимларнинг ишлаши керак деган стереотипнинг мавжудлиги, бунинг сабаби эса, эркек раҳбарларнинг фикрига кўра, аёл кишидан фойда камроқ, чунки у оилавий вазифаларини бажариш учун ишдан ўз вақтида кетади ва эркек ходимларга ўхшаб, кечки соат 22-23 ларгача қолиб кета олмайди. Раҳбар лавозимларга ҳам, асосан, эркекларнинг номзоди кўйилади ва тайинланади, бу, ўз навбатида, аёлларнинг мансаб поғоналарини забт этишига тўсиқлик қилмоқда.


Кўпинча, аёллар бундай ҳолларда индамай чидашни афзал кўришади. Сабаби, аёл киши ёшлигидан қийинчиликларга «бардошли» бўлиш ва эътироз билдирмаслик руҳида тарбияланади, бунинг оқибатида эса шу каби ҳолатлар такрорланаверади.

Аёлларни ишга қабул қилишда кузатиладиган дискриминация ҳолатлари (ижобий жавоб берган респондентлар сон)



Сўровда жами 333 нафар киши қатнашди (271 та аёл, 63 та эркек), респондентларга бир вақтинчи ўнда бир неча жавобларни танлаш имконияти берилди.

Меҳнат фаолияти давомида аёлларга нисбатан кузатиладиган дискриминация ҳолатлари (респондентларга бир вақтинчи ўнда бир неча жавобларни танлаш имконияти берилди)



Улуғбек ИБОДИНОВ
тайёрлади.

Ўзбекистон май ойида 190 тоннадан
кўп тарвуз экспорт қилди.



Хоразм санъати деганда, Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров, Ортик Отажонов каби забардаст санъаткорлар кўз олдимизга келади. Улар санъатимизнинг бақувват устунлари эди. Элимизнинг ардоқли хонандаси Оғабек Собиров ҳақли равишда бу зотларга муносиб издошдир. У куйлаган жозибатор кўшиқлар аллақачон халқимиз қалбидан жой эгаллаган, санъаткорнинг овоз имкониятлари ниҳоятда кенг. Айниқса, Хоразм сувораларини куйлаганда сел бўлиб тинглайсиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Дўстлик» ордени соҳиби, «Лазги» ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари Оғабек Собиров — бутунги меҳмонимиз.

Оғабек СОБИРОВ:

«ХАЛҚНИ

асл санъатдан баҳраманд

этиш — олий мақсадимиз»

Ижод — масъулият демак

— Миллий санъатимиз, хусусан, Хоразм кўшиқчилиги ўзининг чуқур илдизларига эга, — дейди Оғабек Собиров. — Асрлар оша яшаб келаётган дурдона ашулалар халқимизнинг бебаҳо бойлигига айланган. Уларни ҳамон севиб эшитамиз, ҳар бир оҳанги қатидаги нолалар, дард кўнгил торимизни чертиб ўтади. Бунга илоҳий мўъжиза, Аллоҳ томонидан берилган илҳом меваси деб қарашимиз керак. Биргина «Лазги»ни олайлик. Қанчалар қадимий ва ноёб санъат асари! Ҳеч қачон эскирмайди, ҳар эшитганда юрагинг, қалбинг янгиланади. Ўтган йил охирида ЮНЕСКОнинг номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Хукуматлараро қўмитаси «Лазги»ни инсоният номоддий меросининг Репрезентатив рўйхатига киритгани барчамизни фахрлантирди. Айниқса, санъаткорлар, ижодкорларга чексиз илҳом бағишлади.

Бу билан нима демоқчиман? Санъат йўлига қадам қўяётган ёки санъатнинг ичида юрган инсон ўзбек кўшиқчилигининг бўюклигини теран ҳис қилиши керак. Шундагина қандай залворли масъулиятни елкасига олгани, бунинг учун қанчалаб меҳнат қилиши, изланиши зарурлигини тушунади. Аслида бу устоз тарбияси орқали шаклланади. Ўзим мисолимда айтадиган бўлсам, миллий санъатимизнинг асрий анъаналаридан, улуг ҳофизлар ижро йўлларида кўп нарсалар олганман ва бу сабоқлар ижод жараёнида ҳамиша менга қўл келади.

Санъатнинг ҳақиқий кучи жонли ижрода намоён бўлади

Маълумки, бир ўртада кўшиқчилигимизда фонограмма жуда авж олди. Концертларда ҳам, тўйларда

ҳам шу аҳвол эди. Бу ҳолат ҳозир ҳам учрайди. Эсдан чиқармаслик керакки, ҳақиқий санъат жонли ижро билан тирик. Фонограмма қайсидир ўринларда ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилиши мумкин, лекин хонанда бўлишни ният қилган инсон уни бутунлай унутиши, ҳеч қачон унга суянмаслиги зарур. Биринчи навбатда, ижро маҳоратини ошириш, ижод қилиш ҳақида ўйлаши керак. Бу санъаткор сифатида шаклланишга ёрдам беради.

Ахир, бир пайтлар устозларимиз микрофонсиз куйлашган-ку. Ўз овози билан кўшиқни мухлислар аудиториясига еткази олишган. Ҳатто овоз кучайтиргич воситалар чиққан пайтларда микрофонда кўшиқ айтишни ор билган санъаткорлар ҳам бўлган. 2010 йилда «Халқлар дўстлиги» санъат саройидаги 10 кунлик концерт дастуримиз давомида ҳар куни иккита ашулани овоз кучайтиргичсиз куйладик. Бундан кўзланган мақсад, устозларимизни эслаб, уларнинг руҳи-покларини шод қилиш, шу билан бирга, ёш санъаткорларга ибрат кўрсатишдир. Фонограмма деган нарсалар ҳамма жойини қамраб олган бир пайтда жонли овозда куйлашимизни томошабинлар хурсандчилик билан кутиб олишди. Шундан буён жонли ижрони тарғиб қилишга, халқни асл санъатдан баҳраманд этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Умуман олганда, санъатнинг ҳақиқий кучи, сеҳри жонли ижрода мужассам топади. Қолаверса, санъаткор томошабин олдида бурчли, уни сохта «маҳсулот» билан алдашга ҳаққи йўқ. Санъат, ижод меҳнатсиз рўёбга чиқмайди. Кўшиқларимиз билан халқнинг меҳрини қозониш, уларни санъатнинг сеҳрли оламига ошно этиш, кайфиятини кўтаришни мақсад қилган эканмиз, шу йўлдаги

барча заҳматларга тайёр бўлишимиз керак.

«Лазги»нинг машҳурлиги янада ортади

Санъатимиз дарғалари бошчилик қилган машҳур «Лазги» ашула ва рақс ансамбли бутунги кунда ҳам кўшиқчилигимиз ривожига ҳисса қўлиб келмоқда. Кўп йиллик анъаналарга содиқ ижодий жамоанинг репертуарида Хоразм миллий мақоми, қолаверса, фольклор, халфачилик, бахшичилик йўналишлари, яъна, айтишув, лапар каби жозибатор куй-кўшиқлар асосий ўрин тутди.

2015 йилнинг январидан бошлаб улуг устозлар ишини давом эттириб, улардан ўрганганларимни ёшларга, шоғирдларимга ўргатяпман. Ўтган даврда пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» санъат саройи ҳамда республикамиз бўйлаб ҳисобот концертлари бериб, мухлисларга кўтаринки кайфият улаштишга ҳаракат қилдик. Бундан ташқари, бир қанча хорижий давлатларда бўлиб, ўзбек кўшиқчилиги санъатини намойиш этдик.

Бир пайтлар ранг-баранг дастурлари билан дунёнинг кўплаб мамлакатларини кезиб чиққан ансамбль шон-шухратини янада юксалтириш олий мақсадимиз ҳисобланади. Бу эса репертуарларимизни миллий қадриятларимиз, анъаналаримизга ҳамоҳанг тарзда бойитиш, санъатимизни кенг тарғиб этиш вазифасини зиммамизга юкламоқда.

Шеър ва куйнинг мутаносиблиги — муҳим

Ижодим кўпроқ мумтоз адабиётимиздан куч олади. Ўз навбатида, замонавий шеърларга ҳам мурожаат қиламан. Энг асосийси, куй ва матннинг бир-бирига мутаносиб бўлиши мен учун муҳим.

Масалан, Ошиқ Эркин, Арслон Карим, Мақсудбек Собиров, Эргаш Матқаримов каби ижодкорларнинг шеърларини кўшиқ қилганман.

Шеър юрагини жиз эттирса, демак, яхши кўшиқ яралади. Ахир ўзим таъсирланмаган сўзни тингловчи қалбига қандай етказаман?! Юки бор, чуқур мазмунга эга шеър кўшиққа умрбоқийлик бахш этади.

Куй-кўшиқ — тотувлик белгиси

Халқимиз ўз ҳаётини маҳалла, оила муҳитидан айро тасаввур этолмайди. Оилалардаги тинчлик ва аҳиллик маҳалламиз, юртимиз файзи ҳисобланади. Бахтли кунларимиз оила бағрида ўтади. Бизнинг оиламиз ҳам файзли ўзбек оилаларидан бири. Қувончи лаҳзаларимизни бирга баҳам кўрамиз. Хусусан, 24 июнь — таваллуд кунимда барча яқинларим ёнимда бўлишгани мени беҳад хурсанд қилди. Бу — чинакам бахт.

Умуман олганда, маҳалла ва оилани миллий қадриятларимиз, аҳил ва тотув ҳаёт тарзи барқарор ушлаб туради. Барча муаммоларимиз маҳалла билан бамаслаҳат ҳал бўлади. Маҳалла фаолларининг фидойилиги туфайли кейинги пайтда оилалардаги маънавий муҳит соғломлашаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бу эса санъаткорлар учун аини муддаодир. Чунки уйи тинч, оиласида хотиржамлик бўлган кишининг кўнглигагина кўшиқ сиғади. Халқимиз — санъатсевар. Карантин шароитида ҳам одамларимиз куй-кўшиқдан ўзига овунчоқ излагани бунинг яққол тасдиғидир. Демак, санъат, санъаткорлар халқимизга ҳамиша керак, деган хулосага келиш мумкин.

«Mahalla» мухбири
Тўлқин ШЕРНАЕВ
суҳбатлашди.

Ижодий имтиҳонларни ўтказиш тартиб белгиланди.



ХУШҚОМАТ

бўлиш жуда қийинми?

Африкадаги қашшоқ давлатларнинг эти устухонига ёпишган одамлари, қовурғасини санаш мумкин бўлган болалари тасвирини кўриб қолсак, ачинамиз, бу бечоралар эрта-индин ўлиб қолса керак, деган ўйга ҳам борамиз. Аммо Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда очликдан эмас, семизликдан қийналаётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. ЖССТ тахминларига кўра, агар семизлик шу тезликда ўсишда давом этса, 2025 йилга келиб ер юзида ҳар 10 кишидан бири, 2030 йилга келиб эса сайёрамиз аҳолисининг қарийб 51 фоизи ортиқча вазндан азоб чекади. Бу жуда катта хавф-хатардир.

Ўлим сабаблари рейтингда

Қизғи, айримлар семизликни жиддий муаммо деб ҳисобламайди. Аммо қуйидаги рақамларга эътибор беринг: ўлим сабаблари рейтингда айнан семизлик 5-ўринда туради. Ҳар йили қаида 2,8 миллион киши семизлик ёки ортиқча вазн туфайли ҳаётдан кўз юмади. Шундай экан, семизликдан имкон борица тезроқ қутулишга шошилиш керак.

Бироқ доим ҳам сай-ҳаракатлар муваффақиятли бўлавермаслиги мумкин. Айримлар эса мутахассисга учралиш, нима учун ўзида ортиқча вазн тўпланаётгани сабабини аниқлаш ўрнига қимдандир эшитган ёки аллақайси интернет саҳифаларида номаълум қимсалар томонидан берилган «маслаҳатлар»га амал қилишни афзал билишади. Ўн кун ичида 15 кило вазн ташлаш ҳақидаги рекламаларга ишониб, турли зарарли препаратларни қабул қилишади. Шифокор эндокринолог, диетолог Дилобар Иброҳимованинг таъкидлашича, ортиқча вазн ўз-ўзидан тўпланмайди ва бу организмдаги жиддий ўзгариш-

лардан огоҳлантиради. Шунинг учун озишга аҳд қилганлар айрим маълумотларни билиб қўйишса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Нима учун ҳар доим ҳам 5 маҳал овқатланиш ёрдам бермайди?

— Семизликни келтириб чиқардиган 6 та асосий сабаб қуйидагича: юқори калорияли озиқ-овқатларни, шакарли ва спиртли ичимликларни ортиқча истеъмол қилиш, уйқу бузилиши (кам ёки ортиқча уйқу), узоқ вақт телевизор кўриш ва жисмоний фаолият камлиги, — дейди Дилобар Иброҳимова. — Аксарият диетологлар ортиқча вазндан ҳалос бўлиш учун кунига оз-оздан 5 маҳал овқатланишни тавсия қилишади, аммо ҳузуримизга келадиган беморларнинг кўпчилиги бундай овқатланиш тартиби иш бермаётганидан нолишади. Ҳўш, нима учун?

Аввало, бундай ҳолат инсулин гормони бузилиши (тиббийётда инсулинорезистентность дейилади) билан боғлиқ эканини билиш зарур. Инсулин — организмда ёғ йиғилиши ёки аксинча, сарфланиши ҳолатларини бошқарадиган асо-

сий гормонлардан бири. 5 маҳал овқатланишда, асосан, салатлар, суюқ овқатлар, сабзавотлар истеъмолига қатъий риоя этилса-да, озмаган кишилар ўзларида айрим белгиларни ҳам кўзатишади. Жумладан, тирсаклар, бўйин атрофи, қўлтиқ ости қорайиши, олмасимон семириш, тез-тез қорин очили, оч қолганда титраб қолиш, бўйинда ёки баданнинг бошқа жойларида папилломалар чиқиши, булар — организмда ёғ тўқимаси ҳаддан зиёд қўлайиб кетгани учун инсулин ўз иштини бажара олмаётганидан далолат беради. Инсулин қонда қанча кўп миқдорда бўлса, озиш шунча қийинлашади. Эътиборли жиҳати, агар озмоқчи бўлган инсоннинг қониди инсулин миқдори юқори бўлса, у 5 маҳал эмас, 3 ёки 2 маҳал овқатлангани маъқул. Тез ҳазм бўлувчи углеводлар: шакар, асал, оқ нон, оқ ун, газланган ширин ичимликлар, шарбатлар, шоколад, тортлар истеъмол қилмаслик, аксинча мураккаб углеводли маҳсулотлар (гречиха, кепакли нон ва ҳ.к.) тано-вул қилиш жоиз.

Озишга нима ҳалақит беради?

Ортиқча вазндан қутулолмаётганлар яна шунини билиб олишлари муҳими, аввало, организмда гормонлар етишмаслиги семиришнинг бош сабабидир. Албатта, бу борадаги текширувлардан ўтиб туриш, кун тартибига амал қилиш, ўз вақтида ухлаш шарт. Озиш учун витамин ва минераллар етишмовчилиги ҳам ҳалал беради. Витаминлар қабул қилишда мутахассислардан маслаҳат олиш керак. Ошқо-

зон-ичак тизимидаги ўзгаришлар ҳам вазн муаммосининг ечимига тушов бўлади. Стресс факторлари ва психологик саломатлик барқарорлиги ҳушқомамлиқка етишишда беқиес аҳамиятга эга. Организмнинг умумий заҳарланиши, яъни жигарнинг токсик юкмаси ортиб кетиши ҳам озиш учун бўлган сай-ҳаракатларни йўққа чиқаради. Ана шу омилларга эътибор бермасдан, ушбу муаммолардан қутулмасдан туриб озиш ҳақида ўйлаш мутлақо нотўғридир.

Нима қилиш керак?

Аввало, саломатлик билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва ечимини топиш мақсадга мувофиқдир. Бунда, биринчи навбатда, эндокринологга мурожаат этиш, диетолог, гастроэнтеролог мутахассислар кўригидан ўтиш айтиш мумкин. Ҳеч қачон ўзбошимчилик билан парҳез тутиш, очлик, турли таблеткалар истеъмол қилиш яхши натижаларга олиб келмайди. Макро ва микронутриентлар етишмовчилигини бартараф этиш, психохиссий муаммоларни аниқлаш ҳам ушбу жараёнда муҳимдир. Айтишга, овқатланишдан олдин одамда ҳаяжон бўлмаслиги, бундай ҳолатдан ўзини чиқариб олгани маъқул. Кун режимида амал қилиб, уйқу назорат қилинса киши ортиқча вазндан қутулади. Энг асосийси, оптимал жисмоний юктамаларни бажариш шарт.

Унутмаслик керакки, ҳаракатчанлик — доимо соғломлик ва гўзаллик сари йўлдир.

Ю.ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Сизда қанча ортиқча вазн бор?

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти тана вазни индекси (ТВИ)-ни қуйидагича белгилаб чиққан:

16,5 дан паст — анорексия ёки тананинг озукасиз қолиши;

16,5-18,5 — озғинлик;

18,5-25 — тананинг меъёрадаги вазни;

25-30 — ортиқча вазн;

30-35 — семизликнинг бошланғич босқичи;

35-40 — жиддий тус олган семизлик.

40 дан баланд — касаллик даражасидаги ёки ўтакетган семизлик.

Бу индекс қандай ҳисобланади?

Индекс ТВИ= Вазн/Бўйнинг квадрати формуласи асосида иш-лайди.

Мисол учун, сизнинг вазнингиз 80 кг. ва бўйингиз 1 метру 75 см. бўлса, дастлаб $1,75$ нинг квадрати чиқариб олсиз: $1,75 \times 1,75 = 3,0625$.

Кейин 80 ни ўша натижага бўласиз: $80/3,0625=26,12$.

Демак, сизнинг ТВИнгиз $26,12$. Бу эса сизда ортиқча вазн борлигидан далолатдир.

Келаси ҳафтадан Ўзбекистонда аҳолида антитаначаларни аниқлаш учун тест олиниши режалаштирилмоқда.



“Ез фаслида кўпчилида нафас қисиш билан боғлиқ муаммолар учрайди. Бунга ҳавонинг ўта иссиқлигидан, дея башорат қиладиганлар ҳам йўқ эмас. Кўпинча кекса кишиларда бу ҳолат кўпроқ кузатилади. Аммо нафас қисиши кексалик ёки ёшлик билан боғлиқ эмас. Ҳўш, нафас қисиши қандай касалликларнинг аломати ҳисобланади?”

НАФАС ҚИСИШИ

қандай касалликлар аломати?

Қандай ҳолатларда кузатилади?

— Нафас қисишини келтириб чиқарувчи бир қанча омиллар мавжуд, улар физиологик ва патологик турларга бўлинади. Физиологик нафас қисиши жисмоний ҳаракатдан келиб чиқиб, организмнинг кислород эҳтиёжи ошиши натижасида пайдо бўлади. Физиологик нафас қисиши йиғирма дақиқадан сўнг ўтиб кетса, организм учун ҳеч қандай ҳавф туғдирмайди. Аммо иккинчи қаватта юриб чиққанингиздан сўнг ҳам узок вақт нафасингиз қиса бошласа, демак, танангизнинг жисмоний ҳолати ҳавас қилгудек эмас. У қандайдир касаллик белгиси бўлади. Нафас қисишии объектив бўлиши ҳам мумкин. Киши доимо нафас қисилишдан азият чекса, у бу ҳолатга кўникиб, бора-бора сезмайдиган бўлиб қолади. Бунда бемор тағлашганда, юрганда ва ҳаракатланганда оғир нафас олади. Агар нафас қисиши турли касалликлар оқибатида юзага келса, патологик нафас қисиши дейилади.

Нафас қисиши айрим касаллик белгилари сифатида юз бериши мумкин. Аксарият ҳолларда асаб, нафас олиш, юрак-қон томир тизими ва бошқа аъзолар касалликларидан учрайди. Марказий нафас қисиши нафаснинг идора қилиниши бузилганда ёки бош миёдаги нафас маркази захарланганда, организм, масалан, тинчлантирувчи дорилар ёки наркотик моддалар билан захарланганда, бош миё жароҳатларида, бош миёга қон қуюлишида содир бўлади.

Шунингдек, нафас қисиши ўпка қафаси шикастланганда, нафас олиш тизими аъзолари зарарланган (ўпка зотилияси, ўпка туберкулез, бронхит, астма, ўпка эмфиземаси, сурункали бронхит, глевра варақлари касалликлари ва бошқаларда) кузатилади.

Нафас аъзолари касалликлари туфайли келиб чиқадиган нафас қисиши инспиратор ва экспиратор турларга бўлинади. Инспиратор

нафас қисишида бронхлардаги шиллик, балғам ёки ўпкадаги ўсма сабабли нафас олиш қийинлашади. Экспиратор турдаги нафас қисишида бронхлар мускулатураси спазми туфайли нафас чиқариш қийинлашади. Одатда бўғилиб қолишгача олиб келадиган нафас қисиши бронхит, астма ва юрак астмаида кузатилади. Ўпка тўқимасидаги катта ҳажмдаги зарарланишларда бўладиган нафас қисиши, ҳатто, озгина жисмоний ҳаракат қилганда ҳам кучаяди.

Дақиқасига қанча нафас?

Бемордаги нафас қисиши қайси турга киришини аниқлаш учун ташиқ нафас функцияси текширувдан ўтказилади. Оғир ҳолатларда эса бронхоскопия текшируви ўтказилади. Бир дақиқада 16-20 марта нафас олиб-чиқариш соғлом одам учун норма ҳисобланади. Беморнинг иситмаси кўтарилганда ёки киши қаттиқ асабийлашганда дақиқасига 60-80 марта нафас олиши мумкин. Агар нафас олиш дақиқасига 16 мартадан кам бўлса, бемор қандли диабет комасига тушганини ёки бош миё шикастланганидан далолат беради.

Қандай нафас олаётганингизга эътиборли бўлинг!

Юрак-қон томир тизимига боғлиқ бўлган ҳансираш юрак етишмовчилигида рўй беради, бунда тери кўкариб кетиши, оёқ-қўллар совқотиши кузатилиши мумкин. Жисмоний юклама қамайганда бундай нафас қисиши кескин қамаяди.

Юрак етишмовчилиги туфайли нафас қисиши одам паст ётишда ётганида бошлангич, бош ва танани бироз кўтарганда ўтиб кетади. Кескин пайдо бўлиб, бўғилишга айланиб кетадиган нафас қисиши юрак астмаи учун хос белги. Одатда бундай хуруж кечаси безовта қиладиган, беморнинг ранги оқаради, баданини муздек тер босади, қон



ДАРВОҚЕ...

Кишида ортиқча вазн тўпланса, қалин ёғ қава-ти ўпка ва юракни ўраб олиб, меъёрий нафас олишга ҳалақит беради. Бундан ташқари, ортиқча вазнга эга одамларнинг юраги ҳам зўриқиш билан ишлайди. Натижада керак бўлган муҳим аъзоларга меъёридан камроқ бўлган кислород етиб боради.

Мунтазам равишда очик ҳавода жисмоний машқлар билан шугулланиш билан киши ўзини анча енгил ҳис этади. Бундай машқлар нафас ритми ва юрак урилиш тезлашишига олиб келиб, нафас олиш ҳамда юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди. Ҳар куни камида ярим соатдан мунтазам равишда тез-тез қадам ташлаб пиёда сайр қилиш ҳам яхши натижа беради. Шунингдек, зинапоядан 3-4 қаватларга пиёда тушиб-чиқиш ҳам фойда беради.

Қандай куралиш мумкин?

Нафас қисиши кўп ҳолларда киши жисмоний ҳаракатга тайёр эмаслигидан келиб чиқади. Уззу-кун компьютердан фойдаланиш, офис ёки дим хонада кун бўйи ўтириб ишлаш вақт ўтган сайин нафас қисилишига олиб келади. Шу сабаб бир жойда ўтириб ишлайдиганларга тез-тез енгил жисмоний машқлар қилиш тавсия этилади.

Ёш болали оилалар кўп жисмоний ҳаракат қилгани сабаб ҳам бу даража уларда кам кузатилади. Яъни ёш ота-оналар бола йиқилмаслиги, қалтис ҳаракатлар қилмаслиги учун доим хушёр туришади ва боланинг ортидан тинмай ҳаракат қилгани сабаб ҳам жисмонан чинқишади. Йиллар ўтиши билан эса киши кам ҳаракат қилиб, унинг юрак фаолияти сустлашиб боради, ҳатто учинчи қаватта пиёда кўтарилиш ҳам киши учун муаммо бўлиб, нафаси қисилиб қолади. Нафас қисиши авж олганда беморнинг кўкрагини қисиб турган қийимини ечиш, нафас олишини енгиллатиш учун ўрнига ўтказиб қўйиш, у ётган хона деразасини очиб, зудлик билан тез ёрдам чақириб керак.

Нафас қисишини умумий амалиёт шифокори ва пульмонолог кўригидан ўтиш ва нафас йўллари касаллигини даволаш орқали бар-тараф этиш мумкин.

Саида НУРИТДИНОВА,
олий тоифали
шифокор-терапевт.

Ўзбекистонда хусусий тиббиёт муассасаларига коронавирус тести ўтказишга рухсат берилди.

ИНСОН

аъзоларини

трансплантация қилиш (кўчириш) амалиёти жоизми?

Замонавий тиббиётда инсон тана аъзоларини бошқа беморга кўчириб ўтказиш орқали даволаш амалиёти кенг ривожланган. Кўпчилик дардмандлар бу усул ёрдамида шифо топишаётгани, ҳаётий қобилиятини тиклашаётгани сир эмас. Аммо мўмин-мусулмонларда савол туғиладики, Аллоҳ таоло ҳар биримизни ўзига хос кўринишда ва ҳолатда яратган экан, бир одамнинг танасига бошқа бировнинг аъзосини жойлаштириш, яъни инсоннинг жисмига ўзгартириш киритиш Яратувчи зотнинг иродасига қарши бориш бўлиб қолмайдими?


Эки ўз органини беморга бераётган киши вужудидаги мукаммалликка путур етказиш ҳисобланмайдими? Албатта, ислом олами уламолари томонидан бу масала атрофлича қўриб чиқилиб, унга оид батафсил шаръий ҳукмлар чиқарилган.

Тана аъзоларимиз Аллоҳнинг мулки ҳисобланади

Аллоҳ таоло инсонга барча жонзотлардан кўра улуғлик, мукаррамлик даражасини берган. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

«Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик» («Исро» сураси, 70-оят).

Ушбу оят мазмуни шундан далolat беради: инсон ва унинг аъзолари мукаррам, ҳатто вафот этган кишининг ҳукми ҳам шундайлигича қолади, яъни вафот этган кишининг жасадини хўрлаш ёки бирор аъзосини кесиб олиш катта гуноҳ саналади. Бу ерда гап инсон аъзолари савдо моли ҳисобланмаслиги ва шунинг учун уни сотиш жоиз эмаслиги ҳақида кетмоқда. Ҳақиқатан, тана аъзоларимиз бизнинг мулкимиз эмас, улар Аллоҳга тегишлидир. Шу боис уларни сотишга шаръан рухсат берил-



майди, эваз ҳам олинмайди. Ўз навбатида, инсоннинг аъзолари ворисларига ҳам мулк эмас, улар ҳам майитнинг аъзоларини сота олмайдилар. Қолаверса, одам аъзоларини сотиш унинг ҳурмати, мукаррамлигига зид келади.

Шариатимиздаги яна бир асл қоида: мусулмон киши хоҳ тирик, хоҳ ўлик бўлсин, унга жароҳат ёки кесиш билан озор бериш ҳаром ҳисобланади. Баъзан ички аъзоларини пуллаш мақсадида одамларнинг, хусусан, болаларнинг ўғирланиши ҳақида эшитиб қоламиз. Мазкур ҳолат бир қанча гуноҳларга далolat бўлади. Бу ерда одамнинг жонига қасд қилиш бор. Қуръони каримда бир одамни ноҳақ ўлдириш барча одамларни ўлдиришга баробарлиги айтилган. Бунинг устига, шариатимизда мол (товар) деб ҳисобланмаган нарсаси (одам аъзолари)ни сотиш – ҳаром пул топишдир. Бу разил қилимиш учун Аллоҳнинг улкан жазоси борлигини айтиб ўтиш жоиз.

Ўзганинг ҳаёти учун жуда катта манфаат бўлса жоиз

Уламолар «инсонга манфаат бериш ва ундан зарарни даф қилиш» шаръий қоидасини асос қилиб олган ҳолда инсон аъзоларини трансплантация қилиш (кўчириш) амалиётини жоиз деб топишган. Фақат шартли шуки, амалиёт жараёнида бошқа бир инсонни ҳалокатга дучор қилмаслик зарур.

Таъкидлаш жоизки, бу ўринда

соғлом киши бошқанинг ҳаёти учун жуда катта манфаат борлиги сабаб, ўз аъзоларини олиб, муҳтожга қўйишга рухсат бериши мумкин. Айнан бу нарсаси инсоннинг аъзолари мукаррам эканини сақлаш тушунчасига зид эмас.

Аъзони кўчириш амалиёти учун икки тараф мувофиқ келган бўлиши ва тегишли шартлар бажарилиши талаб этилади. Биринчидан, бирор аъзосини ҳадя қилувчи одамнинг аъзоси олинганда унинг ҳаёти хавф остида қолмаслиги лозим. Иккинчидан эса, ўз аъзосини ҳадя қилувчи одам ихтиёрий равишда бўлиши, ҳеч ким томонидан мажбур қилинмаслиги лозим. Кейинги шарт — аъзонинг кўчирилишига сабаб ҳақиқатан ҳам, муҳтож бўлган беморнинг касаллиги тиббиёт жиҳатидан фақат шу йўл билангина тузатилиши мумкин, деган хулосага келинган бўлишидир. Охириги, аъзоси олинаётган ва янги аъзо қўйилаётган икки тараф учун ҳам жарроҳлик амалиёти муваффақиятли тарзда ўтиши ва қутилган натижага эришилиши тажрибаларда кузатишган ва унга ишонч ҳосил қилинган бўлиши зарур.

Шаън, обрў ва ҳаётга салбий таъсир кўрсатмаслиги керак

Эсдан чиқармаслик кераки, шариатда кўчириш мумкин бўлмаган аъзолар ҳам кўрсатиб ўтилган. Улар қуйидагилар:

– бир инсоннинг насли



Муҳаммадйусуф домла
ТУРАҚУЛОВ,
Андижон вилояти Олтинқул
тумани бош имом-хатиби.

бошқасига ўтишига сабаб бўладиган ирсий аъзолар, шу сифатларни ташувчи ва ҳомилага сабаб бўлувчи аъзолар;

– инсоннинг яшашига бевосита боғлиқ бўлган юрак каби аъзолар;
– инсоннинг тўқис яшашига билвосита боғлиқ бўлган кўз қорачиги каби аъзо.


Умумий айтганда, инсон шаъни, обрўси ва ҳаётга салбий таъсир кўрсатадиган тиббий амалиётларнинг барчаси шаръан таъқиқланади.

Азиз ва мукаррамлигимизга далolat

Ислом Конференцияси Ташкилоти ҳузуридаги Ислом Фикҳи Академияси қарорига кўра, шунингдек, ўлган одамнинг бирор аъзосини шу аъзога муҳтож беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун тиббий амалиёт билан кўчириб ўтказиш жоиз, ҳатто авлодир. Фақат аъзоси олинувчи майит бунга тирикчилигида рухсат берган бўлиши шарт.

Бундан ташқари, тирик инсон организмнинг бирор қисмини ўзининг бошқа бир жойига кўчириб олиб ўтказиш зарурат юзасидан жоиз ҳисобланади. Масалан, териси, суягидан олиб, бошқа жойига улаш, ямаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, муқаддас ислом динимизда инсон аъзоларини бошқа танага кўчириш масаласи ўзига хос ва адолатли тарзда ҳал қилинган. Бунда киши учун фақат фойдали жиҳатлар инобатга олинган. Энг муҳим нуқта — аъзо кўчирилганда ҳам сотилмайди, балки табарруъ (эҳсон) қилинади. Шу ўринда Аллоҳ наздида инсоннинг азиз ва мукаррам саналишига, жумладан, тана аъзоларимиз ҳам бебаҳо қадрга эгаллигига яна бир бор имон келтиришимиз мумкин.



АҚШ: ТРАМПнинг биринчи юриши

АҚШда президентлик сайлови яқинлашар экан, мамлакат бошига келган савдолар сиёсатчиларни анча саросимага солиб қўйгандек. Даставвал коронавирус пандемияси, кейин ирқчилик асосидаги тартибсизликлар, Хитой билан савдо урушлари, ташқи сиёсатдаги нозик муаммолар Дональд Трамп курсисини қимирлатиб юборди.

20 июнь куни Оклахома штатининг Тулса шаҳрида президент Дональд Трамп пандемия бошланганидан бери биринчи марта сайлов йиғини ўтказгани ҳам шундан далолат. Аммо ноябрдаги президентлик сайловлари олдида тарафдорларини илҳомлантиришга, уларнинг сиёсий кучини кўрсатишга қаратилган тадбирга қутилганидан камроқ одам борди. Трамп қарийб бир миллион киши чипта сотиб олганини таъкидлаган эди. Шу туфайли президентнинг 19 минг кишилик аренага кира олмаганлар олдида алоҳида сузлаш режаси ҳам бекор қилинди.

Трамп нималар деб мақтанди?

Оклахома – коронавирус кўрсаткичлари ошиб бораётган консерватив штатлардан бири. Бу ерда вирусга чалинганлар 10 мингдан кўп. Трамп тарафдорларини «жангчилар» дея атаб, 1 соату 40 дақиқа давом этган нутқида таниш мавзуларни тилга олди: судьяларни лавозимга тайинлаш, паст солиқлар, гуркираётган акция бозори, Мексика билан чегарада девор қуриш ҳамда харбий бюджетни ошириш. Коронавирус ҳақида гап кетганда, АҚШ раҳбари юқори кўрсаткичларни касалик тестлари кўп ўтказилаётгани билан изохлади. Америкада ҳозирда 2,3 миллион одам вирусни юқтирган, ундан ўлганлар сони 125 мингдан ошди. Консерватив штатда Трампни қўриш ва тинглаш учун йиғинга борган одамлардан, агар улар коронавирусга чалинса, Трамп кампаниясини айбламаслик тўғрисида тилхат ёзиб олинган. Нутқида, асосан, ички сиёсатга тўхталган Трамп, шунингдек, «Испомий давлат» террорчилик гуруҳи етакчиси Абу Бакр ал-Бағдодий ва Эроннинг «Қудс» махсус кучлари кўмондони Қосим Сулеймонийнинг ўлдирилиши борасида мақтанди. Коронавирус тарқалишида Хитойни айблади. Президентликка демократ номзод Жо Байденни «Хитойнинг кўғирчоғи» дея танқид қилди. Ирқчиликка қарши намойишлар ва қўлчиллики химоя қилган арбоблар шарафига қўйилган ҳайкалларнинг олиб ташланишини қоралади.

Трамп кампанияси кулаб тушмоқдами?

Оклахомадаги йиғин АҚШда пандемия бошланганидан буён ёпиқ жойда ўтказилган илк йирик тадбир бўлди. Иштирокчилар сони камлиги боис президент ва вице-президентнинг аренадан ташқарида тарафдорлар билан учрашуви бекор қилинди. «Трамппнинг таваккал қилиб, оқ миллатчилар ва ирқий кўркүвга таянган ҳолда олиб бораётган кампанияси ниҳоят ерга кулаб тушмоқда. Ҳатто унинг ашаддий тарафдорлари ҳам Трамппнинг руҳини кўтариш учунгина ташкиллаштирилган COVID-19 ўлим хонасига киришни истамайдилар», — дейди «Рангли демократия» ташкилоти раҳбари Стив Филипс. Трамп кампанияси эса намойишчиларни ва матбуотни айбламोқда. Тадбирни кузатган журналистлар эса намойишчилар одамларнинг ўйлини тўгани ҳақидаги хабарларни рад этмоқда. Иштирок сустигида COVID-19 роль ўйнагани шубҳасиз. Бироқ Трамп илгари ғолиб бўлган штатда битта аренани тўлдиролмас, бошқа штатларда қандай натижа кўрсатиши савол остида.

Трамп яна президент бўла оладими?

Агар иқтисодиётда ютуққа эришилса, у ҳолда президент қайта сайланишга умид қилса бўлади. Чунки Америка халқини ташқи сиёсат эмас, иқтисодиётнинг аҳоли қизиқтиради. Туғри, коронавирус пандемияси тарқалганича Трамп раҳбарлигида мамлакат «қайта оёққа турди». Иш ўринлари сони ошди, маошлар кўтарилди, қашшоқлик озайди, жинойтчилик қамайди. Ўтган уч йилда 7 миллион иш ўрни очилган. Американинг четга чиқиб кетган тадбиркорлари ватанга қайта бошлади. Олдин ёпилган кўмир ва бошқа анъанавий ёнилғи турларини ишлаб чиқарувчи иншоотлар қайта очилди. Мамлакат энергетик жиҳатдан энди мустақил. Айтиш жоизки, президент Трамп даврида мамлакатда 12 минг янги фабрика ва завод очилди. Коронавирусга шисизлик ўтган ярим асрдан бери энг паст нуктада, 3-4 фоиз орасида эди (ҳозир 15-20 фоиз атрофида). Америка йирик ҳамкорлари билан янги

савдо битимлари имзоламоқда ёки бунинг учун ҳаракат қилмоқда эди. Хусусан Канада ва Мексика билан бутун тижорат бошқача, «адолатли». Трамп меҳнаткашларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш, соғлиқни сақлашдан тортиб, таълимга, янги имкониятлар яратиш билан давлат ҳар бир хонадоннинг ҳаётини оsonлаштириш ҳаракатида эди.

Иммиграция тизими ислохоти давом этади

Президентнинг таъкидлашича, ҳукумат ноқонуний муҳожирлар бирор шаҳар ёки қишлоқни эгаллаб олишига йўл қўймайди, яъни ҳужжатсиз иммигрантлар катта сонларда бир жойга тўпланиб олишига тоқат йўқ. Америка сарҳадига чегарани бўзиб кирганлар жазоланади ёки чиқариб юборилади. «Ҳужжатсизмисиз, бу мамлакатда сизга жой йўқ», дея эслатди Трамп. Ҳар бир инсоннинг ўз ўли, ўз муаммоси бор, масала инди-видуал тарзда қўриб чиқишли, АҚШ ҳукумати инсонпарварлик меъёрларидан четга чиқмаслиги керак, деган танқидларга Трамппнинг жавоби шуки, ҳукумат бу борада қатъий бўлмас, 12 миллионга яқин ноқонуний муҳожирлар сони ошаверади. Мексика билан чегарада баланд ва қучли девор қуриломоқда. Келгиндиларга Америкада бошлана ҳам, тиббий ёрдам ҳам йўқ, дейди президент. Солиқ тўловчининг пули мамлакат қонунларига ҳилоф равишда юрганларга сарфланмайди. Трамп бир нарсани тан олади: у бошқараётган давлат дунёнинг барча қисмларида ўз манфаатларига эга ва Вашингтон уларни химоя қилиши шарт. Давлат хавфсизлигини таъминлаш АҚШ ҳукуматини кўп ҳолларда қайноқ нуқталардаги можароларга бош суқишга мажбур қилади. Америка дунё тинчлиги учун ўз хиссасини қўлишда давом этади, бунда асосий мақсад — АҚШ фойдаси учун ишлаш.

Америкаликлар нима дейди?

Gallup тадқиқот хизматининг 4 июнь куни эълон қилинган ўрганишлари натижалари Оқ уй учун сюрприз бўлди. Социологларнинг фикрича, бир ой ичида президентнинг рейтингини 10 пунктга қулаган — бутунги кунда унинг фаолиятини америкаликларнинг 39 фоизигина

маъқулламоқда. Бундай натижага Оқ уй раҳбарининг коронавирус эпидемияси вақтидаги ҳаракатлари ва мамлакатдаги иқтисодий аҳвол сабаб бўлмоқда. Икки кун ўтиб Reuters нашрида эълон қилинган тадқиқот натижаларига кўра, Трамппнинг оммавий намойишлар вақтидаги қарорларини аҳолининг 33 фоизигина қўллаши маълум бўлди. Сўралганларнинг 57 фоизи уни адекват эмас деб ҳисоблашмоқда.

Эпидемиологик хизматни тарқатиб юборганди

Икки ой давомида Трамп вирус иссиқ кунлар бошланиши билан йўқ бўлиб кетиши ҳақида такрорлаб, эпидемияни «демократлар фитнаси» ҳамда хитойликлар диверсияси деб атади. Муҳолифатчилар аввалги президент Барак Обама томонидан шу каби ҳалокатли вазиятлар учун тузилган эпидемиологик хизматни Трамп 2018 йилда тарқатиб юборганини эслаб қолишди, аммо Оқ уй раҳбари ҳар қандай эътирозларни қатъиян рад этди. Ҳатто АҚШда ўлимлар сони 100 мингдан ошганида ҳам эътиборини бу масалага қаратишни истамади, халққа мурожаат билан чиқмади. Унинг можароли баёнотлари, хусусан, беморларни қуёш нури ва хлорлар билан даволаш ҳақидаги таклифидан кейин Оқ уйда коронавирус мавзусида кунлик брифинглар ўтказиш тўхтатилди. Бу вақтда президентнинг рейтингини узлуксиз равишда пасайиб борди, ўз навбатида, унинг сайловдаги рақиби Жо Байденни қўллаб-қувватловчилар сони муттасил ошмоқда. Май охиридаёқ барча социологик хизматлар Демократик партия номзоди Трамппни қарийб ўн пунктга орта қолдираётганини кўрсатаётганди. CNN ўтказган сўнги тадқиқотга кўра эса орадаги фарқ 14 пунктга етган. Миннеаполисдаги фожиа Дональд Трамппга яна бир имкон тақдим этгандек эди. Афсуски, президент бу намойишлар чоғида бир-бирига зид баёнотлари билан рейтингини тушириб юборди. Лекин АҚШ сайловдаги компанияси ўзининг қизғин босқичларига кириб бормоқда.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Тест синовлари ўзбек, рус, қорақалпоқ ва тожик тилларида ўтказилади.

СПОРТ СЕКЦИЯЛАРИ фаолиятига рухсат берилдими?

Бугунги кунда дунёдаги эпидемик вазият спорт соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Режалаштирилган барча мусобақалар орқага сурилди. Бу эса ўз-ўзидан спортчиларнинг руҳий ҳолатига таъсир ўтказмай қолмайди. Аммо аста-секинлик билан юртимизда спорт секцияларининг фаолиятига рухсат берилмоқда. Ҳўш, бундан кейин спорт машғулотлари қачон ва қай тартибда олиб борилади? Шу хусусда мутахассисларга юзландик.

«Яшил» ҳудудда ҳам мажбуриятлар бор

— Республика махсус комиссиясининг 29 майдаги қарорига асосан, 1 июндан «яшил» ҳудудларда спорт секциялари, тўғарақлар, спорт заллар ва фитнес клублар фаолиятига рухсат берилди, — дейди Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Отабек Эшматов. — Бироқ «яшил» ҳудудларда спорт секциялари фаолиятига рухсат берилгани ҳамма ўзи истаганидек шуғулланиши мумкин дегани эмас. Бунинг учун айрим мажбуриятлари бажариш талаб этилади. Акс ҳолда машғулот ўтказиш тақиқланади. Айни пайтда спорт турларидан 42 та таси, яъни, асосан, яққалик спорт турлари билан машғулотлар олиб боришга рухсат берилган. Жамоавий спорт турларида машғулот олиб боришда муҳим тартибларга риоя этиш керак. Мисол учун, сунъий қопламали футбол майдонларида спорт машғулотларини олиб боришда аввало, ҳудуддаги санитария-эпидемиология осойишталик маркази, маҳаллий ҳокимият ҳамда ички ишлар бўлими билан келишиши, машғулотлар ўтадиган майдонни тўлиқ дезинфекция қилиб чиқиши, майдонга қиришда дезинфекцион «тўшаклар» ташкил қилиши, спортчиларнинг тана ҳароратини ўлчаш учун пирометр бўлиши, агар у бўлмаганда ҳароратни ўлчаш учун термометр, қолаверса, антисептик воситалар билан таъминланган бўлиши лозим. Ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда бундай майдонларда машғулот ўтказиш тақиқланади.

Қачон бекор қилиниши мумкин?

Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги томонидан тасдиқланган вақтинчалик санитария қоида ва меъёрларига мувофиқ, 10 июндан бошлаб ҳудудларда индивидуал шуғулланиш учун тренажёр заллари, бассейнлар, спорт секциялари, тўғарақлар, спорт заллари ва фитнес клублар, шунингдек, Республика олий спорт маҳорати мактаблари, спорт турлари бўйича Республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати, олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ҳамда футбол маҳорат мактаблари фаолиятига рухсат берилган.

Бунда спорт муассасаси раҳбарлари ҳамда шифокорлари спорт турлари бўйича машғулотлар ва ўқув-машғулот йиғинларининг санитария қоида ва меъёрлари асосида ташкил этилишини назорат қилади. Шунингдек, спорт муассасалари дезинфектор курилмалар билан жиҳозланган бўлиши, изолатор хонаси тиббий ёрдам воситалари, кушетка, стол-стул билан, биноларга кириш-чиқиш жойлари дезинфекцион «тўшаклар», антисептик ҳамда дезинфекция воситалари билан таъминланиши лозим.

— Вазирлиқнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман бўлимлари раҳбарлари карантин даврида спорт машғулотлари ва ўқув-машғулот йиғинларини ҳудудларда ўтказиш бўйича маҳаллий ҳокимликлар, ҳудудий соғлиқни сақлаш



ва ички ишлар бўлимлари билан келишиши керак, — дейди Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигидаги Ҳудудларни спортга ихтисослаштириш ва ўйин спорт турларини ривожлантириш бошқармаси мутахассиси Акбар Ўразбоев. — Маҳаллаларга бириктирилган мураббийлар томонидан режа асосида ижтимоий масофа сақланган ҳолда аҳоли иштирокида бадантарбия машғулотларини ўтказиш, спорт тадбирлари ва бадантарбия машғулотлари давомида маҳаллий аҳолининг бир жойда тўғланишининг олдини олиш, спорт тадбирлари ва бадантарбия машғулотларининг фаол иштирокчилари ҳамда голиб ва совриндорларини рағбатлантириб бориш зарур. Агар спорт тадбирлари ўтказилиши белгиланган маскан «қизил» ҳудудга киритилса, у ерда дарҳол спорт тадбирлари, бадантарбия машғулотлари, машғулотлар ва ўқув-машғулот йиғинлари бекор қилинади.

Хорижда қандай?

Халқаро олимпия кўмитаси томонидан амалга оширилган текширишлар руҳий саломатлик ва спортда ўсишни бошқариш, шунингдек, овқатланиш ва парҳез COVID-19 пандемияси пайтида спортчилар дуч келаётган энг жиддий муаммолар эканлигини кўрсатди. 135 мамлакатнинг 4000 спортчиси ва уларга ҳамроҳлик қиладиган шахслар ўрганиб чиқилди. Олинган натижаларга кўра, руҳий саломатлик — спортда ўсишни бошқариш (32 фоиз) ва овқатланиш

ҳамда парҳез (30 фоиз) каби муаммолар кўрсатилди. Спорт объектига кира олмаслик ва режа бўйича белгиланган машқуларни ўтказолмаслик, шунингдек, спортчилар ҳамжамиятидан ихоталаниш руҳий саломатлиқни сақлаб туриш учун курашишни талаб этди. Сўровда иштирок этганларнинг 63 фоизи ҳам ўз спортчиларини кўлаб-қувватлаб туриш қийин кечаётганлигини билдиришган.

Ўз-ўзини чегаралаш пайтида ижобий руҳда бўлиш тўғрисидаги қўшимча манбалар спортчиларга COVID-19 пандемияси кучайиши бошида «Athlete365» платформа-сида тақдим этилган эди. Бундан ташқари, ХОҚ ҳозирги нотинч шароитда спортчиларни кўлаб-қувватлаш ва руҳлантириш мақсадида вебинарлар туркумини ўтказишни бошлади.

Тиббий кўрик доим керак

Шу пайтгача барча спортчилар уй шароитида машғулотларни ўтказишди. Секин-аста карантин талаблари юмшатила бошланди, футбол бўйича миллий чемпионат баҳсларининг муҳлисарсиз давом этишига рухсат берилди. Шу боис спортчиларнинг айни пайтдаги саломатлигини назорат қилиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Айни шу мақсадда Миллий олимпия кўмитаси қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида тасдиқланган график асосида турли спорт турлари бўйича терма жамоалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтишмоқда. Текширув жараёнида улардан COVID-19 учун, шунингдек, мобил лаборатория таҳлиллари ҳам олинмоқда. Таъкидлаш жоиз, текширувгача бинода барча хавфсизлик чоралари қўрилиб, иш жараёнида белгиланган санитар-эпидемиологик тартиб-қоидаларга қатъий амал қилинмоқда.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



Жорий йил аниқ соҳалар учун махсус мўлжалланган машиналар сотиб олиш учун 755,4 млн. доллар сарфланган.

Ўтган 2019 йилнинг декабрь ойида Киевдаги «Ярослав Вал» нашриётида келиб чиқиши озарбайжонлик бўлган украин ёзувчиси Григорий Гусейновнинг «Шарқдан эсган шамол» номи китоби нашр этилди. Биз учун муҳим томони, китобда сўнгги Хива хони Саид Абдуллахон ва унинг оиласининг Украинадаги ҳаёти тўғрисида қимматли маълумотлар тақдим этилган. Зеро, ушбу оила 1920 йилда Москвага олиб кетилганидан кейинги тақдири ҳақида ишончли маълумот шу пайтгача йўқ эди.

Абдурасул Мадиевров ким?

Григорий Гусейновнинг сўзларига кўра, ўтган асрнинг 80-йилларида у Хива хони Саид Абдуллахоннинг жияни — Украинанинг Кривой Рог шаҳрида яшаган Абдурасул Мадиевров билан тасодифан учрашган. «Уч йил давомида Абдурасул билан тез-тез учрашиб турдик, ундан кўп сўрар эдим. У яхши хотира ва ўткир ақлга эга паст бўйли кекса одам эди, қизиқарли ҳикоячи эди», дейди ёзувчи. Абдурасул Мадиевров 91 йил умр кўрган, умрининг охиригача отбоқар бўлиб ишлаган. Ўз кучи билан кичикроқ уй қурган. Уруш пайтида немислар уни ва катта қизини Германияга ишлаш учун олиб кетишган. Урушдан сўнг қайтиб келиб, конда ишлашни давом эттирган.

Роппа-роса юз йил олдин...

Хоразм хонлигининг пойтахти Хивада XVIII асрдан бошлаб, ўзбекларнинг Кўнғирот сулоласи ҳукмронлик қилган. XIX аср охирида Хоразм Россия империяси протекторатлиги остига тушади ва Хива хонлиги деб номланади. Россия империяси қулаганидан сўнг мустақил Хоразмни қайта тиклашга уринишлар бошланади. Хоразмнинг сўнгги ҳукмдори Саид Абдуллахон ҳарбий ўттиришдан кейин тахтга ўтирди, лекин ҳақиқий ҳокимиятга эга эмаслиги учун узоқ вақт ҳукмронлик қилмади. Чунки бошқарув вазир Жунайхон бошчилигидаги ҳарбийлар қўлида бўлган. Эҳтимол, кейинчалик айнан шу жиҳат Саид Абдуллахоннинг ҳаётини сақлаб қолгандир.

1919 йилнинг кузида Москвада советлар ҳукумати томонидан Хива хонини ағдариш ҳақида қарор қабул қилинган ва Хоразмга Кизил армия қисмлари юборилган. 1920 йил январь ойида Жунайхон лашкарлари советлар томонидан

Хиванинг сўнгги хони САИД АБДУЛЛАХОН тақдири қандай якун топган?

яксон қилинади. Унинг ўзи Афғонистонга қочиб жетади. Хива хони Саид Абдуллахон ва унинг оиласи Бутунроссия фавқуллоҳда комиссияси (Всероссийская чрезвычайная комиссия — ВЧК) томонидан ҳибсга олинади. 2 февраль куни совет ҳукумати босими остида у расман тахтдан воз кечган.

Хон ва унинг оиласи устидан қисқа суд жараёни 1920 йил ёзида бўлиб ўтади. Ҳукмга кўра, Саид Абдуллахон ва унинг тахтига ворислик қилиш ҳуқуқига эга бўлган эркак қариндошлари Хоразм Халқ Совет Республикасидан бадарға қилинади. Барча мол-мулки — пуллари, қимматбаҳо буюмлари, уйлари, ерлари мусодара қилинади. Саид Абдуллахон билан унинг уч ўғли (кенжа Саид Абдулла, Раҳматулла, Ёқуб Юсуф), акиси Мухаммадёр ва 4 жияни (Абдурасул, Мадёр, Носир, Ибодулла) ҳам сургун қилинганлар.

Хон қандай ўлим топган?

Хон ва қариндошларининг кейинги ҳаёти ҳақидаги тарихий маълумотлар жуда кам. «Шарқдан эсган шамол» китоби муаллифи маълумотида кўра, бадарға қилинганлар дастлаб Хивадан Тошкентга келтирилади. Кейин Россиянинг Самара шаҳрига, у ердан Москва областидаги тутқунлар лагерига ўтказилишади. 1922 йил 12 февралда Саид Абдуллахон ва унинг қариндошлари қутилмагандан озод қилинади. Улар Украинанинг Днепрпетровск вилоятидаги Верховцево қишлоғидан кўним топишади. Маҳаллий совхозда ишлаб, отбоқарлик қилишади. 1924 йили Абдурасул Мадиевров милиция мактабига ўқишга киради. Қолганлар эса Кривой Рог шаҳридаги темир рудаси конига жўнатилади. Қўлида на бир хунари бор ва на маҳаллий тилни билган хивалиқлар энг оддий ишларга қўйилади. Хусусан, Саид Абдуллахон шахтага қоровул бўлиб ишга киради, қолганлар отбоқарлик қилишади.

1925 йили Хоразмдан собиқ хон оиласининг қолган аъзолари қашлоқликда, тиланчилик қилиб яшаётгани ҳақида нохуш хабарлар келади. Шундан сўнг, бадарға қилинганлар Хивага қайтишни сўраб, Давлат сиёсий бошқармасига (ГПУ) мурожаат қилишади. Аммо совет ҳукумати «аҳоли қатламла-

ДАРВОҚЕ...

Хива хонининг тахти ҳозир қаерда?

Руслар томонидан Хива хонлигига доир қимматбаҳо нодир санъат ва маданият дурдоналари шу қадар кўп ўлжага олинганки, булар Петербург ва Москва музейларини мисли кўрилмаган даражада бойитиб юборган. Бу узун рўйхатни ёзиб адо этиб бўлмайди, аммо улар орасида Хива хонининг тахти ҳам бор эди. Тахтни илмий тавсиф этган рус олими В.В.Стасов: «Бу тахт Хива усталарининг маҳорат чўққиси, яъни металлга гул солиш санъатининг бетакрор маҳсулидир», деган эди. Тахт 1874 йилда Москвадаги Оружейное палатасига топширилган, ҳозир ҳам уша ерда сақланмоқда, у дунё кўргазмаларида кўрсатилган.

рига таъсир қилиши мумкин» деган сабабни кўрсатиб, хон оиласи ватанига қайтишига рухсат бермайди. 1926 йили Абдурасул Мадиевров милиция мактабини ташлаб, қариндошлари олдига қайтиб келади.

1930-йилларда собиқ иттифоқнинг барча ҳудудларида, жумладан, Украинада ҳам мисли кўрилмаган қаҳатчилик ва оммавий очарчилик бўлиб ўтади. Бундай оғир синовларни кўтара олмаган кекса Саид Абдуллахон дизентерия билан касалланиб, кончилар шифохонасига ётқизилади ва бир ойдан сўнг ҳаётдан кўз юмган. Хоразмнинг собиқ ҳукмдори 62 ёшида кончиларнинг қабристонига кўмилади. Унинг қабри вақт ўтishi билан йўқолиб кетган ва ҳозирда ҳам қаердалиги номаълум бўлиб қолмоқда.

Тиланчилик, хорлик, тақик

Хоннинг яқин қариндошлари ҳаёти бундан ҳам фожиали кечди. Унинг акиси Мухаммадёр сургун қилинган пайтда 70 ёшли кекса эди. У ишлай олмади ва оммавий



очлик бошланганидан кейин тиланчилик қилишга мажбур бўлди. Унинг ўғли Ибодулла болалигидан қар эди. Кон атрофидаги маҳаллий бозорда тиланчилик қилиб юрганида тасодифан юк машинаси босиб кетиб ҳалок бўлган.

1933 йилда, хон вафот этганидан сўнг унинг қариндошларига Ўзбекистонга қайтишга ижозат берилади. Саид Абдуллахоннинг ўғиллари — Раҳматулла ва Юсуф Ёқуб Тошкентга кўчиб боришади. Акиси Мухаммадёр 1936 йилда Тошкентда вафот этди. Хоннинг яна бир ўғли Саид Абдулла украинalik рафиқаси билан урушдан олдин Ўзбекистонга кўчиб ўтиб, бу ерда таржимон бўлиб, кейинчалик эса геолог-разведкачи бўлиб ишлаган. 1941 йилда у бир кишини машинада уриб юбориб, беш йилга сургунга ҳукм қилинган. 1960 йилларнинг бошларида вафот этган.

Қайд этиш жоизки, хон авлодида совет иттифоқининг исталган жойида яшашга рухсат берилган, аммо Хивага қайтиш тақиқланган. Хоннинг Украинида оилали, болачақали бўлган бошқа қариндошлари Кривой Рог шаҳрида қолиб кетишган.

Григорий Гусейновнинг ёзишича, Абдурасул Мадиевров умрининг охирида, 1990 йили қисқа муддатта Хивага саёҳат қилиб, машҳур аждодларининг қабрларини зиёрат қилади. 70 йилдан кейинги бу зиёрат охиригиси бўлиб қолди. Абдурасул Мадиевровнинг авлодлари ҳозирги вақтда ҳам Украинада яшамокдалар.

Қудрат МАШАРИПОВ,
Урганч давлат университети
тарих кафедраси доценти.

«Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари»
уюшмаси ташкил этилади.

СОЛИҚ

Имтиёзлар бекор қилинди

— Эшитишимча, ёш оилаларга ипотека кредитини қоплаш учун иш ҳақидан йўналтирилган маблағдан даромад солиғи олинмаслиги тўғрисидаги тартиб бекор қилинибди. Шу тўғрими?

Нодир КАРИМОВ.
Фарғона шахри.



Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги матбуот
хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, жорий йилнинг 19 июнь куни Президентимизнинг «Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, юридик ва жисмоний шахсларга илгари татбиқ қилинган қатор имтиёзлар бекор қилинган. Жумладан, ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган маблағни даромад солиғидан озод қилиш тўғрисидаги норма 2021 йил 1 январдан бекор қилинади.

ҲАМКОРЛИК

Халқаро ташкилотларга аъзолик бадали қай тартибда тўланади?

— Мамлакатимиз кўплаб халқаро ташкилотларга аъзо саналади. Маълумки, халқаро ташкилотга аъзолик қандайдир бадал тўлашни тақозо этади. Мазкур бадаллар нима ҳисобидан қопланади?

Отабек МАТЖОНОВ.
Бахмал тумани.

Жасур КЕНГБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
матбуот хизмати ходими:

— Жорий йил 22 июнь куни Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан ва халқаро ташкилотларга аъзоликдан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, ваколатли органлар Ўзбекистоннинг келгусида тегишли халқаро ташкилотда иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги ҳамда аъзоликдан олинадиган ва бошқа фойдалар бўйича доимий таҳлил олиб боради.

2021 йилдан бошлаб халқаро шартномалар ва халқаро ташкилотларга аъзолик бўйича мажбуриятлардан келиб чиқадиган бадаллар ва улар бўйича қарздорликлар бевосита ваколатли органлар томонидан давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар ва ўз маблағлари ҳисобидан тўланади.

МОЛИЯ

Банкдан бошқа ташкилотлар ҳам кредит бера оладими?

— Эшитишимча, яқинда мамлакатимизда банкдан ташқари ташкилотлар ҳам кредит бериш имкониятига эга бўлибди. Бу қандай ташкилотлар?

Нодир ЖУМАЕВ.
Тошкент шахри.



Шухрат ОРИПОВ,
АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»
Ахборот хизмати раҳбари:

— Сиз мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамаси томонидан 20 июнь куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида «Яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор талабларини назарда тутяпсиз. Унга кўра, «Яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланиб, қатор тадбирларни амалга ошириш белгиланди. Жумладан, эндиликда аҳоли учун истеъмол кредитлари ажратиш тартиби янада соддалаштирилади, барча кадастр ҳужжатлари рақамлаштирилади, «Нимо» ва «Uzcard» тўлов тизимлари интеграциялаштирилади, «QR» код орқали амалга ошириладиган тўловларнинг оммабоғлиги оширилади ва кўлами кенгайтирилади, молиявий хизматлар кўрсатувчи муқобил ташкилотлар ривожлантирилади.

Шунингдек, қарор юртимизда «Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиши лозимлигини ҳам белгиланган. Аммо бу имконият қандай ташкилотларга тақдим қилиниши назарда тутилмаётган қонун ишлаб чиқилиб, тегишлича тасдиқланганидан сўнг маълум бўлади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Тошкентда Туркия университетининг филиали очилади

— Янги ўқув йилида мамлакатимизда яна бир хорижий олий таълим муассасаси фаолият бошлаши тўғрисида эшитдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Нигора СОЛИЕВА.
Поп тумани.

Фарҳод БАБАШЕВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот котиби:

— Дарҳақиқат, жорий йил 17 июнь куни Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида Туркиянинг Иқтисодиёт ва технологиялар университети филиалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Туркиянинг Иқтисодиёт ва технологиялар университети Тошкент шаҳрида филиали ташкил этилади. Филиалнинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этишни рағбатлантириш, илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришни кенгайтириш, таълим олувчиларнинг инновацион ғояларини амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилишдан иборат. Филиалда таълим фаолияти 2020/2021 ўқув йилидан бошланади. Филиал битирувчиларига Ўзбекистонда олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган университет дипломи берилади.

ИМКОНИАТ

Оддий фуқаролар олтин излаш билан шуғуллана оладими?

— Юртимизда қимматбаҳо металллар, жумладан, олтин излаш билан қонуний шуғулланиш имкони борми? Бунинг учун қимга мурожаат қилиш керак?

Қодиржон ЭРМАТОВ.
Хатирчи тумани.

Илҳом ХУШВАҚОВ,
Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси мутахассиси:

— Ушбу фаолиятга Президентимизнинг 2018 йил 26 ноябрдаги «Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асос бўлиб хизмат қилади. Унга кўра, жисмоний ва юридик шахсларга ўлчамлари 1 гектардан ортиқ бўлмаган сочма олтин конлари тақдим этилиши ҳамда ушбу фаолиятни амалга ошириш учун ер қабри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида реализация қилиниши белгиланган. Шу тартибда ўтказиладиган савдоларда ер қабри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини 10 кун муддатда лицензиялар берилади. Лицензиянинг амал қилиш муддати 3 йил. Қазиб олинган қимматбаҳо металлларни қабул қилиш учун Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари ва заргарлик корхоналарида кассалар фаолияти йўлга қўйилган.

Қайд этиш керакки, қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолияти мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш ва тадбиркорликнинг янги йўналиши сифатида ривожланишига имконият яратди. Олтин изловчилар ердан фойдаланишнинг 3 йиллик муддати тугагандан сўнг уларни қайта тиклаш ва захира фондида қайтарилиш шарт.

